

ИМОМ БУХОРИЙ НОМЛИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ ИНСТИТУТИ

АРАБ ТИЛИ

БАЛОҒАТ ФАНИДАН МАЪРУЗАЛАР
МАТНИ

Тошкент Ислам институти мударриси:
ШАРИФОВ ЗОКИР

*Тошкент ислом институти ва ислом
ўрта махсус билим юртлари талабалари учун
гарслик сифатида тавсия этилади.*

Босишга руҳсат этилди: 04.10.2002й.
Бичими 84x108^{1/32}. Шартли босма табағи 7,0
Офсет қоғози. Адади: 1000. Буюртма № 136.

«SHOAKBAR» Хусусий илмий ишлаб чиқариш
тижорат фирмаси.
Тошкент, Чкалов кўчаси, 1а.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Муқаддима

Аҳли дониш ва маърифат соҳибларига маълум ва мафҳумдирким, сўзларнинг аълоси ва маъноларнинг мусаффоси — бу Каломи раббоний бўлмиш Қуръони каримнинг муъжизакор оятлари ва "Фаслул-хитоб" мақомига муваффақ бўлмиш Расули мужтабоси Муҳаммад алайҳиссаломнинг пурҳикмат ҳалиси шарифларида мужассамдирки, улардаги иборалар фасоҳат ва балоғатнинг интиқо даражасида таъбир этилгандир.

Араб тилини пухта ўрганишга бел боғлаган талабалар сарф илми билан феълий ва исмий жумла тузиш қоидаларини ўрганган бўлсалар, балоғат фани орқали араб тилининг мажоз, ҳақиқат, танибёҳ, киноя, баён, маоний, бадий каби жиҳатлари билан танишиб, ҳар бир тапни вақти ва мақомига қараб, муқтазои ҳолга мувофиқ равишда ифода этишни ўрганадилар.

Балоғат фанини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган алломалардан Амр ибн Баҳр ал-Жоҳиз (вафоти 255 ҳ.й.), Ибн Дурайд (ваф. 321 ҳ.й.), Қудома ал-Котиб (ваф. 336 ҳ.й.) Абдулқодир Журжоний (ваф. 474 ҳ.й.), Абулқосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий (ваф. 538 ҳ.й.).

Юсуф ас-Саккокий (ваф. 626 ҳ.й.), Жалолиддин Маҳмуд ибн Абдурраҳмон ал-Қазвиний ал-Хагиб (ваф. 739 ҳ.й.), Саъдуддин Тафтазоний (ваф. 791 ҳ.й.), Муҳаммад ибн Арафа ал-Дусуқий (ваф. 1230 ҳ.й.) каби зоти шарифларнинг балогат фани бўйича қолдириб кетган асарларидан ифода ва истифода этишни талаба ва мударрисларга тавсия этамиз.

Бу фанни яхши ўзлаштирган киши фақат араб тилида эмас, балки ўзбек тилида битилган мумтоз адабиётимизнинг сир-асрорларидан ҳам воқиф бўлиши муқаррар. Балогат ва фасоҳат аҳлидек гапни чуқур англаб, баркамол англата оладиган булоғалардан бўлишликни Ҳақ таоло барча илм аҳлига насиб этгай!

Абдулазиз Мансур

БАЛОҒАТ ФАНИДАН МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

1-маъруза: БАЛОҒАТ ФАНИНИНГ МОҲИЯТИ

1. Араб тилини ўрганишда сарф-наҳв илми.
2. Балоғат фанининг шаклланиши.
3. Балоғат араб тили руҳиятини ифодалайди.

Араб тили дунёдаги тиллар ичида кўп ўрганилган ва ҳануз ўрганилаётган тил ҳисобланади. Луғат бойлиги билан ва қоидаларининг турли-туманлиги, бир калимани бир неча услубда ишлашиш имкониятларининг кўплиги билан комилликда тиллар ичида ажралиб туради. Балки, дунёда шеваларининг жуда кўплиги билан ҳам аввалги ўринни эгаллайди.

Бу тил Қуръони карим тили, жаноб Пайғамбаримиз тиллари бўлгани учун ҳам уни ўрганиш йўллари илгариги замонлардаёқ ишлаб чиқилган. Араб тилини ўрганиш учун ҳам бошқа тилларни билиб олиш учун керак бўладиган фонетика-грамматика ва ҳоказолар, яъни сарф ва наҳв илми мукаммал ўрганилади. Кўпгина тиллар гап тузиш, феъл ясаш қоидаларини билиш соддароқ бўлса ҳам гаплаша олиш имконини беради. Аммо араб тилида мукаммал гаплашиш ва уни тушуниш учун албатта, балоғат фани қоидаларини яхши билиш керак. Маъжур қоидалар араб тили руҳини тўла очиб бергани учун ҳам Қуръони карим, ҳадислар, шариат китоблари ҳамда жоҳилиятда ўтган буюк араб шоирларининг ижодлари маҳсулидан баҳраманд бўлиш ва тўғри идрок этиш имкониятига эга бўлинади. Шунинг учун ҳам илми балоғатнинг аҳамияти юксакдир.

Бу фаннинг ўқилмоғига сабаб: Балоғат илми бошқа илмлардан кўра етарли даражада фазилатлари борлиги учун биринчи ўринни эгаллайди. Луғат сир-асрорларини очишда бетакрор ўрни бор. Луғат хазиналарини кашф этишда беқиёсдир. Шунингдек, унинг нозик ва нафис жиҳатларини ўрганишда беназирдир. Энг асосийси, у тил мусобақаларида, суҳандонлик беллашувларида олий мукофотни эгаллаш усулларини чуқур ўргатади. Қуръони карим шу тилда нозил бўлди. Бу эса унинг услубий йўналишларини кенгайтди. Зеро, араб тили бошқа тилларда бўлмаган сўз маъноларини ифодалашда гўзалликка, бетакрорликка ва улўғликка эгадир. Балоғатни билиб,

кейин бошқарув тахтига ўтирурлар ва ҳакаю. Қуръон мўъжизатларини кашф этишда илми балоғатнинг аҳамияти буюқдир. Бу балоғат илмига ҳожатимиз кучли эканини билдиради.

Балоғат илмларини мукаммал билишимиздан олдин унда ладиган баъзи терминлар — балоғат ва фасоҳат ҳамда уларга алоқдор истилоҳлардан хабардор бўлмоғимиз керак.

Мавзу бўйича таянч сўзлар (истилоҳий терминлар): балоғат, фасоҳат, таркиб.

Адабиётлар:

1. Хомид Авний, «Ал-Минҳожул возих», Дорул-китаб, Миср, 1953 й.
2. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънаъ, «Ал-Манор», Ал-Азҳар, Миср, 1991 й.
3. Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний, «Ат-Талхисул-баён», Қозон, 1304 ҳ.й.
4. А. Мансур, «Қуръони карим маъноларининг таржимаси», 2001 й.
5. Али ал-Хабармий, Мустафо Амин, «Ал-Балоғатул-возиха» Оромбоғ-Қорачи қадимий кутубхона, 1989 й.

2-мавзу: БАЛОҒАТ ФАНИ ТАРИХИ ВА ИМОМЛАРИ

1. Ҳижратнинг II асрида балоғат фанининг ривожлана бошлаши.
2. Балоғат фани ҳақида китоблар ва муаллифлари.
3. Илми Маоний; Илми Баён; Илми Бадий ҳақида маълумот.

Аввалда бу фан балоғат фани деб юритилмаган. У ўзи алоҳид ҳисобланган учта илмдан иборат эди: Илми Маоний, Илми Баён ва Илми Бадий. Тил олимлари бу илмларга фақат сарф-наҳв ва грамматикага оид китоблар ёганларидан кейин киришар эдилар.

Ҳижратнинг II асридан бошлаб балоғат фани илмлари ушбу китоблар ёзила бошланди. Энг биринчи бўлиб илми Баён ҳақида китоб ёзилган дейиш мумкин. 206 ҳижрий санада дорулбақоғи қўлга келтирилган Абу Убайда Маъмар ибн ал-Мусанний ал-Басрий жазули Қуръон китоблари илми баёнда биринчи китобдир. Кейин Юнус ибн Ҳабибнинг шогирди бўлиб, бу ҳазрат Сибайи ал-Халфи шайхидирлар (раҳматуллоҳи алайҳим ажмаъин). «Мажозули-Басрий» китобининг ёзилиш сабаби:

Машҳур олим Фазл ибн Рабийънинг мажлисида у кишидан:

— «**Заққум**» тўғрисидаги оятни маъносини тушуниш қандай бўлади, шу вақтгача биз шайтонни ва унинг бошини кўрмадик, у дарахт мевасининг шодаси қандай экан, билмаймиз!? Нимага ўхшар экан, тушунмаймиз? Сиз араб тилини биздан кўра комилроқ биласиз, нима бўлади? — деб саволга тутдилар. Шунда уларга Абу Убайда жавоб берди. Халққа машҳур бўлган ялмоғиз кампирнинг ўткир ва учли тишлари айtilган байтни ўқиб:

— Мазкур байт маъносини қандай тушунсангиз, оятнинг ҳам маъноси шундай бўлади, — дедилар, — чунки, оятдаги ўхшатишмиш ҳам, ўхшатиладиган ҳам номаълум бўлган нарсалардир. Аммо араблар ҳамма сураги ҳунук нарсани шайтонга ўхшатишни одат қилганлар. Бу ерда ҳам шунчалик ҳунук ва қўрқинчли эканини ифодалаш учун ушбу сўзларни ўхшатишда қўлланилган, — деб таърифладилар.

Шундай қилиб, бу нозик ўринлар ҳақида китоб ёзишни қасд қилдилар. Кейин бошқа олимлар ҳам уларга эргашиб, истиора ва киноя ҳақида рисоалар ёздилар.

Илми Маоний ҳақида биринчи қалам тебратган киши маълум эмас. Жаъфар ибн Яҳё, Саҳл ибн Ҳорун ва бошқалар баъзи асарларида илми Маоний ҳақида сўз юритганлар. Илми Маонийни алоҳида китоб ва фан қилган зот Амр ибн Баҳр ал-Жохиздир. Китобларининг номи «ал-Баён ват Табйин» ҳамда «Иъжозул Куръон» (*Куръон мўъжизалари*) бўлган. У кишидан кейин Абу Аббос ал-Мубаррад ва Қудома ибн Жаъфар ал-Котиб ва бошқалар асар битганлар.

Учинчи илм — Илми Бадиъ тўғрисида эса, биринчи китоб Абдуллоҳ ибн ал-Муътазз ал-Аббосий (*296 ҳижрийгача яшаган*)-нинг китоби ҳисобланади. Шунгача шоирлар шеърларини илми бадиънинг баъзи тур ва қисмларида ижод қилар эдилар. Ибн Муътазз ўнга навъ жамладилар. У билан бир асрда яшаган Қудома ибн Жаъфар бу ўнтани ўрганиб, уни йигирматага етказди. Бунинг етти навъида Абдуллоҳга иттифоқ қилди. Абдуллоҳ эса яна изланиб, бошқа ўн етти навъини қўши ва жами ўттизга навъга етди. Кейинги асрларда ҳар бир олим бу илмни ривожлантирди. Абу Ҳилол Аскарӣ — соҳиби «Саноятайн», ибн Рашиқ — соҳиби «ал-Умда» ва бошқаларни санаш мумкин. Уни чўққисини эса, балоғат илми шайхи имом Абдулқохир забт этдилар, «Далоилул ижоз» ва «Асрорул балоғат» деб номланган китоблари бор. Бу кишидан кейин беназир шоҳсупага форс ўғлони Абу Яъқуб Юсуф Саккокий чиқдилар. Бу зот балоғат илмини ишлаб чиқиб, боб ва

қисмларга ажратдилар. Қолпан барча уламолар балоғат илми еса-
сида бу кишига муҳтождирлар. Китобларинини номи «Ал-Ма-
тоҳ».

Мавзу бўйича таянч сўзлар (истилоҳий терминлар): И-
Маоний, Илми Баён, Илми Бадиъ, ижоз, мажоз, киноя, ба-
ғат-фасоҳат.

Адабиётлар:

1. Хомид Авний, «Ал-Минҳожул-возих», Дорул-китаб, Миср, 195
2. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънаъ, «Ал-Манор», Ал-Азҳар, Миср, 199
3. Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний, «Ат-Талхисул-баён», Қо-
1304 ҳ.й.
4. А. Мансур, «Қуръони карим маъноларининг таржимаси», 200
5. Али ал-Хабармий, Мустафо Амин, «Ал-Балоғатул-возих»
Оромбоғ-Қорачи қадимий кутубхона, 1989 й.

3-мавзу: ФАСОҲАТ

1. Луғавий маъноси.

2. Истилоҳий маъноси билан калима, калом ва мутакаллим-
нинг фасоҳатига тақсимланиши.

3. Калиманинг фасоҳати:

Танофурул хуруф; Мухолафатул вазъ; Ғароба.

Фасоҳат “ал-баён ва аз-зуҳур” маъноларида бўлиб, баён қилиш
очиқ бериш, аниқ ва зоҳир, изҳор қилиш, билдириш каби маъно-
ларни англатади. Араблар ёш боланинг тили чиқса, раво

бошласа **افصح الصبي في منطقه** яъни тили очилди, чиқди.

дилар. Тонг отса **افصح الصبح** қоронғуликдан ёруғлик ашди.

зоҳир бўлди, — дейдилар. **هذا يوم مصفح** Бу кун мусатфиф.

булут йўқ ҳамда **افصح اللبن** сут ёғидан ажралди, қаймак чиқди.

— деб санаб ўтган маъноларни ишлатадилар.

Истилоҳий таърифи йўқ, лекин фасоҳат уч калиманинг бирига сифат бўлиб келганда, таъриф келтирилиши мумкин. Балогат олимлари наздида фасоҳат калимага, каломга ҳамда мутакаллимга сифат бўлади ва ўз ўрнида маъноларини аниқ, маълум-маъруф ва машҳур эканига далолат қилади.

КАЛИМАНИНГ ФАСОХАТИ

Таъриф: فصاحة الكلمة هي سلامتها من العيوب

الثلاثة: تنافر الحروف والمخالفة للوضع والغربة

Калиманинг фасоҳати, яъни маъноларининг маълум, машҳур ва гушунарлик бўлиши, уни уч айбдан саломат бўлишидандир. Булар 1) Калима ҳарфларининг бир-биридан беэши; 2) Калимани машҳур вазн ва сарф қоидаларига мос келмаслиги; 3) Калимани соф араб тилида йўқлигидир.

1. Танофурул хуруф: таъриф

هو وصف في الكلمة ينشأ عنه ثقلها على اللسان وعسر النطق بها

Калима ҳарфларининг бир-биридан беэши (*танофур*) калиманинг ўзидаги ҳолат бўлиб, талаффузни ва сўзни тилга қийин ва оғир келишини туғдиради. Танофур икки хил: шадид ва хафиф

бўлади. Шадидга мисол: الظش қаттиқ тепалик, المعنعع янтоқ;

хафифга мисол: النقاخ тиниқ, шаффоф сув, المستشررات от ёлларининг югураётган вақтидаги ҳолатлари.

Кўриб турганингиздек, бу мисолларда ҳар бир ҳарф маҳражлари яқинлиги ёки бир маҳраждан экани сабаб талаффузга ва тилга қийинчилик туғдирапти. Биринчи мисолимизда калиманинг ҳарф маҳражлари битта — тил (лисон) маҳражида, иккинчи мисолдаги ҳарф маҳражлари эса ҳалқ маҳражида жойлашган. Демак, ҳарф маҳражлари битта ёки бир-бирига яқин бўлган калималар тилга оғир, талаффузи қийин бўлиб, улар ғайри фасиҳ ҳисобланади.

Аммо баъзан мазкур сифатлари бор, лекин фасиҳ ҳисобланган калималар ҳам учрайди. Улар тилга енгил ва талаффузга оғир бўлмагани учун шундайлигича ишлатиш қабул қилинган. الشجى ҳазин,

хафа, дардлик; الجيش кўшин; Куръони каримдаги الم اعهد «аҳд-

лашмаган эдимми?!» каби калималарини мисол келтириш мумкин
2. Мухолафа гул вазъ: таъриф

هي ان تكون الكلمة مخالفة لما ثبت عن الواضع
سواء كانت مخالفة للقياس الصرفي أولا

Калиманини сарф қоидаларига, тўғри келмаслиги, яъни, машхур вазнларга туъ маслиги возеъ тамонидан қатъий қўйилган қолипларга мос эмаслигидир. Машхур вазн қоидалари ва бошқа қонунлар хилофликда баробардирлар. Бунга мисол шоир шеъридаги «буқот» калимасидир. Шоир шоҳ атрофидаги ҳамма кишилар ҳам халқамида бўлмаслигини қаламга олади:

فإن يك بعض الناس سيفاً لدولة ففى الناس بوقات لها وطبول

Баъзи одамлар давлат тинчлигини, тараққиётини таъминлашда қилич бўлсалар, уларнинг баъзилари эса қўлидан ши келмайдиган қарнайчи-ю ноғарачидирлар.

Ушбу байтдаги «буқот» лафзи қоидага хилоф зикр қилиниши чунки унинг муфради **بوق** бўлиб, жам сийғаси **باب ابواب** кабр

лафзни бузиб келтирди ва натижада у ғайри фасиҳ бўлди. Шун билан бирга маъносини ҳам англашда қийинчилик туғдирди.

Сарфий вазннинг бузилганига мисол:

الحمد لله العلى الاجل انت ملك الناس ربا فاقبل

Улуғ жалолат соҳиби, олий мақомлик Аллоҳга ҳамду сано бўлсин, сен инсонларнинг тарбият этгувчи подшоҳисан, мен ҳам сени шундай қабул қиламан.

Ушбу байтдаги **الاجل** калимаси сарф қоидасига хилоф истеъмол этилгани учун ғайри фасиҳдир. Асли исми тафзил ва таъдил бўлгани ва **فعل** нинг аъён ва лом баробарида икки ҳарф бир қилин

дан келгани учун идғом билан **الاجل** бўлиши керак. Шоир оқибатда вазнини бузмаслик ва қофия келиштириши учун факкул идғом қилган.

Баъзан маъкур қоидага хилоф бўлса ҳам фасоҳатлик сарфий калималар истеъмолда учрайди. Тилга енгиллиги бунини тасдиқ

сабабидир. **ابى يابى** *ибо қилди, юз ўғирди* феъли аслида

ضرب يضرب урмоқ вазнида **يابى** аини касралик бўлиши керак.

«Аъйн»ини касра ўқишдан фатҳа ўқиш тилга осон. Шунинг учун ҳам асли «аъйн»и касралик бобдан бўлсада истеъмолда фатҳа билан ишлатилади ва фасоҳатлик ҳисобланади.

3. Ғароба: таъриф

هى ان تكون الكلمة وحشية اى غير ظاهرة الدلالة

Ғароба бу калиманинг ёввойилиги (кам ишлатиладиган), яъни ўз маъносига очиқ далолат қилмаслиғидир. Икки сабаби бор: 1) Калиманинг соф араб тили истеъмолида йўқлиги бўлиб, унинг маъносини тушуниш учун лугатлар ва ажам тилларига мурожаат қилиш керак бўлади. Мисол: машҳур наҳв олими Исо ибн Умар уловларидан беҳосдан йиқилиб тушди. Атрофларига дарҳол тўпланишди. Уларга ғашлари келган олим:

مالككم تكأ كاتم على كئا كؤكم على ذى جنة افرنقوا

ледилар. Олимнинг мазкур икки (**تكأ كاتم**, **افرنقوا**) лафзлари истеъмоладан қилинмаган лафзлардан экани ва маъноси ҳам маълум эмаслиги учун ғайри фасиҳдир. Бу лафзларнинг маъноларини аниқлаш учун қадимги араб-иброний тилларига мурожаат қилиш керак бўлади.

Шунда **انصرفوا - افرنقوا** ва **اجتمعتم - تكأ كاتم** маъноларида экани маълум бўлади:

Нима менинг бошимга жинни одамни олдига тўплангандек тўпландингиз!? Тарқалинглар!

Демак бошқа тиллардан истеъмолга кирган калималар маъноларининг маълум бўлмагани учун ғароба, ғайри фасиҳ булар экан.

2) Калимани бирор ишорасиз умуман бошқа маънода ишлатиш, бундай калималарни тушуниш учун бир оз баҳс юритиш керак бўлади. Шоир ўз маҳбубасини таърифлар экан, унинг бурнининг гўзаллигини «мусраж» калимаси билан ифодалайди. «Мусраж» аслида «юганланган» маъносида бўлиб, уни инсонга ишлатиш ноқулайдир. Шоир юганланган туя чиройли кўринишини назарда тутиб, ёрининг бурни ва қулоқларига ўтказилган балдоқларини гўзаллигини тасвирлаш учун байтда «мусраж» лафзини ишлатган. Бу билан калимани ғайри фасиҳ қилган.

Мавзу бўйича истилоҳий терминлар: калима фасоҳати, танофур, шадид, хафиф, воъъ, Мухолафатул ваъъ, гароба, тайри, юхир

Адабиётлар:

1. Хомид Авний, «Ал-Минҳожул возиҳ», Дорул-китаб, Миср, 1958.
2. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънаъ, «Ал-Манор», Ал-Азҳар, Миср, 1991.
3. Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний, «Ат-Талхисул-баён», Қоз. 1304 ҳ.й.
4. А. Мансур, «Қуръони карим маъноларининг таржимаси», 2001 й.
5. Али ал-Хабармий, Мустафо Амин, «Ал-Балоғатул-воъида», Оромбоғ-Қорачи қадимий кутубхона, 1989 й.

4-мавзу: ФАСОҲАТУЛ КАЛОМ

1. Каломнинг фасоҳати.

2. Танофурул калимот;

3. Заъфу т-таълиф;

4. Таъкид.

Таъриф:

هي سلامتها عن العيوب الثلاثة: تنافر الكلمات وضعف التأليف والتعقيد

Каломнинг фасоҳати, маъноларини аниқ ва тушунарлик бўлиши уни уч айбдан саломат бўлишидир: 1. Калималарнинг бир-биридан беиши; 2. Гапни хато тузилганлиги; 3. Маъносини чингалиги.

1. Танофурул калимот

هو وصف في الكلمات مجتمعة يوجب ثقلها على اللسان وعسر النطق بها

Калималарнинг бир-биридан беиши калималар биргаликда уқилишганда уларни тилга қийинлигид, талаффузга огирлигини келиб чиқаришидир. Худди танофурул ҳуруф каби, бу танофурнинг ҳам сабаблари бир калимани қўп такрор бўлиши ва ундаги ҳарф махражлари ўхшашган ҳолда ёнма-ён келиши ва шу калималар бўлиши мумкин. Аммо калималарни алоҳида олинса, уларнинг ҳар бири фасоҳатлик бўлиши керак. Бунинг ҳам шадид ва хафиф турлари бор. Шадидга мисал ривоят қилишларича, баъзи саҳобийлар ғазотдан қайтаётганда Ҳарб ибн Умайянинг қabri олдида ўтганлар. Шунда баъзилар ердаги жинларнинг бу байтларни ўқитганларини эшитганлар:

وقبر حرب بمكان قفر وليس قرب قبر حرب قبر

Ҳарбнинг қабри дахитдек кимсасиз жоидадир, ва унинг қабри яқинида бошқа қабр йўқдир

Бу байиниш иккинчи мисрасида ғинофурул каломотни курыямин. “Қабр”, “қурб”, “қурб” каби калималарни биргаликда уқинида тил таърифунга қийинаяпти, тил калималарни айғини учун маҳаражларни бориб келишга улурмаяпти. Шунини учун калом ғайри фасиҳдир.

Ҳафифа мисол: Абу Таммом ўзи мақтаётган кишига шундай ғайроз бидиргани:

كريم متى امدحه امدحه و الورى معى واذا ما لمته لمته وحدى

У саҳий, мақтаганимда одамлар ҳам бирга уни мақтайдилар. Борди-ю, агар маломат қилсам, ёлғиз ўзим маломат қиламан.

Аввали мисрадаги аمدحه, аمدحه, дафларининг такрор келиши пена офир бўляпти. Бу каломни ғайри фасиҳ қилди.

2. Заъфуг таълиф: таъриф

هو ان يكون الكلام فى تركيئه مخالفا للمشهور من قوانين النحو كالآتيان

بالضمير متصلا بعد «إلا» وكالأضمار قبل الذكر

Каломни бўш тузилгани, таркибида машҳур наҳв қоидаларига хилофлик, тўғри келмасликнинг борлигидир. Масалан **إلا** га муттасил замир берини ёки замирни илгари зикр қилиш кабилар бўлиши мумкин. Бунда замирлар дафзий, маънавий ёки ҳукмий бўлиши мумкин. Шеър:

وما علينا اذا ما كنت جارتنا ألا يجاورنا الاك ديار

Бизга қўшни бўлсанг ҳам, жавр қилсанг ҳам ҳеч парвоимиз йўқ. Огоҳ бўлдим, сендан ўзгалар ҳам бизга жавр қиладилар, қўшни бўладилар.

Кўриб гурибси эки, шоир **إلا** га «коф» мухотабни ёшиштириб келтирган. Наҳв қондасига кўра **إلا** фақат замири мунфасил билан зикр қилинади, «коф» каби муттасил замирни келтириш жоиз эмас. Асли **إلا إياك** бўлиши керак.

Замирни илгари келтиришга мисол:

و لو ان مجدا اخلد الدهر واحدا من الناس أبقى مجده الدهر مطعم

Агар бахт, омад бирон кишини абади қолдирса эди, албатта Матъм нон Абдининг обрӯ ва давлати уни ёқин қолдирарди.

Иккинчи минерадаги **مجدد** нинг замири Матъмга қайтиши керак, Матъм лафзи эса жумланинг охирида келтирилган. Қонда-на хилоф бўлгани учун қайри фасих бўлди.

3. Таъқид:

هو ان يكون الكلام غير ظاهر الدلالة على المعنى المراد لخلل واقع فيه

Таъқид каломнинг узидаги иллат гуфайли ирода этилган маънога очиқ далилат қилмаслиги, яъни мақсаднинг чигаллигидир. У лафзий ва маънавий бўлади.

Таъқиш лафзий — гагининг назмида ёки таркибидаги иллат, яъни тақдим (*илгари келтириш*), таъхир (*кейинроқ келтириш*), фасл (*ажра-тиш*), хаф (*олиб ташлаш*) ва шу қабиълар сабаби билан маъносини англашни қийинлигидир. Унинг шадид ва хафиф турлари бор.

Шадида мисол: Шоир Фарзат қ халифа Хишом ибн Абдумаликнинг тоғаси Иброҳим Махзумийни мақтайд.

ومثله في الناس الا مملكا ابو امه حي ابو يقرابه

Қишлоқдаги қариндошлари ва инсонлар ичида унга ўхшаши йўқ, магар подшо бўлса ўхшайди. Подшо онасининг отаси мақталаётган кишининг ҳам отасидир.

Ушбу байтларда 4та иллат бор: 1. Бадал ва мубаддал минху ўртасида **фосила** — **حي** — бадал, **ومثله** — мубаддал минху; 2. Мустасно — **مملكا** ни мустасно минху — **حي** га **тақдим**; 3. Мубтадо ва хабар — **ابو امه ابو** ўртасида **фосила**; 4. Мавсуф-сифат —

حي ни ўртасида **фосила**.

Хафиф: Шоир Абу Тоййиб қонга нақш чизадилар:

فجحت وهم لا يجفخون بهابهم شيم على الحسب الأغور دلائل

У ота-боболари, уларнинг амаллари билан фахрланди. Ва-ки, улар ўша (амал ва насаблари) билан фахрланмадилар.

Иллатлари: 1. Феъл ва фоил **فجحت شيم** ўртасида **фосила**. Мавсуф-сифат **شيم دلائل** ўртасида **фосила**.

Кўриб турганинги олек, жумла маъноларини аниқлаш қийин, у айри фасиҳдир.

Таъкидиди маънавий — таъкиднинг юҳирийи маъноси аниқлашнинг сунъиyroда қилишнинг мақсадини эҳтило аста идрок этишидир. Бундай жумлаларни тушуниши учун калималарнинг хафий маъноларини топиши ва иштироки керак бўлади. Дўстларига кучли соғинчи ҳақиқат шоир Аббос ибн Аҳнаф қатъи таъкид билан:

سأطلب بعد الدار عنكم لتقربوا وتسكب عيناى الدموع لتجمدا

Сизларга яқинроқ бўлиш учун, узоқларда яшашига ҳовли илайман. Ҳар сафар қўришганда кўз ёшлар сел бўлиб оқсин, кўз ёшлар қўриб қолсин.

Шоир ёронларидан уларни жуда яхши кўрсатди, узоқроқларда истиқомат қилишни хоҳлайди, ҳижрон ва айрилиқ, соғинч ва аламга парво қилмайди. Чунки мана шунда учрашувга шавқ ва интилиш кучли бўлади. Шодлиги ҳам узоқ ва ёқимли кечадди. Бу билан гўё вақтни алдамоқчи ҳам бўлади, лекин асосий мақсад дўстлар дийдорига ҳақиқий маънода етишиши, унинг рингларини мустаҳкамлашдир.

Шоир **لتجمدا** лафзини ишлатиш билан икки ноъик киноя келтирилган. 1. Кўз ёшларнинг селдек оқиши ёронлардан айрилиққа, ҳижронга ташвиш ва хафаликни ифода қилади. Бу билан чиройли киноя ишлатган ва у тўғридир. Чунки, йиғи одатда хафаликни, ғам-ғусса ва шу кабиларнинг белгиси ҳисобланади. 2. Кўз ёшларнинг селдек оқиб қўришини ҳурсандликдан киноя қилган. Дўстлар дийдорига етишиб, гўё барча ғам ва хафаликлардан қутулгандек ҳамда энди фақат шоду-хуррамлик келганини киноя қилимоқчи бўлган. Бу киноя эса муваффақиятли чиқмаган. У хато дир. Чунки, кўз ёшларнинг оқиши ҳурсандлик эмас, балки қаттиқ хафалик сабабидан ёш қолмаганининг ишораси бўлади.

Балоғат уламолари каломнинг фасоҳатли бўлиши учун яна туртинчи айбдан ҳам саломат бўлиши кераклигини таъкидлайдилар. У **такрор** дейилади. Таъриф:

هو ان يكثر فيه التكرار او تتوالى فيه الاضافات

Каломда лафзлар (қўпинча замирлар)нинг кетма-кет такрор бўлиб келиши ва ёки изофа занжирининг жуда узунлигидир.

Шоир Абу Тоййиб отни сифатлайди:

وتسعدنى فى غمرة بعد غمرة سبوح لها منها عليها شواهد

Унинг балиқдек енгил ҳаракатлари, бўлутдек учини менга сий-
дат баъи этади, уни шундан кўриб қувганимман, — деб итмоқчи
булади.

Башарни ھا хабари муқддас у ян махзур лафз ян муғаллиқ,

شواهد ۋە شواهد ۋەت عليها ҳол бўляпти, منها ۋە شواهد

ни ў ян мубтадон муаххар бўлиб, жумля سبوح ۋە сифатлир.

Иккинчи мисрадаги замирларнинг такрори калом фасоҳатига хл-
лаб беради.

Изофа занжирининг узунлигига мисол: шоир ибн Бобук кн-
бутарга дил ро яни айтади:

حمامة جرجا حومة الجندل اسجعى

فانت بمرأى من سعاد ومسمع

О! Кабутар қаттиқ тошлюк ва қумлюк ерларингда туриб, гўзал
баланд овозда сайрайсанки, ўзингни ва сайраётган жойингни кўрган
киши нақадар саодат қучади.

Биринчи мисрада изофалар занжирини кўряпми: ҳамом, жур-
жур, ҳавма, жандал лафзлари бир-бирига изофа қилинган.

Мавзуга доир истилоҳий терминлар: шадид, хафиф, ғароб, га-
нофур, зъёфут таълиф, таъқид, такрор.

Адабиётлар:

1. Хомид Авний, «Ал-Минҳажул-возих», Дорул-китаб, Миср, 1953 й.
2. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънаъ, «Ал-Манор», Ал-Азҳар, Миср, 1991 й.
3. Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний, «Ат-Талхисул-баён», Қозон, 1304 ҳ.й.
4. А. Мансур, «Қўрьони карим маъноларининг таржимаси», 2001 й.
5. Али ал-Хабармий, Мустафо Амин, «Ал-Балоғатул-возиха Оромбог-Қорачи қадимий кутубхона, 1989 й.

1. Мутакаллим фасоҳати.

2. Фасиҳ бўлиш учун шартлар.

Гапирувчининг фасиҳлиги бу энг аввало, унинг гапларининг равиолини, ҳаммага маълум ва машҳур бўлиши, сўзларни ўз ўрнида ишлати биллишини. Гапирф:

هـى ملكة اى صفة قائمة بنفس المتكلم يستطيع بها ان يعبر تعبيراً صحيحاً

яъни, мутакаллимнинг ўзидаги кўнглига келган фикрларини саҳиҳ, аниқ ва фасоҳатлик ифодалишга қодир этадиган ҳислатдир, яъни мутакаллимнинг тажрибаси, сўзлашдаги малакасидир. Киши фасоҳатлик гапирини учун аслида Аллоҳ бу фазилатни унга илтифот қилиши керак. Қолаверса, илганиши, кўп адабиётлар муроала қилиши, айниқса, Куръони карим, ҳадиси шарифлар фасоҳатиға, улуғ мутафаккир олимларнинг асарларидаги сўз ишлатиш услубларига эътибор бериб, ўрганиб бориши керак бўлади. Калима ва каломнинг фасоҳатларига риоя қилган ҳамда хоҳлаган мавзуда дилидагини гаплари билан юзага чиқара билса, уни фасиҳ дейиш жоиз. Аммо бунга қодир бўлмаса фасиҳ бўла олмайди. Мавзу деб мана буларни келтириш мумкин: мадҳ — мақтов, мазаммат — ёмонлаш, рисо — марсиялар ўқиш, бироқ кишини (вафотидан сўнг, баъзан ҳаётлигида ҳам) шаънини удуғлаш, фаҳр, таъбиб — шеърхонлик, фазалхонлик қилиш ва ҳоказолар.

Мутакаллим ўзининг фасоҳатиға ёрдам ёки халал берадиган шартларға қатъий риоя қилмоғи керак:

1. Калима ва каломнинг фасоҳатиға риоя қилиш;

2. Бир оз бўлсада товушини ўз ўрнида баландлатиб-пасайтириб гапирини;

3. Гапирётганда эшитувчининг эътиборини чағитадиган турли ҳаракатлардан сақланиш: юзи, сақолини силаш, бошини ва бошқа аъзоларини қайиш, бурун ковлаш, кийим ўйнаш, бироқ кишиға ёки нуқтаға қараб гапирини, сўз келмай қолганда турли товушлар чиқариш — йўталиш, тамоқ қириш, бурун тортиш каби, маърузаси давомида баъзи сўзларни билиб ё билмаган ҳолатда ўринсиз такрорлаш — масалан, энди, хўш, хўп, ана, инчунин, яъни ва ҳоказо;

4. Оят ва ҳадисларнинг маъноларини ўзбекона бадий тилда жаранглатишға ҳаракат қилиш;

5. Эшитувчиларнинг билим слюҳиятини ҳисобга олиб, фанни қўлланадиган истилоҳий терминларни шунингга ҳисобга олиш.

6. Имкон қадар соф бир тилда таърифини бонқатли тилларга олиб келтирганда эса, унинг маъноларини ҳам шунингга олиш.

Мавзуга доир истилоҳий терминлар: маъна, маъно, маънавий, рисо, фахр, ташбиб.

Адабиётлар:

1. Хомид Авний, «Ал-Минҳажул-возиҳ», Дорул-китаб, Миср 1953 и.
2. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънав, «Ал-Манор», Ал-Азҳар, Миср, 1991 и.
3. Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний, «Ат-Талхисул-баён», Қозон 1304 ҳ.й.
4. А. Мансур, «Қуръони карим маъноларининг таржимаси», 2001 й.
5. Али ал-Хабармий, Мустафо Амин, «Ал-Балоғатул-возиҳа», Оромбоғ-Қорачи қадимий кутубхона, 1989 й.

6-мавзу: БАЛОҒАТ, КАЛОМНИНГ БАЛОҒАТИ

1. Балоғатнинг луғавий маъноси;
2. Балоғатул каломнинг таърифи;
3. Муқтазои ҳоллар ҳақида.

Балоғатнинг луғатдаги маъноси «булуғ ва вусул» бўлиб, эришгани ва етишгани каби маъноларда ишлатилади. Араблар бирон киши мақсадларини чуқур ифодалаб, етकिза олса **بلغ الرجل بعبارة كنه مراده** дейдилар.

Истилоҳий маъноси эса, калом ёки мутакаллимга сифат бўлишига қараб белгиланади. Демак балоғат, фасоҳат каби калимага сифат бўлмайди. Шунинг учун **بلغ هذا الكلام** бу гап «балиғ»дир.

وهذا المتكلم بليغ бу нотиқ «балиғ»дир дейдилар. Лекин, бу калим «балиғ» демайдилар.

هي مظا بقتہ لقتضى الحال مع سلامته من العيوب السمخلہ بقصاحتہ
 яъни, фасоҳатлик бўлиш нартларига ривоя қилган ҳолда гапнинг
 муқтазои ҳол талаб қилинган шаронгга мос келиши «балогоғул
 калом» гапнинг сўкиштидир. Ҳол деб мутакаллимни шу гапни
 гапирининг ундаги ҳолатга айтилади. Муқтазо эса, тақозо, талаб
 қилинган маъносиди бўлиб, муқтазои ҳол гапни келтириш талаб
 қилинган ҳолатни билдиради.

Масалан, мутакаллим **المستان مثمر** оддий мубтадо-хабар қилиб
боғ мева берувчидир. — деса, аммо эшитувчи бунга ишонмаса,
 энди мутакаллим мухотабнинг инкорини кетказиш ва гапига
 ишонтириш учун **ان المستان لمثمر** яъни, *албатта боғ ҳақиқатан*
мева берувчидир, — дейди. Ана энди мухотабнинг ишонишдан
 бошқа иложи қолмади. Чунки унга таъкид билан икки қайта
ان المستان لمثمر сифати мушаббаҳа бил феъл литгаъкид ва «ло-
 ми таъкид» билан қайд этиб гапириляпти. Ушбу мисолдаги му-
 хотабнинг ҳолати муқтазо, мутакаллимнинг гапи эса ҳол бўляп-
 ти, яна соддароқ айтсак, муқтазо инкор, ҳол таъкид.

Худди мана шу каби мисолни Қуръони карим оятларидан кел-
 тириш мумкин. «Ёсин» сурасининг 13-16- оятларида Исо алайҳис-
 саломнинг элчиларининг ишлари баён қилинади:

(Эй, Мухаммад,) Сиз уларга қишлоқ (аҳли)ни — у жойга элчи-
 лар келган пайтини мисол келтиринг! (13)

Ушанда Биз уларга икки (элчи)ни юборганимизда (улар) икки-
 сини ёлгончига чиқаришгач, учинчи (элчи) билан қувватлантирдик.
 Бас, (уччала элчи Антокия аҳлига): «Ҳақиқатан, биз сизларга (юбо-
 рилган) элчилармиз», — деган эдилар. (14)

Улар: «Сизлар ҳам худди бизга ўхшаган одамларсиз. Раҳмон
 (Аллоҳ) бирор нарса (вахий) нозил қилгани йўқ. Сизлар фақат
 ёлгон сўзламоқдасизлар», — дедилар. (15)

(Элчилар) айтдилар: «Раббимиз билурки, бизлар, албатта,
 сизларга (юборилган) элчилардирмиз» (16) ...

Ушбу оятларда қавмлар элчиларни қабул қилмай мункир бўлиб
 туришлари муқтазо бўлса, **قالوا ربنا يعلم انا اليكم لمرسلون** элчи-
 ларнинг сўзлари эса ҳол, яъни таъкид бўлди.

Инкорнинг мақомида мадҳ ҳам турли. Чунки мутакаллим мақомини учун гапини чуқур — ишоб қилиши керак бўлади. Шунингдек, мухотабининг зийраклиги, фаҳм-фаросати ҳам мутакаллимни қисқа — ижоз гапиришга ундайди.

Муқтазои ҳол — турли ва ҳар хил бўлиб, мухотабининг аҳволидан келиб чиқиб, унга мос бўлиб ўзгараверали. Гап келтирилишига турли сабаблар ворид бўлгани учун муқтазои ҳоллар ҳам турлича бўлади. Агар мухотабининг ҳоли- муқтазо инкор бўлса, мутакаллимнинг ҳоли-ҳол таъкид бўлади. Муқтазо зийрак бўлса, ҳол ижоз, агар ғалча ва омиё бўлса ҳол ишоб ва ҳоказо бўлади.

Араблар **لكل مقام مقال ولكل مقال مقام** *Ҳар сўз ўз жойига ва ҳар жой ўз сўзига эга*, — дейдилар. Гапимиз «балиғ», уни ҳар хил хатолардан ҳоли бўлиши учун мажруларни қомил бўлишимиз керак. Агар бу кўрсатмаларга риоя қилмасдан, омиёга ёки мақташ керак бўлган ўринда қисқа, зийракка эса чуқур, ишоб қилмасак, хурсандчилик ўрнида кўркув ва азобдан гапирилса, балоғатга мутлақ зид иш қилган бўламиз. Шунинг учун гапини қатъ ва қаррда айтаётганимизга ҳам қатъий аҳамият бермоғимиз керак бўлади. Оддий қавмларга гапириладиган гапини раҳбарлар ва деҳқонларнинг гапини олимларга гапириш дуруст эмас.

كلموا الناس على حسب عقولهم «Инсонларнинг идроклари имкониятига қараб гапириңлар!» ҳалиси шарифнинг кўрсатмасига мувофиқ эшитувчиларнинг ақлу-идрокларига қараб, қабул қилиш имкониятларини ҳисобга олиб гапларни тилимизга жорий қилишимиз, гапларимизни балоғатлик қилишга ҳаракатда бўлишимиз керак.

Мавзуга доир истилоҳий терминлар: Булуғ, вусул, каломнинг балоғати, мутобақа, муқтазо, ҳол, таъкид, инкор, ижоз, ишоб.

Адабиётлар:

1. Хамид Авний, «Ал-Минҳажул-возих», Дорул-китаб, Миср, 1920 й.
2. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънаб, «Ал-Манор», Ал-Азҳар, Миср, 1900 й.
3. Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний, «Ат-Талхисул-баён», Бағдат, 1304 ҳ.й.
4. А. Мансур, «Қуръони карим маъноларининг таржумаси».
5. Али ал-Хабармий, Мустафо Амин, «Ал-Балоғату-л-Оробию-Қорачи қадимий кутубхона, 1989 й.

1. Мутакаллимнинг балоғати;**2. Фасоҳат ва балоғат мавзуларини умумлаштириш.**

Таърифувиқинини балиғияти-гапларинини равоқлиги, ҳаммага маълум, маъруф ва машҳур бўлиши билан мавзунга мос, галабга жавоб бера оладиган бўлиши ҳамда сўзларни у з урнида ишлата билганишдир. Таъриф:

هي ملكة اى صفة قائمة بالمتكلم فيه يتمكن بها متى شاء من تأليف كلام
بليغ فى اى معنى يريدہ

яъни, балиғлик мутакаллимнинг ўзида қоним, қўнлига келган фикр ва мақсадларини ҳар вақт ва жойда саҳиҳ ва фасоҳатлик ифодалашга қодир эдилгани ҳислатидир, яъни мутакаллимнинг тажрибаси, сўзлаш-лани маънақасидир. Киши балоғатлик таърифи учун аввало ўзида та-биий равишда, яъни Аллоҳ тарафидан бу фазилат унга берилиши ке-рик. Қолаверса, изланиши, қўн адабиётлар мутолаа қилини, айтиқса, Қуръони карим, ҳадиси шарифлардаги фасоҳату-балоғатга, улуг мута-факкир олимларнинг асарларидаги сў з ишлатиш усулларига, шунинг-дек барча нотифларнинг услубларига эътибор бериб, ўрганиб ва истеъ-мом қили бориши керак бўлади. Гапларини фасоҳат ва балоғат қондла-рига риоя қилиш ҳамда хоҳлаган ёки тўғри келиб қолган мавзуда лилдин гапларни юзига чиқара биллиши унинг балоғатини белгилайди. Бунинг натижаси ўлароқ, эшитувчилар унинг гапларида гушунсалар, унинг мақсадларини идрок этсалар, уни балиғ дейиш жоиз :

Мутакаллимларнинг фасиҳ ва балиғ бўлишдаги шартларини кўриб айтиш мумкинки, балиғ бўлиш учун аввало фасиҳ бўлиш керак. Демак, ҳар бир балиғ фасиҳдир. Аммо ҳар бир фасиҳ балиғ бўли олмайдн. Чунки унинг гапи фасоҳатлик бўлиши билан муқта-зога мос бўлмаслиги мумкин.

Каломнинг балиғ бўлиши икки амрга боғлиқдир: 1. Гапи муқ-та зон ҳолга мос қилиб келтиришда (ирода этилган маънога далолат қиладиган сўзларни ишлатишда) хатога йўл қўйинидан сақланиш; 2. Фасоҳат илтифларидан сақланиш.

Умумлаштириш. Фасоҳат ва балоғатнинг таърифларидан, лаф з турли илтифлардан саломат бўлиши керак экани маълум бўлди. Энди мана шу илтифларни лўнда зикрини келтирсак, то мутакаллим қай айблардан сақланиши, гапида маънони гушунини учун қандай ил-латлардан узоқ бўлиши кераклигини билиб олса, гапи ва маънола-ри, сийғаларини ҳам саҳиҳ, тушунарлик келтириш имконига эга бўлур эди. Шунда муҳотаб унинг каломидан айб топиб, шикоят қилмас ва нуқсон-қамчилик сезолмас эди.

1. Ғароба — кўп дугатлар кўриш ва араб тилига бошқа тиллардан кириши мумкин бўлган сўзларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш билан ундан узоқ бўлиш имкони пайдо бўлади. Шунингдек, ҳар бир калимани дугатда нечтадан маъноларда келишини ҳам эътибордан қолдирмаслик зарур. Мана шунда каломдаги ғаробаларни ажратиб олиш энгил бўлади.

2. Мухолафа — сарф ва наҳв қонун-қоидаларини пухта ўқитириш билан эҳтиёт бўлиш мумкин. Ажам дугатларни возеъ қайси сийғада келтирганини яхши билиш ёки сарф-наҳв китобларини кўпроқ ўқиш билан бундай камчиликлардан сақланилади. Масалан,

сарф қонунларидан маълумки, **الأجلل** калимаси қоидаги хилофдир, чунки икки бир хил ҳарф келганда идғом қилиш вожиб. шунинг учун **الأجل** тўғри ва саҳиҳдир.

3. Заъфут таълиф ва таъкиди лафзий — фақат наҳв қоидаларини чуқур билиш билангина улардан ҳимояланса бўлади. Наҳв илмларини мукаммал эгаллаган ва уларни ишлата олиш қобилиятига эга киши бундай чалкашликлардан осонлик билан қутилади.

4. Танофур — буни билиш, бошқа калималардан ажратиб олиш учун чуқур тажриба ва малака соҳиби бўлиш, саҳиҳ ва саломат тилнинг лаззатини билган бўлмоғи керак бўлади. **المستشورات** лафзини

тилни кўп ва яхши билган кишигина танофур эканини, **المرتفع** лафзи эса танофур эмаслигини билади.

5. Таъкиди маънавий — уни илми баён дарслари сабоқлари билдиради. Бу илмни пухта эгаллаган киши таъкид қандай рўй беришини ҳам яхши билиб олади. Кераклик сўзнинг маъноси қерда эканини ёки замирлар қерга қайтаётганини фаҳмлаш иқтидорига ноил бўлади.

Илми маъоний дарси сабоқлари ҳам маъноларнинг сир-асрорларидан воқиф этади. Шу билан хатони топиб олиш, ундан сақланиш ва шу каби заруротларнинг малакаси ошириб борилади.

Мавзуга доир истилоҳий терминлар: муткаллим балоғати, малака, иллат.

Адабиётлар:

1. Хомид Аъний, «Ал-Минҳажул возиҳ», Дорул-китаб, Миср, 1953 й.
2. Абдул-Ҳаким Ҳасан Навнаъ, «Ал-Манор», Ал-Азҳар, Миср, 1991 й.
3. Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний, «Ат-Талхисул-Баён», 1304 ҳ.
4. А. Мансур, «Қуръони карим маъноларининг таржумаси», 2001 й.
5. Али ал-Хабармий, Мустафо Амин, «Ал-Балозотул-Ҳафиза», Хай Оромбоғ-Қорачи қадимий кутубхона, 1989 й.

1. Баённинг дугавий маънолари;
2. Истилоҳий маъноси;
3. Таърифдаги қайдлар ҳақида.

Илми баён соҳасида биринчи китобни Абу Убайда Матмар ибн ал-Мусанний таъриф этган. Асарларини номи «Мажозул Куръон» бўлиб, баён илминини йўналишларини ўзига хос равишда белгилаб берганлир. Шундан сўнг олимлар бу соҳада китоб ва рисодалар битдилар.

Аммо биринчи бўлиб уни тартибга солган, бу илмга хос усулни ва қонун-қоидаларни жорий этган зот имом Абдулқоҳирдирлар. Раҳматуллоҳи алайҳим ажмаъин!

Баённинг дугавий маъноси **الكشف والأيضاح** кашф қилиш, изохлаш, очиш, ёритиш, маълум-машҳур, тушунарлик қилишдир. Таърифи:

هو علم يعرف به ايراد الـمعنى الواحد في تراكيب متفاوتة في وضوح الدلالة عليه بمعنى ان يكون تركيب اوضح في الدلالة من تركيب آخر

Бир маънони турли таркибларда чуқур ва кенгроқ маънолар олиш учун турли лафзлар билан ворид қилиши, келтиришни ўрганадиган илмдир. Бир маънони англатадиган калимани турли гапларда турли лафзлар билан ифодалаш орқали шу маънони янада кенгроқ, аниқроқ, маънилироқ қилиб келтириш усулларини ўрганадиган илм илми баён дейилади. Шубҳасиз, мақсад эшитувчига ирода қилинган маъно, хабар ёки дил изҳорини чиройли суратда етказишдир.

Мисол орқали танишсак таърифни аниқроқ англаш мумкин.

الجود калимаси- саҳийлик ва қўли очиқликни англатади.

1. Ташбеҳ – ўхшатишга кўра саҳийни шундай ифодалаш мумкин: **زيد كالبحر في الاضافة** Зайд меҳмоннавозликда денгиз кабидир.

Денгизнинг кенглиги, бағрида кўп махлуқотлар яйраб яшаб юргани беминнат инсонга хизмат қилиши билан денгиз саҳийлигига ўхшатади. Шундай ҳам, кишилар гапларида денгизни саҳийликка ўхшатадилар. Юқоридаги мисолда Зайдни жуда ҳам саҳий, меҳмонларга нисбатан қўли очиқ, бағрикенглигига ишора қилиниб,

الجود маъноси кенгроқ ва маълумроқ ифодаланди.

2. Истиорага кўра: **رأيت بحرا على فارس يداعب اقرانه**

Қариндошларига ердам илгини чўзайтган от устидаги денгизни кўрдим. Ушбу мисолда ҳам «жуд» маъносини чуқурроқ ифода қилди, яъни ишгувчи унинг саксийлигига бепубҳа тасаввурга эга бўлди.

3. Кинояга кўра яна ҳам ажойиброқ келтирини мумкин:

زيد كثير الرمد *Zayd kuli k'un kiishidir.* Бу гап ҳам Зайднинг саксийлигига киноядир. Чунки, ўтин таом тайёрлаш учун ёқилади, унинг кўпчилиги эса, кўп таом пишirilгани сабаблидир. Кўп таомни албатта, кўпчилик ейинчи керак, яъни яна меҳмондорчилик кўпчилигидан, бу эса Зайднинг қўли очик ва саховатли эканига гўзал ишорадир.

Худди шу каби **الشجاعة** жасур, довжорак лафзини ҳам кўришимиз мумкин.

1. Ташбеҳга кўра: **زيد كالاسد في الشجاعة** *Zayd shijjoatda sher-dekdur.* Шижоатда деб айтилмаса ҳам, Зайд шер каби десак — ишгувчи гап Зайднинг шижоати ҳақида эканини дарҳол англайди. Чунки, «шер» шижоатнинг тимсолидир.

2. Истиорага кўра: **رأيت اسدا يخطب القوم على المنبر** *Minbar-da xalqqa gapiraytgan sherni k'urdim.* Бу билан ҳам нолиқнинг жуд журъатлик ва кўрқмас эканига ишора қилинди. Шижоат маъноси яна ҳам таъсирлик ифодаланди.

3. Кинояга биноан: **زارنا ابو الحرب** *Biznikiga Abu Xarb kelidi.* Ҳарбнинг маъноси уруш, жанжал экани маълум. Ҳаётда эса бундай киши ҳақиқат ва адолат учун, ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашадиган, пишиқ, йўлдан қайтмайдиган, ҳаққини ундира оладиган бўлиши сир эмас. Араблар мана шундай ҳаққини, адолатни талаб қила билмайдиган ва унга эришадиган кишига нисбатан Абу Ҳарб кунасини ишлатадилар. Чунки, мақсадини амалга оширини борасида кўп жанжалли можароларни бошлаб юрадилар. Бу ишни қилиш учун э, кишида довжораклик, журъат ва шижоат, жасурлик бўлиши керак. Демак, Абу Ҳарб деганимиз шижоатлик киши экан. Бунда ҳам шижоат маъносини киноя йўли билан гўзал ифодага эришилди.

Юқорида келтирилган мисолларими элдан маълум бўлганлик маънони аниқроқ ва кенгроқ ифодалашда ташбеҳ биринчи ўринда, кейин истиора ва охирида киноя турар экан.

Илми баён таърифиди икки нозик жиҳатта аҳамият бериш керак.

1. Таърифлаги «маънони келтириш, ворид қилиш»даги маъно

лафзини «маърифат» бўлиб келтирилган. Ундаги алиф-лом истироҳат учун бўлиб, уни истироҳати урфий дейилади. Бу мутақаллимдан старин таърифи элси бу ишнинг талаб қилади. Агар кишида келтирилган мисоллар каби бошқа лафзларни ҳам мана шундай турли ташларда келтириш қобилияти бор бўлса, у илми баённи англагани ва билишгани экани келиб чиқади.

2. Илми баён таърифида иккига қайд бор:

а) Маънони ваҳид лафзи билан, яъни бир маънони келтириш, деб қайд этилган. Бундан мақсад, маълумки ҳар бир лафз битта ва ундан кўп маъноларга далолат қилиши мумкин. Шу билан бирга бошқа маъноларини ҳам аниқлаб келиши мумкин. Қарангки, бошқа маънолар турли таркибларда кучлироқ, кенгроқ маъно аниқлаши ҳам кузатилади. Масалан: Зайлнинг сахий эканини **زيد كالسحاب** *Zayd*

булут кабидир, — деб айтсак, булут ҳақиқатан ҳам сахийликка далолат қилиш билан яна Зайлнинг қаттиқ хафалигига, қавағидан қор ёғибганига ҳам кучлироқ ва аниқроқ ишора этилган. Шижоатини келтириш учун **مر اسد فحائى** *Шер ёнимдан ўтиб, менга салом берди*.

— дейиш, қасд қилинган маънони тўла етказмаяпти. Мана шу каби мисоллар илми баён мисолларидан эмас. Балки, илми баёнда қасд этилган маъно аниқ ва тўла ифодаланиши керак.

б) Маънони ваҳид лафзи билан қайд этишда синоним (айтилиши ҳар-хил бир маънода) бўлган лафзлардан ҳам сақланишига ишора бор.

Масалан: **رائحة فم زيد كالطيب** *Зайлнинг оғзининг ҳиди ҳунбўй атир*

кабидир. кейин **نكحة ثغر زيد كالند** *Зайл тишларининг ҳиди ёқимли атир ҳиди кабидир*, деганда, маънони кенгроқ қилиб келтириш усулидан эмаслиги кўринибди. Демак, бу ҳам илми баён ўрганадиган жиҳатлардан эмас экан.

Маъно доир истилоҳий терминлар: илми баён, кашф, изох, ийроди маъно, таркиб, ташбеҳ, истиора, киноя.

Адабиётлар:

1. Хомид Авний, «Ал-Минҳажул возих», *Дорул-китаб, Миср*, 1953 й.

2. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънаъ, «Ал-Манор», *Ал-Азхар, Миср*, 1991 й.

3. Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний, «Ат-Талхисул-баён», *Қозон*.

4. А. Мансур, «Қуръони карим маъноларининг таржимаси», 2001 й.

5. Али ал-Хабармий, Мустафо Амин, «Ал-Балоғатул-возиха»,

Оромбоғ-Қорачи қадимий кутубхона, 1989 й.

1. Далолатнинг луғавий маъноси:

2. Лафзларнинг тақсимланиши

Далолатнинг луғавий маъноси далолат қилиш, ундан, чакириш-даъват этишдир. Ҳадис: *الدال على خير كفى عليه* *ахлиласкет* *далолат қилувчига савоб кифоядир*, яъни ажр-мукофотни яхши ишни қилган, амал қилган билан баробар олади. Бу ҳадисда ҳам ундаги далолат қилиш маъноларида ишлатилди. Шунингдек, ишора қилиш маъносида ҳам келади: «Шер» *الجوان المفوس* ийртқич ҳайвон маъносига далолат қилади.

Истилоҳий таърифи: *هي خيم امر من امر* биро амрдан бошқабирини баҳслашдир, яъни лафздан маъносини англамоқдир. Биринчи амр, яъни лафз бу ўринда «дол», иккинчиси — маънос«маллул» бўлади.

Масалан, «Зайд» лафзи бир зотни билдирапти. «Зайд» лафзидол, бир «зот» деган маъно — маллул. Демак, «Зайд» лафзини бир зотни билдириши далолат экан.

Лафзлар турли-туман бўлганидек, далолат ҳам ҳар хилдир. Далолат «дол»нинг эътибори билан икки қисмга бўлинади: лафзидоғайри лафзий далолат

Агар лафз ўзига қўйилган маънога далолат қилса, у лафзидалолат дейилди. «Инсон» лафзи гапирувчи ҳайвонга, «шер» йиртқич ҳайвонга, «тупроқ» ерга далолат қилгани каби.

Агар лафздан бошқа маъно анланса, у ғайри лафзий бўлади. Тутун алангага, яноқнинг қизаргани ҳижолат чекканга, рангини сарғайгани касалликка ва шу кабиларга ўхшашлар мисол бўлади. Илми баён мавзуларига ғайри лафзий далолатнинг алоқаси йўқ.

Аммо лафзий далолат уч қисмдир: 1. Вазъий; 2. Табиъий. Ақлий.

Вазъий далолати лафзий ўз маъносида истеъмол этиладиган лафзлардир. «Инсон» лафзи нотик ҳайвонга, «шер» йиртқич ҳайвонга, «от» югурувчи, юк ташувчи ҳайвонга далолат қилгани каби.

Табиъий далолати лафзий эса, асоси табиъий бўлган лафзларнинг аниқроғи товушлар ҳисобланади. Кишининг сўз-воҳ тортиши оғизданлигига, қулиши хурсандлигига далолат қилгани каби.

қилин далолати лафзий бўлди билан маъноси идрок этилаётганини далолат қилган. Девор ортидаги тонун шу товун билан қилин ҳаёт эканига, сувнинг овози сув борлигига далолат қилгани каби. Илми баёнда фақат вазъий далолат ҳақида баҳс юритилди.

Лафзий вазъий далолат уч қисмга бўлинади: 1. Мутабакийя; 2. Тазминийя; 3. Илтизомийя.

Лафз уз маъносига қисм далолат қилса, мутабакийя бўлади. «Инсон» лафзи тапирувчи, «от» югурувчи, юк ташувчи ҳайвонга далолат қилгани каби. Мутабакийяда, яъни мувофиқлиги лафз ва маънонинг бир-бирига мослиги, тенглиги учундир. Zero, возеъ «инсон» лафзини ҳайвон ва нотиқдан иборат мажмуъага далолат қилиш учун қўйгандир. Худди шунингдек, «от» лафзини ҳам ҳайвон ва югурувчи ёки юк ташувчи маъноларини биргаликда ифодалашга далолат қилиш учун қўйгандир.

Қўйилган маънонинг бир қисмига далолат қилиш тазминийя деб юритилади. Масалан: «инсон» лафзи ҳайвон ёки нотиқ маъноларигагина далолат қилади. «От» ҳам ҳайвон ёки югурувчи, юк ташувчи маъноларининг бирига далолат қилади. «Уй» деганда том, шифтга ёки деворга далолат қилиши назарда тутилади.

Тазминийя дейилишига сабаб, юқоридаги мисоллардаги маънолар шу лафзнинг заминиди турибди, унинг маъносининг асосини ташкил этади. «Уй» деганда масалан том ёки шифт ёки деворини тушуниш мумкин. Чунки буларнинг ҳаммаси уйнинг асосий қисмларидан ҳисобланади. «Уй» лафзининг том ёки деворга далолат қилиши бу тазминий далолатдир.

Лафз лозим этилган маънога далолат қилиши илтизомийя дейилади. «Ҳотам» деганда сахийликка, «шер» шижоатга, «гулки» айёрликка, «кул»нинг қўлиги қарамга далолат қилгани каби.

Лозим эгтирилган дейилишининг сабаби, сахийликни маъносиди ҳеч ҳам ҳотам маъноси олинмайди, ёки шижоатдан шерни маъноси олинмайди. Лафзлардаги маънолар ирода этилаётган маънонинг жуъби ҳам эмасдирлар. Чунки бу маъно олишдан ташқари бўлган бир ишдир.

Лафзларнинг ҳақиқат, мажоз ва кинояга тақсимланиши.

Барча ишлатиладиган лафзлар икки навъга бўлинади: турли гапларда ва турли шаклларда ишлатилганда ҳам маъноси ўзгармайдиган лафзлар ва сарфланадиган лафзлар.

Агар ишлатилишда лафз маъноси ўзгармаса, турли гапларда турлича маъно касб эттириб ишлатилмаса, у ҳақиқат ёки ҳақиқий

лафз дейилади. Лафзнинг ҳақиқати иснолда — у суянтирилган сўзга ёки лафзнинг зотида бўлиши мумкин.

Агар лафзнинг ҳақиқати иснолда бўлса, уни ҳақиқий ақлий дейилади ва зотида бўлса воҳеъ тамонидан қўйилган ном билан исмланади. Демак, агар воҳеъ лугат олимларидан бўлса ҳақиқий лугавий, шарият олимлари наздида ҳақиқий шаръий, наҳв олимлари наздида ҳақиқий истилоҳий ёки урфий ҳос, агар воҳеъ маҳсус бир гуруҳга қарашли бўлмаса унинг наздида ҳақиқий урфий омма деб аталади ва ҳокаю.

Иккинчиси — истеъмода маъноси сарфланадиган, яъни узга-радиган лафзлар мажоз дейилади. Узгариш ҳам лафзнинг иснолда ёки зотида бўлади. Агар лафзнинг мажози иснолда бўлса, яъни ҳақиқ бўлмаган лафзга суянтирилган бўлса мажози ақлий дейилади. Агар зотида бўлса, у муфрад ёки мураккаб бўлиши мумкин. Муфрад лафздаги мажоз, калимани бошқа маънода ишлатишда — калиманинг ўз маъноси ва ишлатилаётган маъно ўртасида ўзаро ўхшашлик жиҳатидан алоқа бўлса, уни истиора деб аталади. Агар мураккаб бўлса истиораи тамсилия дейилади. Истиора бўлиш учун икки маъно ўртасида қарина бўлиши шартдир. Бу тўғрида ўз ўрнида баҳс юритилади. Агар ўртадаги боғловчи ташбеҳ бўлмаса уни мажози мурсал дейилади. Агар ўртадаги қарина аслий маъноси ишлатишдан ман этмаса, уни киноя дейилади. Энди буларнинг ҳаммасини бўлиб-бўлиб кенг ва тушунарлик қилиб ўз ўрнида сўз юритилади.

Хозир эса, қисқача ҳақиқий, мажоз ва киноя лафзлар ҳақида тушунча ҳосил қилдик. Истиорада икки маъно ўртасидаги қарина ташбеҳ экан, ташбеҳ тўғрисида гаплашишнинг мавридн етилди.

Мавзуга доир истилоҳий терминлар: далолат, баҳс, лафзий, ғайри лафзий далолатлар, вазъий, табиъий, ақлий далолатлар, мUTOбақийя, тазминийя, илтизомийя, ҳақиқат, мажоз, киноя, иснод, зот.

Адабиётлар:

1. Хомид Авний, «Ал-Минҳожул возиҳ», Дорул-китаб, Миср, 1953 й.
2. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънаъ, «Ал-Манор», Ал-Азҳар, Миср, 1991 й.
3. Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний, «Ат-Талхисул-баён», Қозон, 1304 ҳ.й.
4. А. Мансур, «Қуръони карим маъноларининг таржимаси», 2001 й.
5. Али ал-Ҳабармий, Мустафо Амин, «Ал-Балоғатул-возиҳа», Оромбоғ-Қорачи қадимий кутубхона, 1989 й.

1. Дуғавий маъноси, таърифи;
2. Ғашбеҳнинг арконлари;
3. Ғашбеҳнинг қисмлари.

Ғашбеҳнинг дуғавий маъноси ўхшатишдир. Аммо истилоҳий таърифи

هو الحاق امر بامر في معنى مشترك بينهما باحدى ادوات التشبيها لفظا
او تقديرا لغرض

Илмъ баён олимлари наздида ташбеҳ — маънода шерик бўлган икки ишнинг адовоти ташбеҳ, яъни ўхшатишга ёрдам берувчи лафзлар воситасида, бирон мақсад учун бир-бирига боғлашдир. Бунда адоти ташбеҳни лафзан келтириш ёки тақдиран қолдириш мумкин.

Ўхшатиловчи биринчи ишни мушаббаҳ, иккинчисини мушаббаҳ бих ва ўртадаги муштарак маънони важҳуш шабаҳ дейилади.

المисولىدا «يلم»- мушаббаҳ, «نور»- мушаббаҳ бих, «خيلوأت»- важҳуш шабаҳ, «كوڤ» ҳарфи- адоти ташбеҳдир. *Илмъ хилуأتда нур кабидир.*

Ўхшатишга мисоллар:

علي مثل الاسد في الأقدام *Али қадам ташлашда мисли шердир,*

وهند شبه البدر في الإشراق *Ёрууликда Ҳинд тўлин оига ўхшайди,*

وكان محمدا بحر في الإمداد *Гўё Муҳаммад ёрдам илгини чўзишда денгиздир.*

Таърифда айтилгандек адоти ташбеҳни хазф қилиш жоиз:

هند بدر *Ҳинд тўлин* *يلم نурдир.* *علي шердир.* *اسد*

محمدا بحر *Муҳаммад денгиздир.*

Ғашбеҳнинг арконлари — таърифдан тўртталиги маълум бўлди:

1. Мушаббаҳ; 2. Мушаббаҳ бих, — бу икки арконни тарафайн деб ҳам қўригилди; 3. Важҳуш шабаҳ; 4. Одоти ташбеҳ.

Тарафайн дейилишининг бир сабаби: шу икки арконнинг ўзи ташбеҳ ясашга кифоялигидир ва фақат иккови мавжуд бўлсагина ташбеҳ ҳосил қилиш мумкин.

Ташбеҳ арконларини эътибори билан бир неча қисмларга тақсимланади.

Тарафайнга кўра қисмланиши. Тарафайн бу мушаббаҳ ва мушаббаҳ биҳ эканини билган эдик. *محمد كسيحان* *Муҳаммад Субхон* (араб фасихларидан) каби. Муҳаммад – мушаббаҳ, Субхон – мушаббаҳ биҳ. Тарафайн эътибори билан ташбеҳ уч қисмга бўлинади.

Биринчи қисм – тарафайини ҳиссий ва ақлий бўлиши. Ташбеҳ биринчи қисмга кўра тўртга бўлинади: 1. Таъриф:

ان يكون طرفاه حسين

Тарафайннинг иккови ҳиссий бўлиши, яъни беш ҳиссий туйғунинг бири билан сезиладиган бўлишидир.

1. *البصر* кўриш: *وجه هند كالدير وشعرها كالليل* *Ҳинднинг юзи тўлин ойдек, сочлари қаро тундекдир.* Ҳинднинг юзи, ой, сочи ва кечани кўриш билан ҳис этилади.

2. *السمع* эшитиш: *أسمع صوتا كتغريد الحمام و دويآ كدوي الرد* *Каптар сайраши каби товушни, мамақалдироқ гумбурлаши каби шовқинни эшитяпман.* Каптарнинг овозини ҳам, мамақалдироқнинг шовқинини ҳам эшитиш билан билинади.

3. *الشم* ҳид билиш: *عرف هند كآريج المسك* *Ҳинднинг бўйи мушку анбар ҳидидек.*

4. *اللمس* ушлаш: *جسمه كالعجين* *Жисми ҳамирдек.* Демак, жисми ва ҳамирни юмшоқлигини ушлаб кўриш билан билинади.

5. *الذوق* таъм билиш: *لغابه كالعسل وشرايه كاختنظة* *асал, шароби аччиқ мурч (горчица) кабидир.* Кўриб турганингиздек, бу мисолларда мушаббаҳни ҳам мушаббаҳ биҳни ҳам бирор ҳис туйғулари билан билиняпти.

Мутакаллим мақсадини тушунтиришда эшитувчига маълум ва машҳур бўлган, осон тушунадиган мисолларни келтириши ташбеҳнинг комил чиқишига олиб келади. Бошқа тамондан мутакаллим ташбеҳ ёрдамида мақсадини тўлиқ етказди.

2. Таъриф: *ان يكون طرفاه عقليين*

Тарафайиннинг ақлий бўлиши, яъни мушаббах ва мушаббах биҳ иккови ақл билан идрок этиладиган нарсa бўлишидир.

العلم كالحياة والجهل كالوْت *Илм гўё ҳаёт, жаҳолат, илмсизлик эса ғлим, мурдорлик кабидир.* Ушбу мисолда мушаббахлар — илм ва жуҳд ҳамда ҳаёт ва мурдорлик фақат ақл билан идрок этиш мумкин. Чунки мазкурларни бирортасини ушлаш, ҳидлаш ёки бошқа ҳис аъзолар билан билиб бўлмайди, балки фақат ақл билан баҳсланади.

3. Таъриф: ان يكون المشبه عقليا والمشبه به حسيا

Мушаббах ақлий, мушаббах биҳ эса ҳиссий бўлиши. Ёўзал, ёқимли хулқни атиргa خلق كالعطر *Атир каби хулқ;* Очиқ ва пухта фикрни тонгта رأى كغلق الصبح *Ёруғ тонг каби фикр;* Бад қисматни тунга حظ كالليل *Тундек қора қисмат,* — деб ўхшатишлар мисол бўлади.

Шоҳиди бўлиб турганингиздек, мисолларда мушаббахлар — хулқ, фикр ва қисматни ўй-фикр билан тушунилса, мушаббах биҳлар ҳиссий — атир ҳидлаш билан, тонг ва тун кўриш билан билинади.

4. Таъриф: ان يكون المشبه حسيا والمشبه به عقليا

Мушаббах ҳиссий, мушаббах биҳ ақлий бўлиши. Учунчининг акси, унинг мисолларини тескари келтирилса бўлади.

الليل كحظ *Тонг фикрдек;* كغلق الصبح كراى *Хулқдек атир;* *Қисмат каби қора тун.*

Асосан бундай келтириш муболага, яъни бўрттириш учун бўлади. Шундай бўлсада, мушаббах биҳ кучли ва тўлиқ бўлиши керак, шунда ташбеҳ ҳам чиройли ва ўринли чиқади.

Баъзан, аслида зоти ҳиссий бўлмаган ташбеҳлар ҳам учрайди-ки, улар айнан ҳиссий деб эътироф этилади. Шеър:

كأن الحباب المستدير برأسها كواكب درّ في سماء عقيق

Гўё думалоқ-думалоқ сув юзидаги сув кўниклари узоқ осмонлардаги юлдузлар ерга оқиб келаётганга ўхшайди.

Шоир сув юзидаги кўникларни усталик билан осмон гўмбасига дурдек сочиб юборилган юлдузларга ўхшатишни Афсуски, осмондаги дур каби сочиб юборилган юлдузлар ҳис қилиб бўлмай-диган иш. Чунки бундай ҳолатнинг ўзи мавжуд эмас. Шеърда идрок қилса бўладиган нарсалар: дур, чуқурлик-амиқ, юлдузлар, само бўлиб, шуларни ўзи бу ташбеҳни ҳиссий дейишга кифоя бўлади. Бу беш ҳиссий аъъодан бири билан идрок этилади, у ҳам бўлса, ҳаёлан амалга оширилади.

Шунингдек, ақлийга инсон ўз ҳаёли билан тўқиган нарсани ҳам келтириш мумкин. Қайсий шеър:

يقتلني و المشرق مضاجعي

ومستونة زرق كآنياب اغوال؟

Мени ўлдирасан-му, қандай мени қатл этарсан, ваҳоланки, ётар жойларим машиқда, ҳаво рангидек ўта ўткир, ялмоғиз кампирнинг қозиқ тишларидек (қуролларим бор-ку!)

Шунингдек, оятдаги «**заққум дарахти**»нинг ташбеҳида келган «**руусу-ш-шайтин**» ҳам ва бу шеърдаги кампирни тишлари ҳам мавжуд бўлмаган нарсалардир. Балки, буларни инсон ўз ҳаёлида ихтиро қилган, буларни бирортаси ҳис аъъолари билан би-лиш мумкин эмас.

Иккинчи қисм — муфрад ва мураккаб бўлиши

Ташбеҳ иккинчи қисмда яна тўрт хил бўлади:

1. يكون طرفاه مفردين ان Тарафайннинг муфрад бўлиши, яъни

мушаббаҳ ва мушаббаҳ биҳнинг бир калимадан иборат бўлиши. Муфрадлик икки хил бўлади: мутлак ва муқайяд. Мутлак деганда умуман бир донга калимадан иборат бўлиши тушунилади. Муқайядлиги эса, мавсуф-сифат билан, изофа, ҳол, зарф ёки шу қабилар билан қайд этиб қўйиш билан бўлади. Яъни муқайядда бир неча калима битта маънони англатиш учун ишлайди, шунинг учун муф-радга ҳисобланади.

Ҳар иккови муфрад — мушаббаҳ ва мушаббаҳ биҳ муфрад

бўлганига мисол: *Унинг ўқдек назари ва* لها خط كالسهم و ثغر كالدر

дурдек тишлари бор. Бу мисоллардаги ҳар мушаббаҳ ва мушаббаҳ биҳлар бир калимадан ва бир маънодан иборат.

Тарафайннинг муқайяд бўлганига, кўп саъю-ҳаракат қилиб натижа топмаган кишини сувга нақш солувчиға ўхшатиш мисол бўлади. Қўлни ювиб қўлтиққа урмоқ маъносили билдираётган бу сўзлар, ҳеч самарага эришмасликни англатапти. Сувга ҳам нақш солиш амри маҳол, сув бирон нақш қабул қиладиган эмас. Мушаббаҳ ва мушаббаҳ биҳ бир маънони англатиб, муҳотабга қасд этилган фикрни аниқроқ етказишга эришти.

Мушаббаҳ мутлақ, мушаббаҳ биҳ муқайяд бўлганига мисол шоир ибн Муъиз қуёшни сифатлайди:

والشمس كالمرآة في كف الاشئ

لما رأيتهَا بدت فوق الجبل

Қуёш тоғ устида чиқаётганини кўрсам, у шол (эсон талвасасида ётган) киши қўлидаги ойнага ўхшайди.

Шоир бу билан қуёшнинг муттасил ҳаракати, мавжланишини қўли қалтироқ, кучи кетаётган инсон илгида турган кўзгү ҳолатига қиёслапти. Мушаббаҳ қуёш — мутлақ, мушаббаҳ биҳ эса шол — қалтироқ киши қўлидаги ойна муқайяддир.

Агар шу мисолни аксини айтсак, яъни шол қўлидаги ойнани қуёшга ўхшатсак, мушаббаҳ муқайяд ва мушаббаҳ биҳ эса мутлақ бўлиб қолади.

اللؤلؤ المنظوم كالشعر

Инга териб қўйилган маржонлар тишлар кабидир.

Бу мисолда ҳам мушаббаҳ муқайяд, мушаббаҳ биҳ мутлақ бўлди.

2. ان يكون المشبه مفردا والمشبه به مركبا Тарафайннинг мураккаб бўлиши. Мушаббаҳ ҳам мушаббаҳ биҳ ҳам мураккаб — бир неча сўзлардан иборат бўлиб, бирон ҳайъатни ифодалайди

كأن سهيلا و النجوم وراءه

صفوف صلوة قام فيها امامها

Гўё қутб (Сўҳайл) ва унинг орқасидаги юлдузлар имоми олдида турган намоз сафлариға ўхшайди.

Шоир қутб юлдузи ва унинг атрофида сафлаб қўйилгандек турган юлдузлар ҳолатини, намоз ўқиб бераётган имом ва унинг орқасида намоздаги кишилар ҳолатига ўхшатди. Мушаббаҳ — қутб ва уни атрофидаги юлдузлардан иборат мураккаб ҳайъат, мушаббаҳ

биҳ — имом ва унинг орқасидаги кишилардан иборат намоғасифат
рини ташкил этган мураккаб ҳайъат

Шоир қонли кечаётган жангни қаламга олади.

كَانَ مِثَارُ النَّعْ فَوْقَ رُؤْسِنَا

وَأَسِيَا فَنَّا لَيْلَ تَهَاوَى كَوَاكِبِهِ

*Гўё бошимиз устидаги чанг-тўзонлар ва қиличларимизнинг очла-
ри, юлдузлари ботаётган кечадир.*

Бу мисолда ҳам мушаббах қонли кечаётган жанг майёни, унда-
ги чанг-тўзонлар, қиличларнинг ҳаракатларидан иборат мураккаб ҳайъ-
ат, мушаббах биҳ ҳам — кечаси, унинг қаронғулиги ва ботаётган
юлдузлар, уларнинг ялтирашидан иборат мураккаб ҳайъат. Ушбу таш-
беҳ ғоятда ажойиб чиққан. Шеър кўзлари ожиз Башишор деган шоир
қаламига мансубдир. Унда бадиийликни ва ўта нафис сўз маҳоратини
кўриш мумкин. Кўзи бутун ва фикри геран кишилар ҳам бунчалик
сўзлардан усталик билан фойдалана оlish имкониятига эга эмаслар.

Агар шеърдаги ташбеҳларни алоҳида-алоҳида олиб кўрилса,
бир неча ташбеҳлар келганини кузатиш мумкин. Қуюқ чангини
ўзи қаронғи кечага, қиличлар юлдузларга ўхшатиляпти.

3. ان يكون المشبه مفردا والمشبه به مركبا. Мушаббахнинг муфрад,

мушаббах биҳнинг мураккаб бўлиши. Шоир Сонбурий лолақиз-
ғалдоқнинг шамолда турфа ҳаракатларини тасвирлайди:

وَكأنَ مَحْمَرُ الشَّقِيقِ إِذَا تَصَوَّبَ وَتَصَعَّدَ

أَعْلَامُ يَاقُوتَ نَشْرُونَ عَلَى رِمَاحٍ مِنْ زَبَرَجَدَ

*Гўё лолақизғалдоқнинг (шамолда) ётиб туриши, забаржаддан
ясалган учига қизил ёқут ўрнатилган (сошиб юборилган) найзалардир.
Гулнинг қоматини шамол эгиб, яна ўз ҳолига қайтиши гўё аскар-
лар қўлидаги найзаларини кўтариб туширишга ўхшайди. Найзалар-
ни эса қўқ забаржаддан, учига қизил ёқутлар қўйилган дея қалам
нафас пуркайди. Лолақизғалдоқ мушаббах ва муфрад, забаржаддан
ясалган найзалар эса мушаббах биҳ бўлиб, мураккабдир.*

4. ان يكون المشبه مركبا والمشبه به مفردا

Мушаббахнинг мураккаб, мушаббах биҳнинг муфрад бўлиши.
Шоир Абу Таммом Хубайб ибн Авс ат-Тоий баҳорни сўз маҳорати
билан чизади:

يا صاحبي تقضيا نظريكما تريا وجوه الأرض كيف تصور

تريا نهارا مشمساً قد شابه زهر الربا فكأنما هو مقمر

Эй, ёронларим! Бў тамонларга қарасангизчи, ахир?!

Ер юзини Аллоҳ қандай мусаввирлик-ла зийнатлаганини кўрасиз!

*Мана бў зўҳри рибо гули кўёш чарақлаган кунпа-кундуз кунда
ҳам тим-қоронғи кечада чиққан ойни ўхшатади!*

Шоир баҳор кунларида далага чиқиб, Яратган қодир зотнинг санъатига қойил қолиб, унга тасаннолар ўқиб, икки яқин дустларининг эътиборини шунга жалб этишларини сўрайди. Қанча бири-бирдан гузал ўсимликларни чиқариб қўйди. Оламни ўз қудрат қўли билан зийнатлаб, кўзни қувонтиради. Мана бу гулни қаранг, жуда яшиллиги ва тана ҳамда баргларининг қалинлиги билан тунни эслатади, гулининг оппоқлиги ва бир дона бўлиб кўриниши кечаси чиққан ёлғиз ойга ўхшайди. Қаранг қудрати Илоҳийни! Кўёшли чароғон кундуз кунни ҳам тим қоронғу кечада чиққан ойни кўришни насиб этибди.

Демак, гулнинг барча сифатлари билан зикри мушаббаҳ ва у мураккаб, ойли кеча эса мушаббаҳ биҳ бўлиб, у мушаббаҳ биҳдир.

Учинчи қисм:

Тарафайнга кўра ташбеҳ яна **турт турга** бўлинади — малфуф (ўралган), мафруқ (ажратилган), тасвия (**тен**глаштирилган), жамъ (тўпланган).

1. Малфуф: Жумлада бир неча ташбеҳлар келганлиги ва аввал **мушаббаҳлар** кейин мушаббаҳ биҳлар мос равишда зикр қилинишидир. Шоир Қайсий бургутнинг қушларни овлаши натижаларини қоғозга туширади:

كأن قلوب الطير رطباً وبابسا

لدى وكرها العناب والحشف البالي

Гўё бургут уни атрофида ёйилиб ётган ҳўл ва қуриб қолган қуш юраклари, янги узулган ва қуриб-чириб қолган хурмодир.

Янги узилган, ҳўл қуш юракларини шаклда, ранг ва микдорда ўхшаш бўлган янги узилган, етилиб пишган хурмога, қуриганини эса эски қуртлаб қолган хурмога шу учта мушпарак маънода ўхшатилади. Кўриб турганингиздек, биринчи мисрада мушаббаҳ-

лар, иккинчисида мушаббах биҳлар жамлаб келтирилди. Бу ташбеҳнинг маълумф турига мисол бўлди:

Шунингдек: *كالقمرين هند وسعاد او هما كالشمس والقمر*

Ҳинд ва Саод Ҳудди икки ой мисолидир, ёки у иккови қўёш ва ой кабидирлар мисолини келтириш мумкин. «Нафҳ» бу ўрнида «замм» маъносидадир. Чунки, аввалги мисрала икки мушаббахни, кейинчисида эса, икки мушаббах биҳни боғлади.

2. Мафруқ -- Бунда ҳам бир неча ташбеҳлар бўлиб, унда ҳар бир мушаббах ўз мушаббах биҳи билан зикр этилади. Яъни, ташбеҳлар бир-биридан ажратиб, алоҳида келтирилади, шунинг учун ҳам мафруқ дейилади. Шоир маҳбубасини таърифлайди:

الخد ورد والصدغ غالية

والريق خمر والتغر كالدرر

Яноқлари қизил атиргул ва кокиллари, чаккасидаги гажаклари эса ҳушбўй нарса (қоп-қора ва жингалак), оғзининг суви шароб, тиши мисли терилган дурлар.

Кўриб турибсизки, шоир байтларда ҳар бир мушаббахни ўз мушаббах биҳи билан бирга зикр этди.

بدت قمرا ومالت غصن بان

وفاحت عنبرا وورنت غزالا

Ой бўлиб кўринди-ю мажнунтолдек эгилди. Мушкдек бўй тарашиб, оҳудек нозланиб тикилди.

Шоир Мубтаний ишқ алангасида ёнган ошиқ тилидан маъшуқасини таърифлайди. Жамоли ойга, қомати мажнунтол новдасига, ифкори мушку анбарга, кўз қарашлари кийикка усталик билан ўхшатди.

3. Тасвия -- бир нечта мушаббахларни, битта мушаббах биҳ билан зикр қилишидир. Шеър:

صدغ الحبيب وحالى كلاهما كالليالى

وتغره فى صفاء وأدمعى كالآلى

Ёрнинг яноғидаги гажаклари ва мени аҳволим,

иккови ҳам қаро тунлар кабидир.

Мусаффоликда унинг тишлари ва кўз ёшларим

соф маржонлардекдир.

Шоир аввали минерал уз ҳоли ва ёришни қоклини қора кечларга қорлиқди, кейин эел куёшни ва ёришни тилларини софлиқла ыаржонларга ўхшиди. Кўришиб турибдики, иккала байтда ҳам иккигилан мушаббатх ва битта мушаббатх биҳ келтирилди. Бу битта икки нарса бир нарсага ўхшани баён қилинган. Шунинг учун буни тасвия, яъни тенглан деб атаган.

4 Жамъ — тасвиянинг акси, яъни битта мушаббатх ва бир неча мушаббатх биҳ келтиради

ذات حسن لو استزادت من الحسن لما اصابته مزيدا

فهى الشمس بمجة والقضيب اللدن قدا والريم طرفا وجيدا

*Хусну-латофат соҳибасиким, хуснига чирой қўшаи
деб сарсон бўлурсан!*

*Камина ёруғликда қуёш, қадди қоматда мустаҳкам
қамиш (бамбук), бўйни ва нозкарашмаларида оҳудир.*

Бу ғўзал оғизани шоир учта нарсага — қуёш, қамиш новдасига ва кийикка ўхшатди. Қуёш маълум ва машҳур само жинси, қамишнинг новдаси ҳам шу сифатни касб этади. Кийик эса ҳар вақт ғўзаллик рамиш. Байтдаги **هى** мушаббатх бўлиб мазкур уч нарса унга му-

шаббатх биҳ бўлди. Яъни бир нарса ўзида уч нарсани жамлади ва битта ташбеҳни ташкил этди. Шунга уни жам деб атаган.

Мавзуга доир истилоҳий терминлар: ташбеҳ, аркони ташбеҳ, мушаббатх, мушаббатх биҳ, тарафайн, важҳуш шабаҳ, одоти ташбеҳ, ҳиссий, ақлий, муфрад, мураккаб, мутлақ, муқайяд, мал-фуф, мафрук, тасвия, жамъ.

Адабиётлар:

1. Хомид Авний, «Ал-Минҳожул возиҳ», Дорул-китаб, Миср, 1953 й.

2. Абдул-Ҳаким Ҳасан Паънаъ, «Ал-Манор», Ал-Азҳар, Миср, 1991 й

3. Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний, «Ат-Талхисул-баён», Қозон, 1304 ҳ.й.

4. А. Мансур, «Қуръони карим маъноларининг таржимаси», 2001 й.

5. Али ал-Хабармий, Мустафо Амин, «Ал-Балоғатул-возиҳа», Оромбоғ-Қорачи қадимий кутубхона, 1989 й.

II- мавзу: ВАЖҲУШ ШАБАҲ
(ЎХШАШЛИК САБАБИ) ҲАҚИДА

1. Важҳуш шабаҳ ҳақида маълумот.
2. Важҳуш шабаҳнинг қисмлари:
 - а) Ҳақиқий ва ҳаёлий;
 - б) Муфрад, мураккаб, мутаъаддид;
 - в) Важҳни ҳиссий ва ақлийлиги;
 - г) Тамсилий ва ғайри тамсилий;
 - д) Муфассал ва мужмал;
 - е) Қариб мубтазал ва ғариб баъид.

Ташбеҳнинг таърифидан важҳуш шабаҳ тарафайндаги муштарак маъно экани маълум. Бу маъно мушаббаҳ ва мушаббаҳ бихда қисман ёки тўлиқ бўлган маънодир. Ўхшатилиш жиҳати дейилиши шундан. Масалан: *زيد كاخيه في الكرم* *Зайд қарамда (саховат, ҳурматда) акаси қабидир.* Бу мисолдаги қарам лафзи важҳуш шабаҳ бўлиб, бу маъно Зайдда ҳам, унинг акасида ҳам мавжуд.

Шунингдек, важҳуш шабаҳ учун мутакаллимнинг қатъий нарсасига қаратилган мақсади бўлиши шарт қилинади. Чунки ҳар қандай маъно ҳам важҳ бўла олмайди. Уни мутакаллимгина мақсадига қараб, муштарак маъно қилиб қўйиши билан важҳ кучига кирди. Масалан тарафайн деярли барча жиҳатлардан маънода шерик бўлиши мумкин — ҳайвонликда, ҳаётда, жасадда, вужудда ва ҳоказоларда. Лекин ҳаммаси ҳам важҳ бўла олмайди. Айтганимиздек уни мутакаллимнинг ўзи танлаб олади. Бир инсонни аямай ураётган

кишига: *ارفق به فهو مثلك* *Унга рифқ — раҳм-шафқат қилсангчи,* ҳам *мисли сен-ку!* — деганда жасадда, оғриқни сезишда, ҳаётда қабил маъноларда важҳ бўлиши назарга олинади.

Важҳуш шабаҳ эътибори билан ташбеҳ бир неча қисмларга бўлинади:

I. ҚИСМ. Ҳақиқий ва ҳаёлий важҳуш шабаҳ.

Ташбеҳ таҳқиқий ва таҳйилий турларга ажралади. Таъриф:

يكون الوجه فيه قائماً بالطرفين حقيقة

Тарафайнда важҳ ҳақиқатан қоним бўлса у таҳқиқий важҳуш шабаҳ бўлади. Худди ҳис аъзолари билан билиш имкони бор қабил важҳни ҳам билиш мумкин бўлса уни ҳақиқий дейилади.

وجه هند كالبدر فى الإشراق وشعرها كالليل فى السواد

Ҳинднинг юзи тўлин ойдек, сочлари қаро тундек. Тўлин ойга ишроқ (нур бериш)да чехраси, сочлари эса қораликда тунга ўхшатиляпти. Ёруғликни ҳам, қораликни ҳам кўриш орқали аниқ би-лиш мумкин. Демак, бу икки ташбеҳимиз ҳақиқий бўлди.

Хаёлий: *الآ يكون الوجه قائما بالطرفين او بأحدهما الا تخيلا*

важҳ тарафайнда ёки унинг бирида ҳақиқатан бор бўлмай, балки, фаразан хаёлда бўлишидир. Мисол:

يا من له شعر كحظى اسود

جسمى نخل من فراقك اصفر

Эй, сочлари менинг қисматим каби қоп-қора зот!

Фироғингдан жисмим озмиш, рангим сарғаймиш!

Сочнинг қоралигини кўриш мумкин, аммо тақдирнинг қора-лигини кўриш мумкин эмас. Лекин оғир ҳаётини назарга олиб қора билан ифодаламоқчи деб қаралса, хаёлан уни қора дейиш мумкин бўлади. Чунки, қисмат каби нарсаларни рангга алоқаси йўқдир.

يا من له حظ كحظى اسود

Эй! қисмати қисматимдек қора зот! Бу мисолда эса, тарафайн-нинг иккови ҳам хаёлий бўлди.

II. ҚИСМ. Муфрад, мураккаб, мутааддид ваҳҳлар.

Муфрад — воҳид:

ما لا تركيب فيه ولا تعدد

таркиб ҳам, яъни бир неча калималардан тузилмагани ва тааддуд, яъни бир нечта ҳам бўлмаслигидир. Фақат бир донa калимадан иборат ва биргина маъно берадиган ваҳҳ бўлишидир.

جده كالورد فى الخمر Яноқлари қизилликда атиргулдек.

زيد كحاتم فى الكرم Зайд сахийлик, ҳурматда Ҳотам каби.

العلم كالنور فى الهداية Илм ҳидоятда нурдекдир.

«Хумра», «карам» ва «ҳидоят» ушбу ташбеҳларда ваҳҳ бўлиб, улар бир лафз ва бир маънодан иборат. Шунинг учун буларни воҳид ёки муфрад дейилади.

Муназзал манзилатал воҳид, яъни воҳиднинг даражасига тушган ёки мураккаб дейилган ваҳҳ, асосан бирон ҳайъатни ифодалаган

бир неча сўлар мажмуасидир. Улар бирликлда бир маънони билдиради ва важҳи пайваст бўлади. Шунинг учун аҳамиятлики, бу калималарнинг бирлигаси мустақил равишда ўзи важҳ бўли олмайдир, фақат бирликлда зикр қилинса важҳ бўлади. Шейр:

واليد في كبد السماء كدرهم

ملقى على دياج زرقاء

Осмон ғўлбазидаги тўлиқ ой, кўк шакл мато устига ташлаб қўйилган кўкмиш дилҳамга кабидир.

Кўк мато устига ташлаб қўйилган маъно важҳ бўлиб, у осмонда турган ой самоннинг кўкшигида, ойнинг шакли думалоқлиги, нурлиқ эканида худди шу сифатларда дилҳамга ўхшатиляпти. Кўриб турганини идек, важҳни ташкил этаётган бирон лафз яъни ўзини алоҳида важҳ қилиб қўйиш балоғатга ҳам тўғри келмайдир.

Бир неча калималар бир маънони англатиш учун ишлатилишига ҳам, яъни битта важҳ бўлгани учун муназзаҳ маъналатга воҳид дейилган. *Мураккаб лил маъно лвоҳид.*

Мутааллид:

ما كان الوجه فيه عدة أمور جعل كل منها وجهاً على حدة

Яъни важҳ бир неча бўлади. Важҳ бир неча калималардан иборат бўлиб, ҳар бир калимани алоҳида-алоҳида важҳ қилиб олиш мумкин. Мисол:

هذه الفاكهة كالتى اكلناها امس في الطعم و اللون و الرائحة

Бу мева таъми, ранги ва ҳидида кеча еганимиз каби экан.

عباس كأخيه في الطول والضخامة والوسامة و في الحلم والكرم والذكاء

Аббос бўйда, гавдада, навжўвонлик — ёшлиқда, юмшоқлик الإيمان

— ҳилм, карам, зийраклик, имонда акаси кабидир.

Мисоллардан кўришиб турибдики, ҳар калима ўзи мустақил важҳ бўла олади. Бундай ташбеҳларни мақсадларини ҳам тўғри тушуномқ керак. Бундай кўплаб важҳлар келтирилиши ҳаммасини бирданига, баробар эмас, балки ҳар бири алоҳида равишда ташбеҳни изоҳлайди. Мисалан, Аббос бўйда акаси каби, Аббос гавдада акаси каби, Аббос имонда акаси каби ва ҳакозо.

Мураккабда ҳам, мутааллидда ҳам кўп калималар келтирилипти. Уларни фарқлаш шундай: мураккабда бир неча лафзлар бир ҳайатда

ифодасинин ва у қисмларга ажратилиши. Ҳар қадимаси алоҳида ўзи
важҳ бўломишини. Муғъдидига ҳатто ҳар бири алоҳида мустақил важҳ
бўлиши мумкин. Мураккабда бирон таърифнинг таъриф қилинса маъно
олгани қанчалик ўқиниб олинишидан. Иккинчиси бўлиши ҳамас.

III. ҚИСМ. Ваҳҳнинг ҳиссий ва ақлий бўлиши.

Учинчи қисмига кўра ваҳҳ ушунча бўлади:

1. Таъриф: *ان يكون الوجه فيه حسيا مفردا كان او مركبا او متعددا*

муфрид, мураккаб ёки муғъдид бўлсин ваҳҳнинг ҳиссий бўли-
ши, яъни беш ҳис аъъюлари билан идрок этиладиган бўлиши.

Муфрид ҳиссий: ваҳҳ бир қадимдан иборат ва шу билан у
ҳиссий бўлиши.

له وجه كالبدن في الاشراف

Ушунча идрок (шаръ берили)да тўғри ондек жасоли бор.

له جسد مثل الحرير في النعمة

Ушунча моликликда лисили ҳарир жасоли бор.

عرفته كشذا المسك طيبا

Ўғибўлишда мушқу албардек ҳиди бордир.

Аввало ушунча ҳиссий мисолларни ҳаммаси бўлиб ҳам мисол
бўли олади.

Мураккаб ҳиссий: Ойнинг дирҳамга ўхшатишган мисоли. Яъни,
кўк индиқ матога ташиб қўйилган дирҳамни кўриши билан тасаввур
этилиши.

Муғъдид ҳиссий: Мевани таъмида, ҳилида ва рангинда ўхша-
тишган мисол. Билиб турганингиздек, ҳар бир ваҳҳни ҳис аъъюла-
ри ёрдамида аниқлаш мумкин.

2. Таъриф: *ان يكون الوجه فيه عقليا مفردا كان او مركبا او متعددا*

муфрид, мураккаб ёки муғъдид бўлсин ваҳҳнинг ақлий бўли-
ши, яъни ақл билан идрок этиладиган нарса бўлишидир.

Муфрид ақлий: ҳақиқат: *اصحابي كالنجوم بأيهم اقتديتم اهتديتم*

*Менинг асхобларим (ҳидоятда, тўғри йўл кўрсатишда) юлдузлар
кабибдилар. Қан бирларига эргашсангиз ҳидоят топасиз!*

Мисол: *زيد كالاسد في الشجاعة* *Зайд шижоатда шер кабибдир.*

Кестирилган икки мисолда ҳам ваҳҳни фақат ақл билан идрок

этилади. Уларни бирор ҳис аъзолари билан билиш амри маҳолдир.

Мураккаб ақлий: шеър:

والمستجير بعمره عند كربته

كالمستجير من الرمضاء بالنار

Қулфат тушганда Амрдан ёрдам сўраш, ундан нажот кутиш, худди иссиқдан ловуллаб турган тошдан олов билан нажот истигън кабидир.

Бу мисолда важҳ мушаббаҳда ҳам, мушаббаҳ биҳда ҳам нажотдан умидсизлик, кўпроқ зиёнга мубтало бўлиш назарда тутилган. Мазкур ҳолат ақл билан идрок этилиши маълум.

Мугааллид ақлий:

عَبَّاسٌ كَأَخِيهِ فِي الْإِيمَانِ وَالْوَرَعِ وَالْخُلُقِ وَالْكَوْنِ وَالشَّجَاعَةِ وَالْخَلْقِ

Аббос имонда, тақво-паровозда, қарамда, ҳилм-ҳомшқликда, шижоатда ва ҳуқда акаси кабидир.

Ушбу важҳларни ҳар бири ақл билан топилади ва ҳар бири мустақил равишда важҳ бўла олади, шунинг учун улар мугааллид бўладилар.

3. Таъриф: *ان يكون وجهه فيه شاعرا* Таъсбеҳдаги важҳ муҳталиф.

Чўни турди — бири ақлий ва бошқаси ҳиссий бўлишидир. Юқоридаги сабоқларда ўтган кишини бўйда, қоматда, имон-ёбтиқошда, ёшлик-наважувонликда, қувват ва бонқаларда бошқасига ўхшашгани ҳақида мисолларни келтириш мумкин.

IV. ҚИССА Важҳни тамсиллий ва ғайри тамсиллий бўлиши.

Важҳ таъсбеҳда бирор ҳайбатни ифодалаб келиши мумкин. Агар шундай бўлса, важҳ тамсиллий ваҳҳуш шабаҳ дейилади. Агар важҳ ҳайбатни ифодаламаса, ёки унга далолат қилмаса у ғайри тамсиллий — тамсиллий бўлмаган ваҳҳуш шабаҳ дейилади. Маълумки, ҳайбатни ифодалаш учун бир неча қалъма ишғирок этиши керак ва шунингдек улар ҳиссий ёки ақлий ҳам бўлиши мумкин.

Ҳиссий тамсилга мисол:

والبدر في كبد السماء كدرهم

ملقى على ديباجة زرقاء

Тўлин ойни кўк ипак мато устидаги дирҳамга ўхшатиш олиниши мумкин.

У. КИСМ Важднинг муфассал ва мужмал келмири бўлиши.

Ғаиббехда важдни келтириш усули икки хил бўлади:

1. Муфассал важд ва очик келтирилиши. Татриф:

المفصل ما صرح فيه بذكر الوجه على طريقته

қоидага кўра аниқ келтирилиши важдни муфассал важд дейилади. У икки хил икк: этилади:

а) таъин этилган кўра иёб:

б) таъин этилгандаги *في* жўр ҳарфи билан келиши. Мисол:

طبع فؤاد كالنسيم رقة او في رفته او في رقة و يده كالبحر سخاء او في
سخائه او في سخاء و كلامه كالدر حسنا او في حسنه و قوامه كالسيف

استقامة او في استقامته

Фуюднинг кўнгли насим шаббодаси янгил майин, ёкиликдир ва қўлининг очиклиги саҳоватда денгиз каби, гўллари гузалликда бурру жаваҳирдир, мустақимликда қомати ҳам қиличдекдир.

Ушбу мисолларнинг ҳар бири, муфассал важдни илбаҳнинг таърифига мувофиқдир. Шунини учун муфассал важдни илбаҳ ҳисобланади. Жўр ҳарфи билан келганда важднинг замирини ҳаффи билан ҳам жонди.

الفاظه كالعسل في الخلاوة Араблар енгил, осон тушунарлик гўллари ҳаловат, ширинликда сўзлари асалдек, очик далилни

حجة كالشمس في الظهور *ҳужури, кўриниши қўёшдек равшан ҳужжат*, — деганларида ҳам важд муфассал қилиб келтирилади.

Важд мушаббаҳларда ҳаёлий, мушаббаҳ бихларда эса ҳақиқий ҳолатда экани билиниб турибди.

2. Мужмал — лўнда, тушунарсизроқ бўлиши. Татриф:

المجمل ما لم يصرح فيه بذكر الوجه على طريقته

важднинг қоидалик келмаслигидир. У ҳам икки хилдир.

а) Зоҳир — очик, маълум маънода бўлиб, бундай ташбеҳни хосу-омм баробар тез ва аниқ англайди. Сочни қора кўмирга, қоматни новдага, юзни ойга ўхшатиш каби. Буларда важд нима эканини билиш қийин эмас.

б) Хафий – махфий, яширин маъносида бўлиб, уни англаш учун фикр юритиш керак бўлади. Масалан: Фотима бинт Хуррибдан турт яъмаат ўғиллари ҳақида **أَيُّهُمْ أَفْضَلُ** қай бирлари афзалроқ, — деб

сўраганларида, ҳукко она: **هَمَّ كَاخْلَقَةِ الْمَرْغَةِ لَا يَدْرِي أَيْنَ طَرَفَاهَا** Улар бир-бирига бовлаб ташланган занжир ҳалқалари кабидирлар, занжирнинг учи қаердалигини билиб бўлмайди, — деб жавоб берали.

Она бу гаплари билан, улар наслда, шараф, шижоатда ва бошқа фаълиятларда муносиб, тенг ва камчилик, ортиқликлари йўқдир, — деб айтмоқчи эканини билиш мумкин. Чунки бу ҳол бир хилда ва бир-бирига муттасил қилиб қўйилган занжир ҳалқалари кабидир. Шаклларининг баробарлиги, бирортасини занжир учи ёки ўртаси этиб таъйинлашнинг имкони йўқлиги уларни ўзаро муносиб эканларига далолат қилади. Бу ерда важҳ ҳаммаларининг тенг ва мосликлари ҳамда фарқларининг йўқлигидир. Демак, бу ўзи айтиб турганидек, но зик махфий важҳ экан.

VI. ҚИСМ. Қариб мубтазал ва баъид ғариб.

Ташбеҳ важҳуш шабаҳ эътибори билан яна икки қисмга бўлинади. Таъриф:

القريب المجتدل ما ينتقل فيه الذهن من المشبه الى المشبه به من غير تأمل ونظر зехнда мушаббаҳдан мушаббаҳ биҳга ўйламасдан, фикр юритмасдан осонлик билан ўтадиган ва енгил тушуниладиган важҳни қариб мубтазал дейилади. Қариб — яқин маъносида тушуниш осон экани ва омма кўпроқ ишлатгани учун, мубтазал — машҳур, кенг тарқалган маъносида, бундай ташбеҳларни халқ нутқида истеъмоли кўплиги учун шундай деб номланган. Шунингдек, важҳ бу ташбеҳларда нима экани очиқ ва маълумдир.

Ўзал жамолни ёрқинликда ойга, ёқимлиликда ҳушовозни булбулга ўхшатиш ва бошқа ташбеҳларни айтиш мумкин.

Қариб мубтазалнинг очиқ, кенг тушунарлик эканининг учта сабаби бор:

1. Важҳнинг бир нарса бўлишидир, уни бошқа маънолари бўлмайди. Важҳ бир калимадан иборат бўлади. Юзни ойга, ҳушовозни булбулга ўхшатган мисоллар каби. Ёруғлик, ёқимлилик булар бир маънони билдиради. Шундай ташбеҳлар зикр қилинганда, киши мулоҳаза қилмасдан, дарҳол важҳ ёруғлик ёки ёқимлилик эканини билиб олади.

2. Важдан бир неча маъноларни мулоҳаза қилиш мумкин эканлиги. Шундай бўлсада бу маъноларнинг ҳаммаси зехнда дарҳол маъдум ва тушунарлик бўлади. Масалан:

العنب كالرفوق (في الحجم و اللون) *Ҳажм ва рангда узум зайт кабидир.* Узумни зайтун меvasига ўхшатиш билан зехнда улар ҳажми ва рангида ўхшаш экани намоён бўлади. Буни ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. الجرة الصغيرة كالكوز في المقدار و الشكل *Кичик ҳумча кўзача кабидир.* Бу мисолда ҳам зехнга кўзача ва ҳумчанинг шакли ва миқдорда ўхшашлиги дарҳол келади.

3. Важдани кўп маъноларда мулоҳаза қилиш мумкин эканлиги. Бунда важҳ сифати кўп ишлатиладиган маъно биринчи бўлиб зехнга келади, кейин бир оз мулоҳаза юритганч оsonлик билан бошқа маънолар ёғилиб кела бошлайди. زيد كالقمي *Зайд ой кабидир.* Бунда биринчи тушуниладиган нарса чиройлилиги, юзининг ёруғлигидир. Кейин эса, ой улуғлик, ҳидоят, олижаноблик ва бошқа фазилатларга раъз бўлгани учун Зайдни шу сифатлар билан тавсифлаш мумкин. Зайд ҳидоят, олижаноблик ва улуғликда ой кабидир.

المراة المجلوة كالشمس *Шуглаланиб турган ойна (кўзгу) қуёш кабидир.* Бу мисолда ҳам қуёш думалоқликда ва нурланишда ойнага ўхшатиляпти. Булар ҳам кўп ишлатиладиган, зехнда тез ва оson пайдо бўладиган нарсалардир.

Ғариб Баъид зехнда мушаббаҳнинг мушаббаҳ биҳга ўтмаслигидир, кўп фикр юритгандан кейин бир оз тушуниш мумкин бўлади. Бундай бўлишнинг асосий сабаби тарафайнда важҳнинг махфийлигидир. Важҳ махфийлигининг учта сабаби бор:

1. Важҳнинг кўп мулоҳаза талаб эканлиги, яъни важҳнинг кўплаб маъноларда бўлиши ва қай маънода эканини аниқлаш қийинлигидир. Шоир маҳбубининг яноғидаги ҳолини пионгулнинг гултожибарғидаги бир дона нуқтага ўхшатади.

لا تعجبوا من خاله في حده
كل الشقيق بنقطة سوداء

Унинг яноғидаги ҳолидан ажабланманглар, ки пионгулни ҳар бир гулида ҳам биттадан қора нуқтаси бордир. Ушбу ташбеҳда важҳ қизил текисликдаги қора нуқтадан иборат ҳайъатдир. Бир неча важҳни эҳтимол қилиш мумкин.

- а) ҳолнинг ва нуқтанинг думалоқлиги;
- б) яноқнинг қизиллиги;
- в) яноқнинг қизиллиги билан маҳбубанинг уялаётганига ишора қилмоқчи бўлиши мумкин;
- г) ҳолнинг ва нуқтанинг бир доналиги, д) гул каби гўзаллиги ва ҳақозолар.

Шолнинг қўлидаги кўзгуни ҳам қуёшга ўхшатишда бир неча важҳ бор, масалан, думалоқлиги, нурланувчилигида, қалтираб туриш-ҳаракатида ва бошқаларни эҳтимол қилиш мумкин. Бунинг ҳаммасини яхшилаб фикр юритиб топилади.

2. Мушаббаҳ биҳни зеҳнга келтиришнинг нодирлиги, уни кам-ёблигидир. Бу мушаббаҳ билан мушаббаҳ биҳнинг бир-бирига мос келмаслигидан, жинсининг бошқа-бошқа бўлишидан пайдо бўлади. Қуръони карим оятларида ой хурмога ўхшатилади.

وَالْقَمَرَ قَدَرْنَا مَنَازِلَ حَتَّىٰ عَادَ كَا تَعْرُجُونَ الْقَدِيمِ

Биз ойни ҳам, токи у эски хурмо бутонидек бўлиб (эгилиб) қолгунча, манзилларга (ботадиган қилиб) ўлаб қўйгандирмиз. Ёсин, 39.

Қуриган хурмони ўзи зеҳнга нотаниш эмас, лекин уни сутдек оппоқ, узоқ осмон жисми ойда ўхшатиш нодир масаладир. Ойни ўрни осмонда, у юлдузлар туркумидан бўлиб, ҳидоят ва олийлик рамзи ҳисобланади. Қуриган хурмони ўрни ерда, ўсимликлар туркумидан, яна қуриганлиги уни кадрини тушуриб бир арзимас нарсага айлантиради. Фойдаси йўқ, чириб йўқ бўлиб кетадиган нарсадир. Агар яна ҳар иккови учун бундай сифатларни санасак, улар бир-биридан янада узоклашаверадилар. Уларни бирон нарса билан боғлаш мумкин бўлмай қолади.

3. Мушаббаҳ биҳни мутлақо тасаввур этиб бўлмаслик. Бунинг бир неча сабаблари бўлиши мумкин.

а) Мушаббаҳ биҳнинг ваҳмий, яъни ҳаёлда тўқилган қўрқинчлик нарса бўлишидир. Масалан: ҳаво ранг жуда кескир, уни учланган ҳанжарга ўхшаган нарсани ялмоғиз кампирнинг ўткир қозик тишларига ўхшатиш. Ялмоғизнинг ўзи ва унинг шундай тиши ҳам мавжуд бўлмаганлиги маълум. Уни фақат ҳаёл билан ўйлаб топиш мумкин.

اعلام ياقوت نشرن على رماح من زبرجد

б) Мушаббаҳ биҳнинг ҳаёлий бўлиши, бунга мисоллари ўтган яшил забаржаддан ясалган, учига қизил ёқутлар ўрнатилган найзаларни олиш мумкин. Чунки, забаржад шундай мўрт тош бўлиб,

уни най я қилиб ишлаш ва яна унга ёқутларни ўрнатиш ҳеч қилиш мумкин бўлмаган ишдир.

в) Мушаббах биҳни одатда ҳиссан тасаввур қилиб бўлмаслиги, бунинг мисоли ўлаётган, қаттиқ дард-алам билан машғул киши қўлидаги ойнани қўёнда ўхшатилянидир. У я билан ў яи овора кишига ойна ҳеч нимага керак эмаслиги ақли кишига маълум.

Мавзуа доир истилохий терминлар: ҳақиқий ва ҳаёлий; Муфрал, мураккаб, мутабаддад, ваҳҳни ҳиссий ва ақлийлиги; Тамсилий ва ғайри тамсилий; муфасссал ва мужмал; қариб мубтазал ва ғариб баъил.

Адабиётлар:

1. Хомид Авний, «Ал-Минҳажул возих», Дорул-китаб, Миср, 1953 й.
2. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънав, «Ал-Манор», Ал-Азҳар, Миср, 1991 й.
3. Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний, «Ат-Талхисул-баён». Қозон, 1304 ҳ.й.
4. А. Мансур, «Қуръони карим маъноларининг таржимаси», 2001 й.
5. Али ал-Хабармий, Мустафо Амин, «Ал-Балоғатул-возиха», Оромбоғ-Қорачи қадимий кутубхона, 1989 й.

12- мавзу: ТАШБЕҲ ЛАФЗЛАРИ ҲАҚИДА

1. Таърифи, ташбеҳ лафзлари - одотнинг жумладаги ўрни.
2. Мурсал ва музааккад.

Одот, яъни ташбеҳ лафзлари - луғатда олот, асбоб, аломат, белги, қарина каби маъноларда келади. Истилоҳда эса одоти ташбеҳ — ўхшатиш маъносига далолат қилувчи лафзидир.

الآداة لفظ يدل على معنى التشبيه كالكاف وكل ما يفيد معنى المشابهة و

المماثلة كلفظي "مثل" و"شبه" وكأسماء الفاعل المشتقة مما يفيد معنى

التشبيه كمماثل ومشابه ومحاك ومضاه

Ҳарфи «коф» каби ўхшатиш маъносига далолат қилувчи лафзлари одоти ташбеҳ дейилади.

زيد كاليد زید ойдеқдир. Ушбу мисолдаги «коф» ҳарфи ойлек деб ўхшашликни билдирыпти. Ўзбек тилида — каби, ўхшаш, худ-

ди, мисли, мисоли, гўё калималари ва -дай, -дек каби қўшимчалар ҳамда бошқа лафзлар билан ўхшатиш ифода топади. Араб тилида эса таърифдан кўриб турганингиздек, яна ўзaro ўхшашликни,

муносибликни билдирадиган **مِثْلُ** ва **شِبْهٌ** калималари билан ифодаланади, бу икки лафзнинг эъроблари икки хил бир маънода истеъмоли этилади: «фей» ва «байн»и фағҳалик ва ушбудек «фей»

касралик ва байни сукунлик келади **مِثْلُ شِبْهٌ** **مِثْلُ شِبْهٌ**

هند مثل الغزال و زيد شبه الغمام *Ҳинд мисли кийикдир, Зайд худди булутдир.*

Шунингдек, ўхшатиш маъносини ифодалайдиган феъллардан ишпиқоқ қилинган исми фоиллар ҳам одоти ташбеҳ бўлади.

وهي ممثلة الغزال و هو مشابه الغمام *Укийикка ўхшовчидир, у булутга ўхшовчи, ومحاكى الغيث و مضاهى النجم* *у ғайс, нажот ёмғирини ўзидир, баайни юлдузнинг ўзгинасидир.*

Кўриниб турибдики, исми фоиллар мушаббаҳ биҳга изофа бўлиб боғланга келар экан.

Аслида ҳарфи «коф» ва бошқа исмлар мушаббаҳ биҳнинг олдига келади. Мазкур мисоллар кўрсатиб турибди. Ушбу мисолларда одот лафзан келтирилди. Гоҳо у тақдирий ҳам бўлади. Бақара сура-

сининг 19-оятининг аввалида **أَوْ كَصَيْبٍ** *ёки улуг булут каби* дейилган. Ундан олдинги 17-оят маъноси сиёқига қарайдиган бўлсак, бу ўринда **مِثْلُ** одоти ташбеҳи тақдирий экани маълум бўлади.

Улар бамисоли бир олов ёққан кимса (йўловчи)га ўхшайдилар... 17.

Ёки (яна бир ўхшатиш) осмондан жала келтирувчи булут кабики... 19.

Демак, аслида **او كمثل صيب** бўлиши керак, лекин бундай келиши Қуръони карим балоғатига, фасоҳатига тўғри келмайди. Чунки, оятларнинг сиёқи шу ерда «одот» борлигига далолат қилиб турибди, шунинг учун уни зикр этишнинг ҳожати йўқ.

Баъзан мушаббаҳ биҳ мураккаб, яъни ҳайъатни билдирган лафзлардан тузилган бўлса, мушаббаҳ биҳ маъносини асосини билдирадиган, ёки маъносига унга суянадиган лафз ёнида «одот» келтирилади. Бу унинг шартидир. Мисол:

واضرب لهم مثل الحياة الدنيا كماء انزلناه من السماء فاختلط به نبات

الأرض فأصبح هشيمًا تذروه الرياح

(Эй, Муҳаммад, одамларга) дунё ҳаёти мисолини келтиринг. (У) худди бир сув кабидирки, Биз уни осмондан ёғдиргач, (баҳорда) у сабабли ер ўсимликлари (бир-бирига) аралашиб (қалинлашиб) кетур, сўнгга (кузда) шамоллар учириб кетадиган ҳашакка айланаиб қолур... Каҳф, 45.

Ушбу оятда дунёни сувга ўхшатиш мақсад қилинмаган. Балки, бу дунёнинг инсон зотиға қандай юзланиши, ёлғончи дунё лаззатларига осонлик билан алданиб қолиши, ғурурланиши, ялпур-юлтур, кумуш-олтинларига учиши ва шу билан неъмат заволини касб этиши, яъни олам безакларининг ўчиб кетиши, ўсимлик ва турли мева-ларини пишиб у ҳам аста йўқлик сари йўл олиши ирода қилинган мақсдидир. Ваҳоланки, буларнинг ҳаммаси сув билан озиқланиб, кўкариб гуллари дунё юзига табассум қилиб кўриниб бўлганидан кейин, эса қуриб ҳашакка айланади. Яъни унда ҳеч бир ҳаёт аломати бўлмагандек, шамол ҳам уларни ҳар тарафларга учиради. Бу оятдаги ташбеҳда важҳи шабаҳ — ғўзаллик, латофат, дунё безаклари ва хурсандчилик, тўқинлик ва орқасидан талофатлар, шақоват-бахтсизликлар, йўқлик келаётган бир ҳайъатдир. «Коф» эса ўз ўрнида эмаслиги, яъни мушаббаҳ биҳнинг олдида эмаслиги кўриниб турибди.

Кан «гўё» лафзи одатдагидек, мушаббаҳ биҳнинг эмас, балки мушаббаҳнинг ёнида келади.

كَانَ غَيْرَ اسَدٍ *Гўё Антара (машҳур араб шоири) шердир.*

Раҳмон сурасида (58): كَانَهُنَّ الْيَاقُوتُ وَالْمَرْجَانُ *Улар(нинг ба-*

данлари) гўёки ёқут ва маржондирлар.

Биринчи мисолдаги Антара ва оятдаги замири муттасили мушаббаҳ бўлиб «одот» улар ёнида келяпти.

Икки маъмуллик феъллар ёки ташбеҳ маъносини англатадиган сифатлар ҳам кан нинг ҳукмини олади. Мисоллар:

Холид шер билан ўзаро ўхшади ёки
 ўхшайди. شاه او يشابه على حاتم Али Ҳотамга ўзаро ўхшаб кетди
 ёки ўхшаб кетяпти. شافق او يحاكي شوقي ابا الطيب Шавқу-завқим
 Абду Тойиб билан айнан бир ҳил бўлди ёки бўляпти. Сифат қилинган-
 ла خالد مماثل الاسد Холид шерга ўхшовчидир, علي مشابه حاتم Али
 хотамга ўхшовчидир. Буларда ҳам одотлар мушаббаҳнинг ёнида зикр
 этиляпти.

Ташбеҳ одот эътибори билан икки қисмга бўлинади: мурсал,
 муаккад.

Мурсал деб, المرسل ما ذكرت فيه الآداة لفظا او تقديرًا

одоти ташбеҳ лафз билан ёки тақдиран келтирилишини айтилади.
 Лафзан одоти ташбеҳ келганга мисол:

سجعه كسجع الحمام ووشيه كوشى الطاوس

Унинг сайраши каптарнинг товуши (нотиқлиги шоир ҳимомнинг но-
 тиқлиги) кабидир ва ранглари товуснинг ранглари кабидир.

Одоти ташбеҳни ҳазф қилиб, уни тақдирий қилишимиз мум-
 кин: Сайраши каптарнинг سجعه كسجع الحمام ووشيه وشى الطاوس
 товушидир (нотиқлиги шоирнинг нотиқлигидир) ва ранглари товус-
 нинг ранглари дир.

Бу билан ҳаёлда «коф» борлигини ҳисобга олинса, унда мушаб-
 баҳ айнан мушаббаҳ биҳ деган даъводан узоқ бўлинади. Мурсал дейи-
 лишининг сабаби тарафайинни бир нарса дейиш даъвосини қайтар-
 ганлигидир. Бунга одотни лафзий ёки тақдирийлиги ёрдам бери.

Муаккад: المؤكد ما تركت فيه الآداة لفظا و تقديرًا

одоти ташбеҳ умуман тарк этилишидир. Яъни, каломда уни борлиги
 мутлақо унитилади ва мушаббаҳ айнан мушаббаҳ биҳ деб даъво
 қилинади. Бу муболағадан бошқа нарса эмас. Юқоридаги одоти ҳазф
 этиб келтирган мисолларни олиш мумкин. «Коф»ни тарк этиш би-
 лан уни умуман бўлмаган дейиш муболағага ўтишидир. Бунга яна бу
 оят маъносини кўриш мумкин: وهي تمر مر السحاب Siz тоғларни
 кўриб (мангу) қотиб турувчи, деб ўйларсиз. ҳолбуки, улар ҳам худди

булутлар (сузиб) юргандек (ҳавода сузиб) юрарлар... Намл, 88.

Аллоҳ ушбу оятда қиёмат кунини манзараларининг тасвири бериши. У кунда тоғларнинг ҳаракатлари ҳо янгда осмондаги булутларнинг ҳаракати қандай бўлса худди шундай бўлади, – дейди. Булутлар қанча миллиард тонна сувлардан иборат. Бир томчиси Унинг иродасисини гушмаганидек, шундай катта ва оғир юк енгиллик ва шиддат билан тепами яда сузиб юришида тоғларнинг қиёмат кунини шу ҳолда келтиришида шубҳа йўқлиги ажойиб усул билан ўқувчига сингдирилмоқда. Агар бу мисолда «коф»ни бор деб фараз қилинса, мурсал ташбеҳда айланиб қолади. Шунинг учун ҳам, «коф»ни бор дейилмайди.

Демак, муаккад ташбеҳларда «одот» бор-йўқлиги баҳс қилинмайди, агар бор дейилса ёки тақдиран келтирилса, у мурсалга ўтади.

Мушаббаҳнинг мушаббаҳ биҳга изофаси ҳам муаккад ташбеҳ саналади. Шариф Ризонинг сўзи:

ارسی النسيم بوادیکم و لا برحت حوامل المزن في اجداثکم تضع

Чорбоғингизга енгил, ёқимли шаббода ўзи билан ёмғир томчиларини келтириб устингизга ёғдиришида бардавом бўлмоқдалар. Гўё раҳмат фаришталари ҳам Аллоҳнинг раҳматларини жасадларингиз устига тинмай ёғдираётганига ўхшайди.

Шоир қабристонга ёмғир тинган вақтида кириб, у ердаги бир манзарани қаламиннинг тилига кўчиради. Тинган бўлсада, ёмғир орқасидан эсалиган енгил шаббода ўзи билан ҳали-ҳануз ёмғир томчиларини қабрлар устига ташлаяпти. Шоир булутларни ва ёмғир томчиларини раҳмат ҳамда раҳмат фаришталарига қиёслайди. Байтдаги-

حوامل المزن изофаси мушаббаҳнинг мушаббаҳ биҳга изофасидир.

Муаккад дейилишига мушаббаҳ ва мушаббаҳ биҳ бир нарса деб даъво қилиниши сабабдир.

Мавзуга доир истилохий терминлар: Одовот, мурсал, муаккад, муболага.

Адабиётлар:

1. Хомид Авний, «Ал-Минҳожул возиж», Дорул-китаб, Миср, 1953 й.
2. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънаъ, «Ал-Манор», Ал-Азҳар, Миср, 1991 й.
3. Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний, «Ат-Талхисул-баён», Қозон, 1304 ҳ.й.
4. А. Мансур, «Қуръони карим матноларининг таржимаси», 2001 й.
5. Али ал-Хабармий, Мустафо Амин, «Ал-Балоғатул-возиҳа», Оромбоғ-Қорачи қадимий кутубхона, 1989 й.

13- мавзу: ТАШБЕҲНИНГ МАҚСАДЛАРИ – ҲАҚИДА

1. *Агрози ташбеҳнинг таърифи*
2. *Мушаббаҳга қайтувчи ғаразлар.*
3. *Мушаббаҳ биҳга қайтувчи ғаразлар.*
4. *Ҳараз эътибори билан ташбеҳларнинг тақсимилиши.*

Ташбеҳда мутакаллим ўз мақсадини муҳотабга чуқур етказиш учун ташбеҳ ғаразларидан фойдаланади. Бу ғаразларни билиш таширувчи учун катта аҳамият касб этади.

اغراض التشبيه هي البواعث التي تحمل المتكلم

على ان يعقد شبها بين شيئين

Ташбеҳнинг ғарази бу мутакаллимни икки нарса ўртасида ўхшашликни боғлашга ундаган боис — сабаблардир. Ташбеҳнинг ғаразлари икки хил бўлади:

1) Мушаббаҳга қайтувчи ғаразлар, яъни мутакаллим мушаббаҳни аниқроқ тушунтириш учун мушаббаҳ биҳни келтиради;

2) Мушаббаҳ биҳга қайтувчи ғаразлар, яъни мушаббаҳ билан мушаббаҳ биҳга ойдинлик киритилиши назарда тутилади.

Мушаббаҳга қайтувчи ғаразлар еттигадир.

1. **بيان حال المشبه** мушаббаҳ ҳолини баён қилиш. Мутакаллим эшитувчига мушаббаҳнинг аҳволини аниқроқ тушунтиришни прода қилса ёки муҳотабга мушаббаҳнинг ҳоли мажҳул бўлиб, унга аниқлатишни хоҳласа эшитувчига ҳоли маълум, маъхур, аниқ ва маъруф бўлган мушаббаҳ биҳни келтиради. Шу билан ташбеҳнинг бу ғарази камол топади ва мутакаллим мақсадига эришади

Масалан:

كأن قلوب الطير رطبا و يابسا

لدى وكرها العناب والحشف البالى

Гуё, бургут уни атрофида, ҳўл ва қуриган ҳолдаги қуш юракларини узилган ва эски чириган ҳурмодир.

Тоғу—дашларда фақат қуш гўшти билан озиқланадиган бургутларнинг бир тури бўлиб, у қуш гўштини ҳаммасини еса ҳам, юрагини емай уни атрофига ташлаб юборар экан. Шоир

шу ҳолатни тасвирлашда қалами маҳоратидан фойдаланади ва мухотаб кўрмаган қуш юракларини хурмонинг аҳволига ўхшатиб англатяпти.

Хурмони эшитувчи яхши билади, бошидан охиригача кучлиган. Мана шунинг учун шоир, эшитувчи наздида маълум ва машҳур бўлган янги ва эски хурмони келтириш билан қуш юраклари ҳақидаги ноаниқликни бартараф этди.

Ушбу ғарз амалга ошиши учун мушаббах биҳ мухотабга маълум, машҳур, аниқ ва маъруф бўлиши шарт қилинади. Зеро, у ҳам мухотабга мажҳул бўлса, яъни маълум бўлмаса мажҳулни мажҳул билан тушунтиришга уринган бўлади.

Мушаббах биҳнинг мушаббахга қараганда важҳда кучли, комил ва тўлиқ бўлиши шарт эмас. Аслида кучли ва комил бўлиши шарт бўлсада, лекин мақсад мухотабга мушаббах ҳолини англатиш бўлгани учун мушаббах биҳнинг маълум ва машҳур бўлиши кифоядир.

Агар: *ما لون ثوبك الذى اشتريته؟* Бу сотиб олган кўйлагингни ранги

қанақа? — деб сўраса ва унга жавобан: *كهذا الثوب فى سواده* мана кўйлакнинг қоралиги каби, — дейилса, мақсад тўлиқ амалга ошади, яъни келтирилган ташбеҳ комил ҳисобланади. Ушбу ташбеҳ яна важҳ жиҳатдан мушаббах биҳнинг кучли ва комил бўлиши шарт эмаслигига далолат қиляпти.

II. *بيان مقدار حال المشبه* Мушаббах ҳолининг миқдорини баёни.

Мутакаллим мушаббахнинг кучли ёки заиф томонларини баён қилмоқчи бўлса, ёки эшитувчига мушаббах ҳоли миқдори мажҳул бўлса, мутакаллим унга важҳда кучли ва комил, шунингдек маълум, машҳур, аниқ ва маъруф бўлган мушаббах биҳни келтириб мажҳулликни кеткизади. Шоир қора рангда ҳам гуялар бўлишини ва уларни ранги жуда тўқ эканини сўз маҳорати ила қудратини кўрсатади:

سودا كخافية الغراب الاسحم فيها اثنتان واربعون حلوبة

Туяхонада қирқ иккита қоралиги қора қарғанинг қаноти остидаги тим қора патларидек қора соғин туялар бор.

Туяларнинг рангини жуда қора эканини қора қарға қаноти остида бўладиган патларнинг тим қоралигига ўхшатяпти. Ҳақиқатда ҳам, қора қарғанинг қаноти остидаги патларнинг туси бошқа жойларидаги рангига қараганда анча тўқроқ бўлиб ва бу айниқса, мухотабга жуда яхши маълум. Мана шундай ўхшатиш билан му-

мушаббаҳнинг ҳоли миқдори яна ҳам аниқроқ бўлди. Эшитувчинининг кўнглида рангнинг миқдори аниқ қарор топди.

Шунингдек, паст товушни пичирлашга ёки баланд товушни момқилдироқ оёв янга ўхшатишда ҳам мушаббаҳ ҳоли миқдорини баён қилишни кўрамиз. Биринчи заифлигини, иккинчиси кучли эканини билдирапти.

Ушбу тараз мукаммал бўлиши учун мушаббаҳ биҳ мушаббаҳга қараганда вазҳда комил, кучли ва маълум, машҳур ва маъруф бўлиши шарт. Лекин шундай бўлсада, тарафайн ўзаро тенг қувватли бўлишлари керак. Чунки, агар мушаббаҳ биҳ кучли ва комил ёки анча заиф ва ноқис бўлса миқдор аниқ бўлмайди, тараз ҳам камоллига етмайди. Масалан ичимликнинг совуқлигини муяга, иссиқлигини эса оловга ўхшатишда ташбеҳ камоллига етмайди. Аммо бу билан муболага ирода этилган бўлса, жоиздир.

III. **بيان امكان المشبه** Мушаббаҳнинг бўлиши мумкин ишлигини баён. Мушаббаҳнинг аслида бўлиши мумкинлигини, бундай нарсаси мавжуд эканини билдиришдир. Бу агар мушаббаҳ ажиб, қулоққа чалинмаган ғалати амр бўлса, эшитган кишини бу тўғрида низо қилишга, баҳслашишга чақирадиган, уни инкор этадиган нарсаси бўлса, мутакаллимни ҳақиқатда бор, унга ўхшаш нарсани келтиришни тақозо этади.

Шоир Абу Ғоййиб саййид Сайфуд давланинг волидасини марсиясида шундай сарафроз қилади:

فأن تفق الانام و انت منهم فأن المسك بعض دم الغزال

Агарки, одамлар обрў-ҳурматда кўтарилсалар, билки сен ҳам улардансан. Чунки, мушку-анбар ҳам асли кийик қонидан олинади.

Шоир бу гапи билан, инсонлар қилган амаллари билан эл аро мартаба, обрў топсалар, давлат бош саркардасининг онаси ҳам мана шундай мартабага сазовордир, - демоқчи. Чунки мушк ҳам асли қондан олинади. Қоннинг шаръий ҳукми маълум, аммо мушк бундан мустасно, қон бўлса ҳам, пок ҳисобланади. Мартаба олишга келганда, бу она ҳам бошқа ҳамма оналар каби бир ўғлини туғиб тарбия қилган. Бошқалардан ҳеч фарқи йўқ. Лекин унинг ўғли давлат бош саркардаси даражасига етиши онага ҳам, бошқа оналардан фарқли ўлароқ мартаба келтирганига урғу бермоқчи ва бунинг исботига ҳамма севиб истеъмол қиладиган мушкни далил келтирапти. Хушбўйлиги учун ишлатилгани каби, она обрўда бошқа обрўли кишилар кабилар, дейди.

Демак, бошқа оналардан одада фарқи йўқ бу онани шунчалик баланд кўтариб мақтани фаройиб ва ғалати ҳолат. Бундай мактов ва мартабага лойиқ эмас деб ишонмаётган кишига шоир, ўзларини тан оладиган ва ҳақиқатда бор нарсани — мушкни мисол қилиб Яъни, қонлар ичида қон ҳукмини олмаган мушк қандай мавжуд бўлса, бу онанинг ҳам мартабага эгаллиги шунчалик мавжуд. Бу билан ни зони ҳал қилди.

Байтда икки нозик жиҳат бор: 1. Иккинчи мисра биринчи мисралани шартга жавоб бўлиб келмаган. Ҳўки, шоир мана бундан деяётган бўлади:

فان تفق الانام وانت منهم فلا بدع ولا غرابة

لان لك نظيرا وهو «المسك»

Агарки, одамлар обрў-ҳурматда кўтарилсалар, билки сен ҳам улардансан. Бу ҳеч қандай ғалати, ажойиб-фаройиб нарса эмас. Зеро, бунга сенинг тенгинг, айнан ўхшашиг бор. У мушк-анбар, асли кийик қонидандир. Шоир, шартнинг жавобини ҳазф қилиб, бу далил билан кифояланди.

2. Байтдаги ташбеҳ очиқ-равшан эмас. Ташбеҳ эканига қаломнинг замиридаги маъноси далолат қилади — бир инсоннинг инсонлар тоифасидан бўлиб, улардан ажралиб чиқишида ҳеч ажабланарлик жойи йўқ. Чунки, мушк кийик қонидир, лекин у қон ҳукмида эмас. Шундай экан, мушк каби баъзи фазилатлари билан киши бошқалардан ажралиб чиқишида ва уни мушкка ўхшатинида ҳеч ғалати ва ажаблик ўрин йўқ. Мана шу ташбеҳи зиминий мушаббаҳ бўлиши мумкин эканини баён қилипти.

Ушбу ғарзни амалга ошириш учун мушаббаҳ биҳ мухотабга ваҳда маъруф ва маълум бўлиши шартдир. Мушаббаҳ биҳнинг комил ва кучли бўлиши зарур эмас. Чунки бу ғаразда талаб этилаётган нарса мушаббаҳни бор ва бўлиши мумкинлигини исбот этишдир. Мақсад амалга ошириш кифоя. Шунинг учун

انك في خروجك عن جنسك كالمسك

Сен инсон жинсидан чиқмоғингда мушк кабидирсан, — дейилса, мақсад ҳосил бўлиб ташбеҳ ҳам камол топади.

IV. **تقرير حال المشبه** мушаббаҳ ҳолини қарор топтириш, яъни эшитувчинини кўнлида мушаббаҳга таскин ҳосил қилиш, ишонтириш, мушаббаҳни кенг ва кучли сурада намоён қилиш. Буни

муноббаҳ биҳ ҳиссий идрок этиладиган нарса бўлса, амалга чиқарини осон бўлади. Чунки, ҳиссий идрок этиладиган, тасаввур этирини енгилроқ нарсани келтиришда кўпроқ наф беради.

Шоир қалбда ўрнатган дўстлик риштасини авайлашга даъват этади:

ان القلوب اذا تنافروا مثل الزجاجة كسرها لا يجبر

Қалбда дўстлик риштаси адовату нафратга айланса, мисоли шиша идишики, синса бутлаб бўлмас.

Шоир қалбдан ўрин олган дўстликни ўзаро душманликка, ҳусуматга айланишини синан шиша идишга ўхшатапти. Бу идишни бутлаб, чегалаб бўлмаганидек, дўстликни ҳам аввалги ҳолига келтириш мумкин бўлмаслигини ташбеҳ воситасида ифодалади.

Энг яхши мисолларни Қуръони каримдан ҳам топиш мумкин: Аллоҳ йўлида инфоқ қилувчилар савоб ажрларини улуғлиги шундай баён қилинади.

مَثَلُ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ كَمَثَلِ حَبَّةٍ أَتَتْ سَعِيًّا سَابِلٍ فِي
كُلِّ مِائَةِ مِائَةٍ حَبَّةٍ

Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчиларни (савобининг) мисоли гуё бир донга ўхшайдики, у ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттига бошоғни ундириб чиқаради... Бақара, 261.

Қилган яхши амал учун етти юз баробар ажр тонали, лекин у қандай экан деса, ўзи яхши биладиган, кўзи билан кўн марта гувоҳи бўлган бир дон дондан ўсиб чиққан етти башоғнинг ҳар бирида етти юзта дон бўлиши билан изоҳлаб, эшитувчига қандай бўлишини қомил сингдириб қўйилди.

Яна бир оятда Аллоҳ куфр йўлини ихтиёр қилганларнинг амаллари аҳволтини билдиради:

وَالَّذِينَ كَفَرُوا أَعْمَالُهُمْ كَسَرَابٍ بِقِيعَةٍ يَحْسَبُهُ الظَّمْثَانُ مَاءً حَتَّى إِذَا
جَاءَهُمْ لَمْ يَجِدْهُ شَيْئًا

Куфрда бўлганларнинг қилган амаллари эса саҳродаги саробга ўхшайди. Ташна одам уни сув деб ўйлар, унинг олдида келгач эса, ҳеч нарса топа олмас ва Аллоҳ унинг (қилган амалининг) олдида топур... Нур, 39.

Сароб асли йўқ нарса, кўзни алдовчи бир кўринишдир. Кофирларни яхши амаллари ҳеч уларга фойда бермаслигини мана

иш сароб билан ўхшатиб, амал мукофотларга лойиқ бўлиши учун имон керак иши ва бошқа но зик нуқталар баён қилинган. Масалан, амали солиҳ қилганларга қанча ажр мукофотлар ваъда қилинган бўлса, бу кофирларники қандан экан, қандай уларга савоб бўлмас экан, деган мажҳулликни бу оятда инсон билаллиган сароб билан ўхшатиб тушунтириляпти. Ҳар икки оятдан келган мисоллар ўз ўхшатишлари билан эшитувчининг мушаббаҳнинг қатъийлигига ишончини кучайтиради. Шу билан ташбеҳнинг бу қарами ҳам камол толади.

Ҳар вақт икки иш бирга топила, ушбу ғараз амалга ошади. 1. Мухотабга мушаббаҳ биҳ ваҳжъ эътибори билан маълум, машҳур бўлиши; 2. Мушаббаҳ биҳ мушаббаҳга қараганда кучли, қувватли, қомил ва тўлиқ бўлишидир. Маана шу икки амр бирга топила, бу ғарами мукаммал бажариши мумкин бўлади. Акси бўлса, албатта мақсадга етиб бўлмайди. Масалан: бир-бирини нафратли кишиларни қайта дўсту-улфат қилиш амалга ошмайдиган узрли ишдир. — дейилса, буни бир оз бўлсада имкони борлигига гумон пайдо бўлади. Ана энди буни ишнинг сонишига ўхшатилиб тушунтирилса, мухотабда дўстлашиб кетишларига ҳеч имкон йўқлигига тўлиқ ишонч ҳосил бўлади.

V. *تربين المشبه للسامع* Мушаббаҳни эшитувчига безатиб кўрсатиш, яъни уни чиройли, инсон табиатига ҳуш ёқалиган қилиб келтиришдир. Бунинг учун аслида шундай гўзал ва чиройли деб тан олинган нарсани мушаббаҳ биҳ қилиб келтириши керак бўлади.

Шоир маҳбубини шундай таърифлайди.

سوداء واضحة الجبين كمقلة الظبي الغرير

Қора, пешонаси кенг бўлиб қоралиги ёш кийикнинг кўз қорачиғидекдир.

Шоир маҳбубининг юзини оҳунинг кўз қорачиғига ўхшатди. Кийик гўзаллик тимсоли сифатида тан олинган. Хабаштарла инсон танасининг тўқ қора бўлиши унинг гўзаллигини оширади, унинг тани соғ ва мустаҳкам эканини билдиради. Ёш кийикнинг кўз қорачиғи эса ниҳоят қора бўлиб, қаламқан бундан моҳирона фойдаланган. Ёрини кўзнинг думалоқлигида, қоралигида жуда чиройли ташбеҳ келтирган.

Товуши ўта ёқимли ҳушовоз кишини Довуд (алайҳиссалом)-га, юмшқоқ ва майин териши ишак-ҳарирга, оғизнинг ҳидини атирга ва шу каби ўхшатишлар мушаббаҳни зийнатлашда мисол бўлади.

VI. **تقييح المشبه للسامع** Мушаббаҳни эшитувчига кабиҳ, ҳунук қилиб кўрсатиш, яъни уни ёқимсиз, инсон табиати жирканадиган қилиб келтиришдир. Бу ҳам таъини каби аслида ҳунук деб тан олинган нарсани мушаббаҳ биҳ қилиши керак бўлади.

واذا اشار محدثا فكأنه فرد يقهقه او عجوز تلطم

Агар у гапирга бошласа, гўё қўлигачан маймун ёки юзига ураётган, бирон тиши қолмаган кампир(ни кўрасиз).

Шоир бу ўхшатишлари билан гапирувчининг кўриниши ҳунук, овози ёқимсиз ва сўзи тушунарли эмаслигини ҳам ифодалаб, жуда ҳам ошириб ҳунук қилиб кўрсатишга эришган.

Мазкур икки ғарзни — зийнатлаш ва ҳунуклашни амалга оширишда мушаббаҳ биҳ мушаббаҳга қараганда кучли, қомил ва тўлиқ бўлиши шарт қилинади. Буни мисоллар ёрдамида бир оз кўриб чиқдик.

VII. **استطراف المشبه** мушаббаҳни ажойиб-ғаройиб қилиш, яъни ҳеч ким эшитмаган, ҳаёлига келмаган, ўта гўзал ва нафис қилиб келтириш. (Ёзувчиларнинг теша тегмаган гап ва ўхшатишларини топишдир.) Бунда икки иш бор:

а) Одатда бўлиши мумкин бўлмаган нарсани келтириш билан иститроф қилинади. Масалан кўмир ичида яширинган оловни мушқубар денгизда кўринган олтин қасрга ўхшатиш. Чунки, мушқдан денгиз бўлиши мумкин эмас. Лекин мушқ денгизи дейиш, уни яна арзимас бир кўмирдан чиққан оловга ўхшатиш, эшитувчини ажаблантиради, ўзининг шундай нафислиги билан ҳаёлини эгаллаб олади.

б) Мушаббаҳ биҳни зеҳнга келтиришни нодир, ноёблигидан мушаббаҳни тасаввур қилса ҳам, мушаббаҳ биҳни билишга ажабланиб қолишидир. Сабаб — тарафайннинг бир-бирига муносиб эмаслигидир.

Адий ибн Руко кийик шоҳларини сифатлайди:

ترجى اغن كأن ابرة روقه قلم اصاب من الدواة مدادها

Қуюқ тўпланган тўдада кийик шоҳларининг ҳаракати ҳудди сиёҳдонга ботириб олинган қалам учларидир.

Сиёҳга ботириб олинган қаламни суратини инсон хотирига келиши ноёб, фавкулудда бир нарсага ўхшатиш, яъни кийик шоҳ-

ларининг учларига ўхшатиш жуда ажиб ва фаройиб нарсалар. Мана шундай узоқ ва ажойиб ўхшатишларни келтирини билан истихроф ҳосил қилинади. Яна шундай истихрофга бинафша гулларини тугурт чўни оловидagi бинафша ранг оловга ўхшатиш мисол қилиш мумкинлири.

Бошқа ғаразлардаги каби мушаббах биҳни кучли, қомил ва маълум, манхур бўлиши шарт қилинмайди. Балки, ҳар бир мушаббах биҳ ноёб, кам ўшилган, ажойиб, фаройиб, кинини ҳайратга солдиган бўлиши керак. Мана шунда бу каби ташбеҳлар қарази мукаммал, тўлиқ ва старли бўлади.

Мушаббах биҳга қайтувчи ғаразлар иккитадир.

ايهام المتكلم المخاطب ان المشبه اتم واقوى من الم شبه به في الوجه

I. Мутақаттлим мухотабни мушаббах мушаббах биҳдан кўра қомил, тўлиқ ва кучли деб ишонтириб қўйишидир. Бу мушаббах биҳни ноқис ва айбли, мушаббахни эса кучли ва тўқис деб даъво қилиш бўлиб, бундан фақат муболага учун фойдаланиш мумкин.

Муҳаммад ибн Ваҳиб Аббосий халифа Маъмун ҳазратларининг шундай мадҳ этадилар:

وجه الخليفة حين يمتدح وبدأ الصياح كأن غرته

Тонг ўз мунаввар нурлари ила атроф зулматини зиё сари чоғлаб кўриниши, гўё макталаётган вақтда халифанинг ҳусну-жамоллари тонг латофату-зийнатини алдаб қўйиши. (муғавий: гўё халифа макталаётганда юзидаги нурига алданиб қолган тонг кўринди.)

Шоир халифанинг юзини тонгдан кўра ёруғроқ ва тиниқроқ демоқчи. Муболага экани билиниб турибди. Аллоҳ яратиб қўйган тонгнинг ёруғлигига тенг келар нарса йўқ. Лекин шоир муболага учун ва яна бошқа баъзи нозик жиҳатларни ифодалаш учун бу ташбеҳни тақдим қилган. Мақталган вақтда халифанинг юзини ёришиши орқали шоир бир ўқ билан икки нишонни аниқ олган:

а) Мақтовни ҳусни қабул қилишида мақтовчи мукофотли бўлиши;

б) Халифани қарамлик, очиққўл деб сифатлаяти.

Зеро, ланм, бахил, ичи қора бўлганда, бундай сўзлардан юз ўтирар ва шоирга ношониста муомала қилган бўлар эди.

Шоир Бахтарий халифа Мутаваккал хайру-саховатини қалами тифида гавдатантиради:

كأنها حين لجت في تدفقها يد الخليفة لما سال واديا

Гўё халифа ҳазратларини қўлларининг саховати, водийга тошган сой бунчаллик бўлмас, яъни хайру-ҳасон қилаётганларида, мол-мулкларига меҳру-нифқат кўрсатмай, аямай сарфлар эдилар.

Шоир ҳазратлари халифанинг сойдан ҳам кўпроқ саховат кўрсатди, деб эшитувчини ўйлантириб қўйяпти.

II. إهتمام التكلم بالمشبه به Мутакаллимни мушаббаҳ биҳда аҳамият қаратишининг баёни, яъни унга алоҳида эътиборни жалб этилади. Бунга қорни жуда оч киши маҳбубининг жамолини тандирлап яши узилган оби нонга ўхшатишнинг мисол қилиш мумкин. Ваҳж бунда думалоқлик ва лаъзат олиш бўлади. Ёрини юзини нонга ўхшатиши мутакаллим асосан нонга эътибор бераётганига далолат қилади. Яъни ўзи жуда ҳам очлиги учун ҳам кўзига нондан бўлак нарсa кўринмаётганини билдирмоқчи бўлади.

Бу каби ташбеҳларни иҳори матлуб ҳам деб юритилади. Бу каби ўхшатишларда мутакаллимнинг мақсадини билдирувчи қарина бўлиши шарт қилинади. Мазкур мисолда қарина юзни муносиб келадиган нарсадан мос келмайдиганга тенглаштириш бўляпти.

Ғараз эътибори билан ташбеҳларнинг тақсимланиши.

Ғаразга кўра ташбеҳлар мақбул ва мардуд бўлади. Ташбеҳнинг ғаразлари барча қўйилган шартларга тўлиқ жавоб берса, мақсадни аниқ ифодалаган бўлса, уларни мақбул дейилади.

Масалан, агар ғараз мушаббаҳ ҳолини баён қилиш бўлса, эшитувчига мушаббаҳ биҳ маълум, маиҳур ва маъруф бўлиши вожиб эди;

-агар миқдор баёни бўлса, мушаббаҳ биҳ ваҳжга нисбатан кучли, тўлиқ ва комил бўлиши ва кам ҳам, кўп ҳам бўлмаслиги;

-агар мумкин бўлган амр эканини баён қилиш бўлса, мушаббаҳ биҳ бўлишга лаёқатлик нарсa келтириш;

-агар тақдир бўлса, мушаббаҳ биҳнинг комил ва кучли бўлиши;

-агар зийнатлаш ёки қабиҳлаш бўлса, ҳақиқатда чиройли ва ҳунук бўлиши;

-иститрофда эса унинг ажойиб-ғаройиб, тасаввур этиш қийин ва ғалати нарсa бўлиши вожиб этилган эди.

Барчаларини мисоллари билан танишиб чиқдик. Уларни қайта келтиришнинг аҳамияти йўқ.

Мардуд деб, барча кўрсатилган шартни бажарилмаган ташбеҳ тушунилади. Масалан:

-мушаббаҳ ҳолини баён этишда мушаббаҳ биҳнинг ўзи ҳам

мухотабга мажхул ва тушунарсиз бўлиши. Гўё эпитувчи билмайдиган куйлак рангидаги куйлакни сотиб олиш;

-миқдорни баён этишда мушаббаҳ бихнинг жуда ноқис ёки тўқис бўлиши. Гўё сотиб олинган куйлак ранги рангида тўқроқ ёки очроғига ўхшатиш;

-мумкинлигини баён этишда мушаббаҳ бих важҳга кўра бор бўлишининг дуруст эмаслиги. Фазилати ва бошқа томонлари учун бошқалардан ортиқ бўлган кишини ўз жинсидаги шу даражани топган кишига ўхшатиш мисол бўлади;

-тақрирда эса, мушаббаҳ бихнинг комил, кучли бўлмаслиги. Кўп ҳаракатлари билан фойда топмаган кишини тошга нақш солувчига ёки бошқа шу каби саъю ҳаракати маҳсулсиз кишига ўхшатиш;

-зийнатлаш ёки ҳунуклашда мушаббаҳ бихнинг ҳақиқатда гўзал ёки ҳунук бўлмаслиги. Юзни гўзаллигини ифодалаш учун кўмирни қоралигини келтириш, гапираётган кишини ҳунук кўрсатиш учун чиройли кулаётганга ўхшатиш;

-иститроф қилишда, мушаббаҳ бих ғалати, ажиб-ғариб ва тасаввур этишга узоқ бўлмаслиги. Масалан кўмир орасидан кўринаётган оловни темир тишлар орасидан чиқаётган алангага ёки бинафша гулини бошқа гуллардан бирига ўхшатиш ва ҳакозо. Бундай мушаббаҳни ғариб ва ғалати, тасаввур этиш ҳам қийин эмас.

Мавзуга доир истилохий терминлар: ғараз, боис, машаббаҳнинг ҳоли, миқдори, тақрир, имкони, тазйин ва тақбих, иститроф, мақбул ва мардуд.

Адабиётлар:

1. Хомид Авний, «Ал-Минҳожул возиҳ», Дорул-китаб, Миср, 1953 й.
2. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънаъ, «Ал-Манор», Ал-Азҳар, Миср, 1991 й.
3. Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний, «Ат-Талхису л-баён», Қозон, 1304 ҳ.й.
4. А. Мансур, «Қуръони карим маъноларининг таржимаси», 2001 й.
5. Али ал-Хабармий, Мустафо Амин, «Ал-Балоғатул-возиҳа», Оромбоғ-Қорачи қадимий кутубхона, 1989 й.

1. Олий мартаба.
2. Ўрта мартаба.
3. Паст мартаба.
4. Ташбеҳга хотима.

Кучли ва заиф маъно ифодатлашдаги фарқларига кўра ташбеҳ уч мартабада бўлади.

1. Биринчиси олий мартаба:

الاولى وهى العليا ما ترك فيه ذكر الوجه والآداة جميعا

Олий мартаба ташбеҳларда фақат тарафайн келтирилади, одоти ташбеҳ ва вазҳуш шабаҳ зикр қилинмайди.

زيد اسد *Zayd sherdir*, — деган каби. Яъни, мушаббаҳ айнан мушаббаҳ биҳ деб даъво қилинапти ва бу энг кучли муболагани ифодалайпти. Зайд барча жиҳатларда «шер», шижоати, жасурлиги, кўриниши, қарашлари, юриш-туришлари ва бошқа барча фазилатлари баайни шернинг ўзидир, бошқа эмас.

Шу билан ташбеҳ икки жиҳатдан тарафайн битта нарса эканини ичига оляпти:

а) Одоти ташбеҳнинг келтирилмагани, зоҳиран тарафайнни ўзаро бир экани умумий жиҳатдан билдирди. Мушаббаҳ бўлган Зайд мушаббаҳ биҳ «шер»га ғирт ўхшайди, камчиликсиз — қувват, журъат, маҳобат, даҳшат солишда, гавдада ва бошқа сифатларида айнан «шер» эканини ифодалайди. Чунки, ташбеҳда «шер»нинг бирон сифати бошқасидан ортиқлиги ёки камлиги келтирилмаяпти, бу ҳам бўлса, вазҳнинг тарк этилиши билан боғлиқдир. Шубҳасиз, бу тарафайн бир нарсадир деган даъвони кучайтиради. Аммо вазҳ, хоҳ лафзан ва хоҳ тақдиран келтирилса, бунинг хилофи бўлиб қолади ва уларни бир нарса деб даъво қилиш мумкин бўлмайди.

Масалан, زيد اسد فى الجرأة *Zayd jur'atda sherdir*, дейилса,

Зайд фақатгина журъатда «шер»га ўхшашлиги маълум бўлади. Журъатлилик лафзан ёки тақдиран келтирилса ҳам, фақат журъатдагина ўхшаш талаб қилинади. Бошқа сифатларда ҳам ўхшаш эса бу шаклда қайтарилади. Натижада тарафайн бир нарса деган даъво бекор бўлади.

б) Одоти ташбеҳни тарк этилиши зоҳиран яна мушаббах мушаббах биҳнинг ўзи деб даъво қилинган олиб келади ва бунга асос бўлади. Мушаббах айнан мушаббах биҳ, ундан бўлак нарсаси эмас. Мадомики, тарафайинни бир нарсаси деб даъво қилинган ман эътидан омиллар бўлмаса дуруст бўлади. Аммо одоти ташбеҳ келтирилса, *زيد كالاسد* *Zayd sher kabidir*, ёки одотни тақдирий деб олinsa, мушаббах айнан мушаббах биҳ эмаслиги келиб чиқади. Улар бир нарсасидир деган даъво ҳам бекор қилади. Бу эса ташбеҳ маъносини кенглигини камайтириб, уни заифлаштиради.

Демак, одот ва важҳни тарк этиш тарафайинни бирлаштириш даъвосини ифодалайди. Бундай ташбеҳлар олий мартабадаги ташбеҳлар ҳисобланади.

II. Иккинчи ўртача мартаба:

والثانية وهى الوسطى ما ذكر فيه الوجه او الآداة

Одоти ташбеҳ ёки важҳуш шабаҳнинг бири тарк этилса, у ўртача мартаба бўлади. Масалан:

زيد اسد فى الجرأة *Zayd sher kabidir*, *زيد كالأسد* *Zayd jur'atda sherdir*.

Ўртача мартаба дейилишига сабаб, важҳуш шабаҳ ёки одоти ташбеҳ ёрдамида тарафайин фақат бир тарафдан бир хил эканига далолат олинганидир. Масалан важҳ тарк этилганда умумий жиҳатларнинг барчасини ёиштириш билан, одот тарк этилганда эса, фақат биргина тамондан тарафайиннинг бирлиги баён этиляпти.

III. Учинчи паст, охириги мартаба:

وهى الأخيرة ما ذكر الأركان جميعا

Ташбеҳ арконлари барчаси келтирилган, яъни тарафайин важҳ ҳам, одовот (ўхшатиш лафзи) ҳам келтирилади.

زيد كالأسد فى الشجاعة (الجرأة) *Zayd shijoatda sher kabidir*.

Кўриб турганингиздек, ташбеҳ қувватини анча сусайтириб, тор маънони ифодалайпти. Бу олий мартабанинг аксидир. Фақат журъатдагина ва яна журъати ҳам «шер»га ўхшаш, аини «шер» эмас деб ташбеҳ қилинапти. Мана бу маънолар тарафайинни бир бўлиш имкониятидан маҳрум қилди, деганидир.

Ваҳоланки, тарафайин маъносини бирлаштириш муболағанинг асосий мадори, суянчиғи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу энг охириги, паст мартабали ташбеҳ бўлди.

Хотима. Мушаббаҳ биҳнинг ваҳжъ эътибори билан мушаббаҳга қаршанда кучлироқ ва қомилроқ ҳамда маълум, машҳур ва маъруф бўлиши кераклигини билиб олдик. Мушаббаҳга қайтувчи ғарзларда бу ҳақиқат, мушаббаҳ биҳларга қайтувчи ғарзларда эса даъво бўлиб, ўз ва ифасини бажаради.

Шундай экан, келтирилган мисолларнинг барчасида бири нокис, бошқаси қомилроқ эканига далилат этувчи ташбеҳларни кўрамиз. *هذا الشيء كهذا الشيء* Бу нарса мана бу нарса кабидир, — деганимида, яъни бу икки нарса ўртасида шундай фарқ бор, дея далилат қиламиз.

Агар бу фарқ деган нарсани умуман олиб ташлаб, тўғридан-тўғри ўхшайди, худди ўзидек каби сўзлар билан ифодаласак, бир жиҳатдан маъвони англатишга эришган бўламиз. Аммо мушаббаҳ ва мушаббаҳ биҳ бир нарса деб даъво қиламиз, натижада баъзи маъноларни ифодалашда кучли чалкашликни содир этамиз.

Масалан, шоир ас-Соҳиб май идишини тавсифлайди:

رق الزجاجة و رافت الخمر فتشأها فتشاكل الامر
فكأنما خمر ولا قدح وكأنما قدح ولا خمر

Май солинган идиш ҳам, май ҳам эриб оқа бошлади. У худди идиши йўқ май, ёки идиши бору, майи йўқ-ми? — деб ўйга солди. Шубҳага солиб қўйди.

Шоир май идиши билан майни бир нарса деб даъво қилди ва натижада аслида май ичдими ёки шиша идишни ичдими ўқувчида чуқур иштибоҳни пайдо қилди. Бу билан ташбеҳнинг гап ва мақсадларни муҳофафза етказишда ўзига хос мукаммал аҳамияти бор экани келиб чиқади.

Ташбеҳ илми баённинг ҳақиқат қисмига тегишлими, ёки мажоз қисмига-ми? деган мавзуда балоғат олимларининг фикрлари турлича бўлди. Ташбеҳ ҳақиқатга тегишлидур, деган олимларнинг фикри тўғридир. Чунки, мушаббаҳ ҳам ва мушаббаҳ биҳ ҳам ўз

маъноларида истъомол қилиняптилар. Масалан: *زيد كالبدر* *Zayd tūlin oy kabidur*, — деганда, Зайд ўз ҳақиқий маъносида бир зотни англатяпти, ой эса ўз шаклидаги маълум ва маъруф нарсадир.

Баъзилар ташбеҳ мажозга киради деганлар. Чунки, Зайд ойга ўхшайли, — деганда, гўзаллик билан ўзаро талашадилар ва ҳаттоки, у ойнинг ҳуснига гўзалликда етишади. Бу маъно эса Зайд учун

қўйилган ҳақиқий маъно эмас ва бу маъно таркибига ҳам мос келмайди. Шунинг учун ҳам мажоз дейиш гўгүрироқ дейдилар.

Мавзуга доир истилоҳий терминлар: ташбеҳнинг рутбаси, олий мартаба, ўрта мартаба, охириги мартаба.

Алабиётлар:

1. Хомид Авний, «Ал-Минҳажул возих», Дорул-китаб, Миср, 1953 й.
2. Абдул-Ҳаким Ҳасан Навнаб, «Ал-Манор», Ал-Азҳар, Миср, 1991 й.
3. Мисвуд ибн Умар ат-Тафтазоний, «Ат-Талхисул-баён», Қозон 1304 ҳ.й.
4. А. Мансур, «Қуръони карим маъноларининг таржумаси», 2001 й.
5. Али ат-Хабармий, Мустафо Амин, «Ал-Балоғатул-возиха», Оромбоғ-Қорачи қадимий кутубхона, 1989 й.

15-мавзу: ҲАҚИҚАТ ВА МАЖОЗ ҲАҚИДА

1. Исноддаги ҳақиқат ҳақида.
2. Зотий ҳақиқат ҳақида.
3. Иснодий мажоз ҳақида.

Аввалги сабоқлардан маълумки, барча ишлатиладиган лафзлар икки навга бўлинади: турли гапларда ва турли шаклларда ишлатилганда ҳам маъноси сарфланмайдиган, яъни бир маънода ишлатиладиган лафзлар ва турли маъноларда ишлатиладиган лафзлар.

Агар ишлатилишда лафз маъноси ўзгармаса, турли гапларда турлича маъно касб этмаса, у ҳақиқат, яъни ҳақиқий лафз дейилади. Лафзнинг ҳақиқати иснодида, масалан: феъл фоили билан, феъл мафъули билан, мавсуф сифат, зарфлар ва бошқа мос суянадиганига қараб, ёки лафзнинг зотида, яъни ўзида бўлиши мумкин.

Лафзнинг ҳақиқати иснодида бўлса, уни ҳақиқий ақлий дейилади. Масалан иншо лафзининг иснодини Аллоҳга қўйиб, ушбу мисолда кўришимиз мумкин. **انضح الله الثمر** Аллоҳ мевани пиширди.

етилтирди. Чунки мевани ҳақиқатда ҳам Аллоҳ пиширади, бу иш Аллоҳнинг изми-ихтиёрида эканини яхши биламиз. Демак, мисолдаги феъл фоили этиб Аллоҳ лафзи олингани ҳақиқий бўлди. Шунинг учун ҳам бундай иснодларни ҳақиқий ақлий дейилади

Ақлий деиилиши куриб турганингиздек, ақл билан буняни сабаблари, суяниши ва бошқалари идрок этиляпти. Бу факат ақлнинг ишидир.

Хуади шунингдек замир, замири мустатирлар ҳам ҳақиқий ақлий бўлади. *الله متفني الغمر* Аллоҳ меваларни пиширувчидир, этиштирувчидир. Исми фоил мунзижинин замири Аллоҳқа қайғуғини, Аллоҳ эса ҳақиқий пиширувчидир.

Мисолларда ишлатаётган лафзларимиз бошқа маъноларга айлданман, ё ҳақиқий, шорс таъсондан қўйилган маънода истесъ-мол этиляпти, яъни улар ўзлари ҳақлик бўлган ва аслида ҳам суяниши керак бўлган лафзаларга суянтирилдилар. У Аллоҳ лафзидир.

Бундан ҳақиқий ақлий лафзалар феъл иснодида, шибҳий феъллар иснодида ёки мутакаллимни этиқодидида ирода қилинган маънога далолат қилган лафзга иснодида бўлар экан. Очироқ айтсак, бу фоил ёки ноиби фоилдир. Бу иккови зоҳир — лафзий, хоҳ замир — яширинган бўлсин.

Маълум феълни фоилга исноди юқорида келтирилган мисол каби, феълнинг исноди ҳақиқий фоилга ёпиштиришдир. Мева пишшишини Аллоҳ лафзига суянтириб, яъни уни фоил қилиб келтириш мутакаллим этиқодини зоҳирида шундайлигини билдираяпти. Бу гўгри этиқоддир. Чунки, унинг зоҳирий ҳоли муъминлигидир. У ҳар бир нарсани Аллоҳ Субҳонаҳуға иснол қилади, ундан бошқага зинҳор ёпиштирамайди.

Мажҳул феълни ноиби фоилга исноди. *انصاع الغمر* Мева пишиди, этилди. Маълумни мажҳулга айлантирилди ва унинг ҳақиқий мафъули, яъни ҳақиқатда пишмоқлик содир бўлган, мева лафзи унинг ноиби фоили қилинди. Бу ҳам ҳақиқий ақлийдир.

Шибҳи феъл иснодларга мисол:

جاء السابك ذكره والحمود طبعه والجميل صنع

Зикри фалари оғох, ҳилку-одои чактагани, қилиги, ишлари гўзал келди.

Бу мисоллардаги «нобиҳ» — исми фоил «оқруғуға», «мажҳуд» — исми мафъул «тобъуху»га, «жамил» — сифати мушаббаҳа «сунъуху»га суянтирилган. Бу муснацларни ҳаммаси феълининг ҳақиқий маъносига далолат қиляптилар. Иснодлари ҳам ўзлари мустақил бўлган нарсалардир.

Ҳақиқий ақлий лафзлар тўрт қисмга бўлинади:

1. **ما طابق الواقع والإعتقاد فقط كقول الكافر** Мўъмин банданинг гапи каби воқеълик ва эътиқодга мувофиқ келадиган лафзлар.

انبت الله الزرع Аллоҳ экинни ундирди (кўкартирди). Эшитувчи ҳам гапирувчининг мўъмин эканини билмоғи аҳамиятлидир. Мўъмин барча нарсаларни Аллоҳга нисбат беради, Аллоҳдан деб билади. Бу гап ҳақиқий воқеъликка ҳам, шундай қилиб ақидага ҳам мос келадиган гап ва маъно бўлди.

2. **ما طابق الواقع فقط كقول الكافر** Кофир кишининг гапи каби фақат воқеъликка тўғри келадиган лафзлар. Бунда эшитувчи унинг бу ҳолидан, яъни кофирлигидан беҳабар бўлиши мумкин:

شفى الله المريض Аллоҳ беморга шифо берди. Кўринишидан бу гапни мўъмин айтаётгандек, деяётганига ўзи ҳам ишонадигандек, аммо унинг мўъминлиги ёки кофирлиги махфий ва кофирлигига эса далолат қилувчи қарина келмаган.

3. **ما طابق الإعتقاد فقط كقول الكافر** Кофир кишининг гапи каби, эътиқодгагина мувофиқ келадиган лафзлар.

انبت الغيث الشجر Ёмғир дарахтни ўстирди (кўкартирди). Мухотаб унинг кофирлигини яхши билади. Зоҳиран бу гапда ҳақиқатан ҳам ёмғирнинг дарахтнинг кўкаришига таъсири борлиги эътиборга олинса, ақидага, яъни кофирнинг ақидасига тўғри келишини билиш машаққат эмас. Чунки у феълени бажараётган нарсасига иснод қилди ва шунга ишонади.

4. **ما لم يطابق الواقع ولا الإعتقاد كقول الكاذب** Ёлғончининг гапи каби воқеъликка ва эътиқодга тўғри келмайдиган лафзлар, бунда мухотаб гапирувчининг ёлғончи эканини аниқ билади. **زارنا زيد** *Zayid* бизникига келди. Аслида эса у келмаган, эшитувчи буни яхши билади.

Ушбу тўрт қисм ҳақиқий ақлий лафзларга тегишлидир, чунки уларнинг ҳаммасида феъл ўзи мустаҳиқ бўлган лафзларга иснод қилинган.

Агар ҳақиқат лафзнинг зотида бўлса, уни луғатига нисбат бериб, ҳақиқий луғавий дейилади. Масалан «шер» лафзи йиртқич ҳай-

вонга қўйилган лафз «*رَأَيْتَ اسداً في الغابة*» *Урагонда шегин кардам*.

Аслида, ҳақиқий ҳиммати шу йиртқич ҳайвонни кўриб олишнинг таърифи туғилган. Бунинг бонқд маъно-аниҳор туғунишидан билиб бу лафз ўз қўйилган маъносига истеъмод қилинган.

Демак ҳақиқий туғуниш лафз:

ما اسدا اللفظ الى ما حقه ان يسند اليه

Аслида ушунчун қўйилган маънода ишлатилган келималар: У воъсёл омиддан қўйилган ном билан ишлатилган. Воъсёл ёки жул кун ва турлидир. Масалан, агар воъсёл дугат олимларидан бўлса лафзини ҳақиқий дуғавий деб номлайди: «шер» йиртқич ҳайвонга ишлатилгани, «солат» дуо қилиш, қийиш ва эгилиб қолган нарсани тўрилаб қўйиш, «никоҳ» ёнишпирини, жимоъ маъноларини билдириши каби;

Шариат олимлари лафзини ҳақиқий дуғавий шаръий дейдилар; масалан «солат» махсус инкр ва ҳаракатлар мажмуъаси, «никоҳ» эса маълум шартлар бажариладиган, қабул-ижобдан сўнг эр-хотиннинг бир-биридан фойдаланиши ҳалол бўлиши ва ҳақозо;

Агар воъсёл хос тоифалардан бўлса, масалан наҳв олимларидан бўлса, уларнинг наздида – ҳақиқий дуғавий истилоҳий ёки урфий хос дейилади. Насом учун «фойл» лафзини улар феълдан кейин рафъ уқилган исмга қўйганлар:

Агар воъсёл махсус бир гуруҳга қарашли бўлмаса унинг наздида – ҳақиқий урфий омма деб аталади. «Добба» лафзи одамлар ўзларига бўйсундирган, ўзаро яхши биладиган эшак, ол каби турт оёқли ҳайвонларга айтадилар ва ҳақозо.

М А Ж О З

Истеъмода маъносига ўзгаришдан лафзлар – мажоз дейилади. Мажоз таъжовуз қилиш, ўгиб кетини каби маъноларга бўлиб, сўзини кўчма маънода ишлатилиш деганини билдиради. Ушбу ўзгариш ҳам лафзининг иснодида ёки зотида бўлади. Лафзининг мажозий иснодда бўлиши – уни ўзи ҳақиқат бўлмаган лафзга суянтирилиши мажозий ақлий ёки иснодид мажозий дейилади.

Масалан, *انضاج الربيع* баҳор лафзига муъмин киши тамонидан иснод қилиб: *انضاج الربيع الثمر* Баҳор мевани пиширди

(етилтирди), - дейилса, аслида пиширувчи Аллоҳ, бу маълум, мўминдан гап содир бўлаётгани учун у:

انضح الله الثمر في وقت الربيع *Аллоҳ баҳор вақтида мевани пиширди*, -- деган маънони касб этади.

Аллоҳ инзожнинг ҳақиқий муснади, аммо баҳор эса инзожга мустаҳиқ бўлмаган муснаддир. Шунинг учун ҳам 1. мажозий иснод бўлади. Худди феълдаги каби шибҳи феълларда ҳам мажоз келяпти.

الربيع منضج الثمر *Баҳор мевани пиширувчи (етилтирувчи)дир*. Мунзижнинг замири мустатири баҳорга кайтувчи ва бу муснад мажоз эканига келяпти.

Маълум феълга мажозий иснод. Маълум феълни унинг мафъулна фоил қилиб ёпиштирилса ҳосил бўлади *رضيت عيشته* *Унинг ҳаёти -маишати рози бўлди*. Аслида ҳаётдан рози бўлувчи ҳаётнинг эгасидир ва фақат у ҳақиқий иснод бўла олади. Шунинг учун *رضى زيد عيشته* *Зайд ўз ҳаётидан рози бўлди*, -- дейилади. Лекин, мафъулга суянтирилди ва бу мажозий иснод ҳисобланади.

Зайд ва маншъа лафзларини ўзаро ухшатишда ҳам мажоз бор. *رضى* ҳам бўлса, Зайднинг шу феълга «маишатга алоқаси борлиги»ни, чунки яшашлик ундан содир бўляпти. Феълнинг алоқаси эса, Зайднинг «яшашига» боғлиқлигидир. Шунда уларнинг исноди мажоз экани маълум бўлади.

Ояги қарамда ҳам *فَوَيْلٌ لِّرَاحِلَةِ رَاحِلَةٍ* *Ана ўша қоннақари маншатида бўлур...* *Қориға, 7.*

Исми фоил *راحلة* нинг замири мустатири *الرحيلة* га қайтганди. Бу ҳам исноди мажозийдир.

Мажхул феълга мажозий исноди. Мажхул феълга нобии фоилни суянтиришда пайдо бўлади *غمر السيل* *«Тоғирида»* мажхул феъл бўлгани учун унга мафъулнинг иснод келтирилса, ҳақиқий бўлади, дег. *غمر الوادي السيل* *«Водий қамати»* ширди. Воқеъ бисан ҳам *غمر الوادي* мунзиждир. Бу эрга ухшашлик борлиги эса, *غمر الوادي* ва *غمر الوادي* аслидаги феълнинг мажозий иснод эканини қийинчи.

Масдарга мажозий исноди. **جد جده** *Жиддийликда жиддийлики-ди (тиришди)*. Аслида ўзининг ҳақиқий фоили бўлган инсонга суя-ниши керак. **جد الإنسان جده** *Инсон жиддий тиришди*. Аммо мас-дарга мажозий иснод сифатида ёпиштирилди, бунга масдар билан ҳақиқий феил ўртасида ўхшашлик борлиги туртки бўлди. Чунки, шундай мажоз билан айтганда ҳам, инсон бажарувчиси экани эни-тувчига тушунарлидир.

Феъл зарф замонага мажозий исноди. **صام فواره** *Унинг кунни рўза тутди*. Кунни фоилликка кўра рафъ ўқиш билан мажозий иснод ҳосил қилинди. Асли «рўзадор» деган фоили бор.

صام زيد في فواره *Зайд кундузи рўза тутди*. Кунни фоил қилиб ма-жоз қилинишига сабаб, Зайд билан кун ўртасида ўзаро ташбеҳ борлигидир. Феъл эса фоилга ҳам, зарфга алоқалик. Феълни бажарувчиси ва бажарилиш вақти сифатида боғлиқлик бор. Демак, бу мажозий иснод бўлди.

Шунингдек, **فواره صائم و لياليه قائم** *Унинг кунни рўзадор, кечаси қоим-намоз ўқувчи*, — деганда ҳам, исми фоилларнинг замири зарфга қайтиб мажозий иснод бўляпти.

Феъл зарф маконга мажозий исноди **داره جري النهر** *дарё оқди*. Дарёни фоилликка кўра рафъ ўқиш мажоздир, чунки дарё эмас, дарёдаги сув оқishi маълум: **جري الماء في النهر** *Лекин, сувга эмас, «дарё» сувнинг оқадиган жойини иснод қўйиш* — феъл мажозий-дир. Чунки сув ва дарё ўртасида ташбеҳ бор, оқishi ана шу боғлиқ-дир. Сув оқди, оқадиган жойи дарё. Шунингдек, **داره النهر** *дарё оқибатидир*, деганда ҳам, исми фоилнинг бажарувчи қисман зарфга қайтгани.

Феълнинг сабабга мажозий исноди **بي الأمير القصر** *Амир қаср қурди*. Қуришнинг фоили Амир, лекин ҳақиқий қурувчилар иш-чилардир. Шунинг учун, **بي عملة الأمير القصر** *Ишчилар Амирнинг фармони билан қаср қурдилар*, — дейилиши керак эди. Аммо иш-

тарнинг сабабчисига суянтирилади. Бу ҳам мажозий иснод билан амалга олади. Амир билан ишчилар ўртасидаги шубҳа берилган имкон берди.

Мажозий ақлийнинг ҳақиқий ақлий билан алоқаси — ушбу ора-сила ўзаро ўхшашликнинг мавжудлигидир.

Мажозий ақлийнинг қаринаси.

هِيَ الْأَمْرُ الصَّارِفُ عَنْ أَنْ يَكُونَ الْأَسْنَادُ عَلَى حَقِيقَتِهِ

Исноди ҳақиқийдан маънони бошқа маънога бурувчи тўрадар. Агар қарина бўлмаса, дарҳол лафзнинг ҳақиқий маъноси тушунилади. Демак, қарина лафзнинг ҳақиқий маъносини тушуниладан қайтарувчи лафз — аломат, белги экан. Қарина икки навбир, лафз-ий ва маънавий.

Лафзий қарина деб, гап ичида келтирилган лафз бўлиб, у гапни ҳақиқий маъносини тушуниладан қайтаради ва гап бошқа

маънода эканига далилат қилади. **هَوَ الْأَمْرُ خَصْمَهُ رَهْوُ فِي قَصْرِهِ**

Амир қасрида турган ҳолда ҳасм (душман)нинг чекинтирди. Қўриб турганингиздек, феъл ўзи мустаҳиқ бўлмаган лафзга иснод қилинган. Чунки, Амир ҳеч бир иш қилмаган, қасри бўлган. Аммо феъл-ни ёпиштиришга бөөлиқ нарсга ҳасмни қонинга сабаб эканидир.

Энди феълни мажоз эканига далилат қилувчи лафз: **هَوَ فِي قَصْرِهِ**

у қасрида турган ҳолда, деган лафз бўлади. Зеро, бу лафз ҳақиқий қочирувчи Амир эмаслигига далилат қилди.

Маънавий қарина деб, лафздан танқари, лафз бўлмаган иш бўлиб, у ҳам гапни ҳақиқий маънода эмаслигини билдиради. Ҳар икки қарина мажоз иснодга эканига далилат қилади. Маънавий қарина икки ишнинг бирига қараб юз беради:

1) Муснадни муснад илайига ҳаётан, ақдан суянтириш мум-

кинлиги ёки одатда шундай суянтирилиши. **مَحَبَّتِكَ جَاءَتْ بِي إِلَيْكَ**

Муҳаббатнинг мени сенга келтирди. «Мажиун» феълнинг **جَاءَتْ** хам-ри «ҳия» муҳаббатга қайтувчидир. Бу иснод мажозий ақлийдир. Чунки феъл ўзи ҳақиқ лафзга суянтирилмади. Унинг асли

ان الحبة سبب في المجيء. Муҳаббат келишига сабабдир. Бу гапга мажоз-нинг далили муҳаббат келишининг ишга сеъшрини мумкин эмасли-гидир. Шундан зарурат билан ҳаётан иснод олинган.

Агар, ақт ишнни чиқариб, ҳаёлан бир оз ҳақиқат юзасидан назар солинса, бу иш амри маҳоллини маълум бўлади. Демак фақат шопрона тўлдирутқ учун бу гап айтилгани билинади.

Мисол: *اقدامى بلك حق لى عليك* Мени сендаги ҳақ шахрингга келтирди. Бу гапдаги қарина *استحالة قيام الأقدام* ҳақни келишнни амри маҳоллинидир.

Одатийи мисол: *هزم القائد الجيش* Қўмондон аскарларни чекин-тирди, одатда шундай дейилади. Аммо ёлғиз қўмондонни ўзи ишни амалга оширмаслиги жуда равшан — ақлий мажоз.

2) Гапнинг мўмин биллоҳдан содир бўлаётгани маънавий қарина бўлади. Мўмин:

قوست ظهري احداث الزمان واشابت رأسى نوابه

Белимни замонлар янгилалиши ёй қилди, унинг ғам андуҳлари бошимни оқарттирди, — деб айтса ҳам гапи тўғри ҳисобланади. Чунки у, мажоз сифатида феълларнинг фоилларини келтиряпти. Аслида бел букувчи ҳам, сочни оқартирувчи ҳам Аллоҳдир. Буни мўминнинг ўзи ҳам яхши гўшунади ва ўятқод қилади.

Зикр этилган бу икки ишда қарина маънавий экани аниқ баён бўлди. Зеро, гапнинг ўзида бирон лафз очиқ ва аниқлик билан маънонинг мажоз эканига далолат қилмаяпти.

Мавзуга доир истилоҳий терминлар: Иснод, ҳақиқат, зот, мажоз, бўлмаган гаплар, кўчма маъно, феълларга ва шибҳий феълларга иснод, қарина, лафзий ва маънавий қарина.

Адабийётлар:

1. Хомид Авний, «Ал-Минҳажул возих», Дорул-китаб, Миср, 1953 й.
2. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънаъ, «Ал-Манор», Ал-Азҳар, Миср, 1991 й.
3. Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний, «Ат-Талхисул-баён», Қозон, 1304 ҳ.й.
4. А. Мансур, «Қуръони карим маъноларининг таржимаси», 2001 й.
5. Али ал-Хабармий, Мустафо Амин, «Ал-Балоғатул-возиха», Оромбоғ-Қорачи қадимий кутубхона, 1989 й.

1. Муфрад мажознинг таърифи.
2. Истиора.
3. Истиоранинг тақсимланиши.

Мажоз лафзнинг иснодида қандай бўлишини ўрганиб чиқдик. Энди агар мажоз лафзнинг зотида, яъни айнан лафзнинг ўзи бошқа маънода ишлатиладиган бўлса, мажоз муфрад ёки мураккаб бўлади. Муфрад лафздаги мажоз, калимани бошқа маънода ишлатишдир.

Мажоз муфрад таърифи:

هو الكلمة المستعملة في غير المعنى الذى وضعت له لعلاقة بين المعنى

الأول و الثانى مع قرينة مانعة من ارادة المعنى الاول

Лафзнинг ҳақиқий ва кўча маъноси ўртасида алоқа ҳамда ҳақиқий маънони англашдан қайтарувчи қаринаси борлиги учун ҳақиқий маъносидан бошқа маънода ишлатилган лафз мажоз муфраддир.

Мазкур таърифда бир неча нозик нуқталар бор:

а) Истеъмол қилинган лафз дейиш билан таърифдан ҳали ишлатилмаган лафзлар чиқиб кетди. Бу каби лафзлар ҳақиқий ёки мажоз деб ҳам сифатланмайди;

б) Бошқа маънода ишлатилган лафз дейиш билан таърифдан барча ҳақиқий лафзлар чиқиб кетди, фақат кўча маънода ишлатиладиган — мажозий лафзлар қолди;

в) Алоқа сўзини қайд этиши билан мулоқотдаги баъзи хато лафзлар чиқиб кетди. Масалан: هذا اسد Бу шердир, — деб тошга ишора қилса, бу хатодир. Чунки тош билан шернинг ўртасида ҳеч қандай алоқа йўқ;

г) Монига дейиш билан киноя лафзлар чиқиб кетди. Чунки, киноя лафзлар ҳақиқий маънода ҳам, мажозий маънода ҳам тенг ишлатилаверали.

Таърифдаги алоқа бу икки маъно ўртасидаги муносабат, яъни ҳақиқий ва мажозий маъноларни бир-бирига мос келиши ёки қасд этилган маънога мос келишдир. Мазкур мослашиш, муносиб келиш икки ҳил бўлади:

1. Ўзаро ўхшашлик - мушобаҳа билан;
2. Мушобаҳа бўлмаган муносиблик билан бўлади.

Агар икки маъно ўртасидаги мослик ўзаро ўхшашлик бўлса, уни истиора ва бошқасини мажози мурсал дейилади.

Қарина эса мутакаллимнинг лафзи бошқа маънода эканини билдирадиган далилдир. Масалан *رأيت اسدا على فرس* *От устиди шерни кўрдим*, мисолидаги «шер» лафзи жасур кишига нисбатан ишлатилган лафздир. Жасур киши билан «шер» ўртасида бир-бири-ни боғлаб турган нарса ўзаро ўхшашлик экани кўриниб турибди. Чунки, жасур кишини «шер»га ташбеҳ қилинади. Бу кабилар истиорага мисол бўлади.

Ёки *امطرت السماء نباتا* *Осмон кўкат ёғдирди*, — деганимизда кўкат *النبات* лафзи ҳам мажоздир. Чунки бу ўринда у сув маъноси-да ишлатиляпти. Сув кўкатларни кўкаришига сабаб мусаббабдир, кўкатлар эса мусаббаб биҳдир. *الإنبات* феълнинг ҳақиқий исноди — мусаббаб қолдирилиб, уни мусаббаб биҳ — кўкатга исноди мажоз қилинди. Зеро, осмондан кўкат ёғмайди. Бу кабилар мажози мурсал дейилади. Чунки, мажозий лафзнинг ҳақиқий ва мажозий маънолари ўртасидаги боғлиқлик ташбеҳдан бошқа нарса бўлди.

Мажози муфраднинг тақсимланиши

Юқорида ўтган таъриф, шарҳ ва мисоллардан мажози муфрад икки ҳил экани маълум бўлди. Мажоз бўлаётган лафзни икки маъноси ўртасидаги алоқа ўзаро мушобаҳа бўлса, уни истиора ва агар мушобаҳадан бошқа нарса бўлса уни мажози мурсал дейилади.

Мисолларда келтирилган *الاسد* лафзи истиорага, *النبات* лафзи эса мажози мурсалга мисол ҳисобланади.

ИСТИОРА

Луғавий маъноси *الإعارة* иора, бирон нарсани ўзига ўзлаштириб олиш, мисол учун бировни либосини кийиб олиб, яна унинг номи билан чақирилишини мисол этиш мумкин. Зайд Амрнинг киймини кийиб олгандан кейин, уни Зайд эмас, Амр деб чақирганларига ўхшатиш мумкин. Истилоҳий маъноси:

هي الكلمة المستعملة في غير المعنى الذى وضعت له لعلاقة المشابهة مع

قريئة مانعة من ارادة المعنى الموضوع له

Истиора ҳақиқий ва мажозий маънолари ўртасидаги алоқа мушобаҳа ва ҳақиқий маънони англанган ман этилган қаринаси бори ишлатилган калитмадир.

رأيت قمراً *Гапираётган ойни кўрдим*, — мисоли каби. Ой - истиора қилинган калима, гапираётган лафзи эса, ой ўз маъноси бўлган осмон жисми эмас, балки гўзал, фасиҳ ва фазилатли киши маъносида эканига далилат қилишти ва таърифдаги ҳақиқий маънони тунунишдан қайтарувчи қарина бўляпти. Шунинг учун бу гапнинг маъноси: ойдек мумтоз кишини гапираётганини кўрдим; ойдек чиройли кишини гапираётганини кўрдим; фазилатда ойга ўхшашган кишини гапираётганини кўрдим ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Истиора олиш тартиби: Ушбу ва бошқа шу каби мисолларда биринчи қилинадиган иш ойни ваҳж этиб бори билан ташбеҳ этиш:

هذا الرجل كالقمر *Бу киши ой каbidир*.

Иккинчи иш, энди мушаббаҳ маъносини мушаббаҳ бихга ўтказиб, ташбеҳни бошқа арконларини ҳам гўё буткул унутиб, мушаббаҳ бих ёлғиз айтилганда мушаббаҳни унинг бир қисми деб тушуниб, ой деганда тўғридан тўғри ойга нисбатан ўхшатишган кишини англаймиз. Чунки, ўртада мушобаҳа мавжуд ва у мушаббаҳ бихдан мушаббаҳни англашимизга имкон берапти.

Энди учинчи ишга кўра, мушаббаҳ бихдан бошқа қолган барча арконларни тарк этиб, ўша киши маъносида القمر ойни, яъни мушаббаҳ бихни ишлатамиз. Яъни истиора қиламиз.

Истиоранинг таърифидан арконлари учта экани маълум.

1. المستعار منه истиора олинмиш (ундан), яъни мушаббаҳ бихни ўзидир. 2. المستعار له истиора қилинмиш (унга), яъни мушаббаҳни ўзидир. 3. المستعار истиора қилинган лафз, яъни мушаббаҳ бихнинг мушаббаҳ маъносига қўйилган лафзи.

Масалан: رأيت اسدا يرمى *Улоқтираётган шерни кўрдим*. — деганда журъатли ва жасур киши «шер»га ўхшатишди. Бу бизга истиора олиш тартибидан маълум. Сўнг мушаббаҳ бихга қўйилган ном мушаббаҳга олиб берилди, яъни истиора қилинди. Мушаббаҳ бихнинг ўз маъноси йиртқич ҳайвон бўлиб, у мустаъор минху, чунки «шер» лафзи мана шу маънога исм қилиб қўйилган. Кейин унинг исми бу маънодан олиниб бошқасига берилди.

Мисол учун, кийми бошқа бир киши учун олиб берилган инсонни олиш мумкин. Кийимни кийиб олган бошқа кишини энди асосий кийим эласини номи билан чақира бошласак — соддароқ тушунишда кўра истиора бўлади.

Мушаббах жасур кишинини ўзи, унга қўйилган исм бўлиб, мустаъор лаҳуири.

Энди жасур киши маъносидати **الاسد** лафзи мустаъор ле-йилади. Шу билан истиоранинг арконлари баён қилиб бўлипти.

Истиора аниқланидан йўналишлар тўрттадир.

1. Ташбеҳ бўлганини буткул унутиш, гуё умуман ташбеҳ бўлмаган деб қараш. Шунда мушаббах мушаббах биҳнинг бир бўлаги, ўзи битта нарсга деб даъво қилинади. Важҳуш шабахга кўра мубоблага учун мушаббах шундай сифатланади.

Лекин шуни яхши билиш керакки, буткул унутиш зарур бўлган ташбеҳдагина истиора қилинади. Шунинг учун, ушбу мисол каби истиора қилишни зарари йўқ:

رأيت اسدا يتكلم مثل الفيل في الضخامة

Гавдаси мисли фил гапираётган шерни кўрдим.

Бу ерда истиора қилинаётган лафз «шер» бўлиб, жасур кишидан қилинапти. Мана бунда ташбеҳ буткул унутилганини кўрапмиз. Кейин филга ўхшатиб ташбеҳ келтиришнинг истиорага аҳамияти йўқ. Чунки, истиора бу ташбеҳга бино қилинмаяпти.

2. Важҳуш шабахни ҳам, одоти ташбеҳни ҳам мутлақ келтирмаслиги шарт. Агар уларни ёки бирини зикр этилса, у истиора эмас ташбеҳ бўлиб қолади.

زيد كابي العلاء في شعره *Зайд сочда Абу Ало кабидир;*

زيد كابي العلاء *Зайд Абу Ало кабидир;*

زيد ابو العلاء في شعره *Зайд сочда Абу Алодир.*

Ушбу мисолларда истиорага имкон йўқ, ташбеҳлиги маълум.

3. Тарафайни асло келтирмаслик ёки ташбеҳни билдирмайдиган қилиб бўлса ҳам, тарафайни келтирмаслик.

Биринчисига мисол, **لقيت بحرا يعظ الناس** Одамларга насиҳат қилаётган денгизни кўрдим. Мисолдаги феълнинг фоили воъиз бўлиб, ифозада — илмга кенглик, тошқинликда воъиз денгизга ташбеҳ қилинаётгани маълум бўляпти. Сўнг, мушаббах биҳ мушаббахга

истиора қилиняпти ва фақат **البحر** лафзи, мушаббах биҳинни у ян келтириляпти. Бу тарафайни жамъ келтиринна мисол бўлиб

Иккинчисига мисол, **أظفار النية نثبت فلان** ўлимнинг тирноқлари фалончини ушлабди (фалончи ўлим чангалига тутилибди). Бу мисолда ўлим аввал чанг солишда, аёвсизликда «шер»га ташбеҳ қилинди. Кейин тақдиран ўлимга «шер» исми истиора қилиниб, у ҳам хазф этилди ва унинг ўрнига шернинг баъзи аъзоси келтирилди. Бу аъзо тирноқлари, чангалидир. Мисолда **النية** ўлим лафзи келтирилган бўлиб, у мушаббахдир. Бу тарафайни ташбеҳ бўлмаган усул билан келтирилганига мисолдир.

Шеър:

لا تعجبوا من بلى غلاته قد زر ازواره على القمر

Унинг кўйлагини эскириб, илма-тешик бўлиб кетганидан ажабланманг. Ахир у ой юзига тугмани қадаб қўйди.

Иккинчи мисрадаги **القمر** ой лафзи истиорадир. Чунки у, аслий маъносидан чиройли инсон маъносига кўчирилган. Бу мисрада ҳам тарафайн жамъ келтирилди. Мушаббах **ازواره** тугмаларини

лафзидаги замирдир. Мушаббах биҳ **القمر** ой лафзи. Аммо бу икки аркон ташбеҳга далолат қилмайдиган суратда жамъ келтирилган.

Зеро, калом сиёқидан феъл қамарнинг воқеълигини исботлаш учун, ташбеҳни исботи учун эмаслиги билиняпти. Ваҳоланки, ташбеҳ каломнинг ичида яширин, уни фақат яхши ўйлаш билан билиш мумкин.

Агар тарафайнни жам келтирилса, лекин ташбеҳга далолат қилмайдиган суратда келса, аммо маъноси фақат ўхшатиш билан англабланса, бу ташбеҳ бўлади, истиора бўлмайди. Бу мушаббах биҳ мушаббахдан хабар ёки хабар ҳукмидаги жумла бўлса ҳосил бўлади. ҳол бўлиб, ёки сифати бўлиб келса, хабар ҳукмини олади.

Хабар бўлганига мисол: **خالد بن الوليد اسد** Халид ибн Валид шердир. Тарафайн ташбеҳ маъносига далолат қилмайдиган суратда жамланди. Чунки, гап зоҳирида **الاسد** «шер» маъносини Халидга исботлаш учун келтирилган. Ҳақиқатга эса бу зиддир. Шунда

«шер»дан ухнашни Холдга исботлаш учунлиги эҳтимол қилинади. Демак, «шер»ни зикр этиш ухнашликни билдириш учун келтирилган бўлади. Жумла зоҳири эса, «шер»ни Холдга маънода бирлаштиришни тақозо қилади. Маънода ташбеҳга асосан бирлаш мумкин, лекин ҳақиқатда мумкин эмас. Чунки бу иккови бошқа-бошқа нарсалардир. Мана шунда ташбеҳ борлигини исботлаб, одоги ташбеҳ тақдирий экани маълум бўлади. Шундан тезда буни истиора эмас, ташбеҳ дейиш кераклиги пайдо бўлади.

Хабар ҳукмидагига мисол: **كرو خالد على الأعداء اسدا** *Холд душманлари устига шер бўлиб ташланди, ҳужум қилди.*

مررت برجل اسد *Шер кишининг ёнидан ўтдим.*

Кўриб турганингиздек, тарафайн ташбеҳга далолат қиладиган ҳолда келтирилди. Сабаблари юқорида батафсил гапирилди.

4. Истиора қилинадиган мушаббаҳ биҳ «куллий ҳақиқий» ёки «куллий таъвилий» бўлиши керак. Токи, мушаббаҳ мушаббаҳ биҳнинг жинси деб даъво қилинсин, бир бўлаги деб эътиборга олинсин.

Куллий ҳақиқий бўлиш учун лафз исми жинс бўлиши керак.

Масалан, **الاسد** «шер» лафзи ҳам куллийдир, чунки уни кўпчилик тасдиқлайди ва тан олади. Барча «шер»нинг турларига бу лафз исми жинс бўлади. Шунинг учун уни жасур кишига истиора қилиш мумкин. Бу билан жасур кишини «шер»нинг бир тури деб қараш ва уни «шер» жинсидан деб даъво қилиш мумкин бўлади.

Куллий таъвилий лафз шахсга «алам, атоқли» қилиб қўйилган исм каби бўлади. «Алам» исмларнинг ҳақиқий соҳиблари фазилат ва сифатлари билан маълум ва машҳур, маъруф бўлишлари керак. Масалан, машҳур исмлардан бири айтилса, энг аввал ўша зотнинг сифати, фазилати идрок этилса, бу исм «алам» бўлади.

Мисол учун, Ҳотам Тоний (у Абдуллоҳ ибн Саъд бўлиб, самоҳи ва саховатда у ҳақида кўп ривоятлар тўқилган ва сахийлик тимсолига айланган) жувонмардлиги, саховати билан машҳур бўлган. Ҳотам деганда саховатли ва қўли очиқ киши тушунилади. Аммо, кўриб турганингиздек олдин Ҳотамни таъвил қилиш керак. Кейин уни истиора қилиш мақсадига бошқа киши учун истеъмол қилиш жонз бўлади. Шунда яна бу киши ҳам Ҳотамларнинг битта-си деб эътироф этилиши керак.

Бугун «Ҳотам»ни кўрдим, **رأيت اليوم حاتما** деб, саховатпенна

Маҳмудни продагўтса, Маҳмуд айни Ҳотамдир, деб даъво қилаётгани билан истиора ишлатганини кўрини мумкин.

Шунингдек, مادر Модирни бахилликда

(у Бани Ҳилоллик бўлиб, Модир дейилишини сабаби: Унинг туялари бўлиб, ҳовуз сувидан уларни суғорган. Туялар сувга тўйинишгач, ҳовузда озгина сув ортиб қолган, кейин ҳовузга туяларнинг ахлатини ташлаб тўлдирган. Сувга аралаштириб ташлаган ва бу ишни ҳовуздан бошқа киши сув ичиб қўямасин деб, қўрқиб қилгани маълум бўлган).

وقس Вақсни нотикдлик ва фасоҳатда (эзоҳлият давридаги машҳур араб нотикларидан),

باقل Боқилни лудук ва гапга нўноқликда

(Иёдлик киши бўлиб, ўзи дудук ва содда бўлган. Айтишларича, бир кун икки бир дирҳамга эчки сотиб олган, ундан: — Уни неча пулга сотиб олдинг? — деб сўраганларида, икки қўлидаги беш панжасини очиб кўрсатиб, яна бир дейман деб, уни тили билан ишора қилгунча, эчки арқони бўшаб қочиб кетган экан. Шундан кейин одамлар дудук ва гапга нўноқлар ҳақида уни зарбулмасал қилганлар)

истиора қилини дуруст бўлади.

Куллий таъвиллий истиораларни аввал ёки кейин таъвил қилинмаса дуруст бўлмайди.

Мавзуга доир истилохий терминлар: мажоз муфрад, мустаъ-мал калима, алоқа, қарина, мушобаҳа, истиора, мустаъор минҳу, мустаъор лаху, мустаъор, ташбеҳнинг хабар сураги, куллий таъвиллий, куллий ҳақиқий.

Адабиётлар:

1. Хомид Авний, «Ал-Минҳожул возиҳ», Дорул-китаб, Миср, 1953 й.
2. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънаъ, «Ал-Манор», Ал-Азҳар, Миср, 1991 й.
3. Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний, «Ат-Талхисул-баён», Қозон, 1304 ҳ.й.
4. А. Мансур, «Қуръони карим маъноларининг таржимаси», 2001 й.
5. Али ал-Ҳабармий, Мустафо Амин, «Ал-Балоғатул-возиҳа», Оромбоғ-Қорачи кадимий кутубхона, 1989 й.

1. Тасриҳия истиора ҳақида;
2. Истиораи тасриҳия аслия;
3. Истиораи тасриҳияи таъбия.

Истиоранинг тарафайн эътиборига кўра тақсимланиши

Истиора тарафайн эътибори билан икки қисмга бўлинади: Тасриҳия ва Макния. Мушаббаҳ биҳ зикр этилса, у истиораи тасриҳия, акси бўлиб мушаббаҳ келтирилса, у истиораи макния бўлади.

Истиораи тасриҳия

هو لفظ المشبه به المستعار للمثبه мушаббаҳга қўйилган мушаббаҳ биҳнинг истиора қилинган лафзидир.

زارق في بحر في مولى *Мени ўз манзилимда денгиз кўргани келди.*

Ижро этиш тартиби: 1. Жувонмард, сахий кишини ёрдам илигини тутишда денгизга ўхшатилади.

2. Сўнг ташбеҳни буткул унутиб, мушаббаҳ мушаббаҳ биҳни бир бўлаги деб даъво қилинди.

3. Сўнг البحر «баҳр» лафзи мушаббаҳ биҳни мушаббаҳга истиора қилинди, яъни исмини олиб берилди.

Мана бу очиқ ва тушунарли истиора бўлди. Шунинг учун уни тасриҳия дейилган.

Истиора лафзига кўра икки қисмга бўлади: аслий ва таъбий.

Аслий мустаъбор лафз исми жинси ҳақиқий ёки таъвилый бўлади.

الاسد *Уйимизда шерни кўрдим,* - деганда رأيت اسدا في منزلنا лафзи исми жинси ҳақиқий бўляпти.

Исми жинс масдар бўлиши мумкин: *أب-هالنى قتل عباس خصمه* *Аб-бос душманини ўлдириши мени даҳшатга солди.*

Бу гап билан баданини оғритадиган қилиб, кўкартириб ургани назарда тутиляпти. Оғриқнинг зўрини *القتل* ўлдириш лафзи билан ўхшатилади. Сўнг ташбеҳ оралагани унутилгач, мушаббаҳ мушаббаҳ биҳнинг бир бўлаги деб даъво қилиб, қатл лафзи қаттиқ зарбга, аламли калтакка истиора қилинди.

Ушбу икки мисолдаги истиора аслидирлар. Чунки, истиора этилаётган лафзлар ҳақиқий исми жинс лафзлардир ва ўз зотида култий маънони касб этапти.

Иккинчи тоифа мустаъор лафзлар фазилят ва сифатлари билан машхур бўлган кишиларга қўйилган «атам» исмлар қабилдир. Масалан: *رأيت اليوم مادرا* Бугун Модирни кўрдим, - деб бахил кишини кўрганини ирода этган бўлади.

Аввал бахил кишини бахилликда ном қолдирган Модирга ўхшатади, сўнг ўхшашликни буткул йўқ қилиб, Модир лафзини халиги кишига нисбатан истиора қилади бу киши ҳам Модирларни бири деб даъво қилган бўлади. Ушбу истиора ҳам аслийдир, чунки мустаъор лафз исми жинси таъвилыйдир.

Табиий мустаъор лафзлар феъл, мушгақ исмлар ёки ҳарфда бўлади. (Наҳв фанидан маълумки, исми мушгақларга — исми фоил, исми мафъул, сифати мушаббаҳа, феъли тафзиллар, зарф — исми замон ва маконлар, исми олот ва бошқалар қиради.)

Феълда истиора.

Маълумки, феъл бирон иш-ҳаракатга далолат қилади, шунингдек бирон замонни ҳам билдиради. Аммо феълдаги истиора буларга тегишли эмас. Мисоллар орқали англаш енгилроқдир.

أخوال شunday دеди. Ҳол эса гапирадиган нарса эмас. Гапириш инсонга хос сифат. Бу гап билан ҳол ўзи ундади, билдирувчи бўлди, деб айтаётган бўлди.

Исботи: Очик равшан далолат очик кенг изоҳли нутққа ўхшатилади. Кейин *النطق* нутқ лафзи истиора қилинди. Шу билан нутқ очик далолат маъносида бўлиб қолди. Энди *النطق* нутқ лафзидан худди шу маънодаги мозий феъли *يتكلم* гапирди яъни *يدل* далолат қилди маъносида ишгиқоқ қилинди. Бунини истиораи тасриҳия таъбия дейилади.

Ушбу ояи карима ҳам худди шу истиорадир:

يحيى الأرض بعد موتها ... ва ерни «ўлганидан» кейин (баҳорда қайта) «тирилтирур» ... Рум, 19.

Тирилтириш *الإحياء* ихё қилиш руҳ, жонни киритишдир. У ҳайвон, инсон кабиларга мосдир. Ер ва бошқа жонсизларга мос келмайди. Бу ўринда ерга зийнатлаш, безаш муносиб келади. Демак, кўм-кўк кўкат, пишган мевалар билан безаниши ерни тирилишига гўзаллик ва фойда етказишга ўхшатиш билан бўлади.

Кейин эса, шартлар бажарилгач, ихёни истиора қилинди. Кейин,

иҳёдан тайин маъносидаги **يُحْيِي** тирилтиради феъли **يُزِين** зийнат-
лади маъносида ишпиқоқ қилинди. Кўриб турганингиздек, бу ҳам
испори таъриқи таъбия бўлди.

Яна бир мисол:

أَتَى أَمْرُ اللَّهِ فَلَا تَسْتَعْجِلُوهُ Аллоҳнинг амри (қиймат) келди. Бас,
сизлар (эй, мушриклар!), уни қистамай қўя қолинглар! Наҳд, 1.

Хали келмаган нарсани келди, дейиш келиши яқин ва аниқ нар-
сага ишлатилади. Қиймат ҳам келиши аниқ ва муддати яқин нар-
салардан ҳисобланади. Муҳаммад САВ бир ҳадиси шарифларида:
«Мен билан қиймат шу икки бармоғимдек бир-бирига яқин ҳолда
келдик», - деганлар. Яъни менинг охири пайғамбар бўлиб келганим-
ни ўзи қиймат яқинлигидан дарак беради, демоқчилар. Лекин бу
яқинликнинг миқдорини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди. Биз учун
юз йил ҳам узоқ кўринади. Аллоҳнинг наздида эса неча минг йиллар
ҳам яқин бўлиши мумкин.

Келмаган нарсани мазий сийғасида келди, деди. **فَلَا تَسْتَعْجِلُوهُ**

Сизлар уни шошилтирмай қўя қолинглар, феъли эса келаси замон
сийғасида амр бўлиб келтирилиши, уни «келади» деган маънода

эканини билдиради. Бунга кўра **يَأْتِي أَمْرُ اللَّهِ** Аллоҳнинг амри кела-
ди, деса каломнинг сиёқига мос тушар эди. Лекин муболаға учун,
жуда аниқ билдириб қўйиш учун мазий сийғасида келтирди.

Зеро, Аллоҳнинг амри шаксиз келувчидир, келмаслиги амри
маҳолдир.

Бу ўринда келаси, музорий сийғасидаги **الْآيَاتِ** феъли мо-
зийдаги **أَتَى يَأْتِي** келмоқ феълига ҳақиқатда рўй беринингда таъ-
беҳ қилинди. Таъбеҳлик унутилгач, мазий сийғаси истиора қилинди.
Қуръонда келажакда бўладиган ишларни ўтган замон сийғасида
баён қилинган ўринлар кўлаб учрайди. Буларнинг ҳаммаси истио-
раи таъриқи таъбия бўлади.

Мингтақотлардаги истиора.

Исми фоил ва мафъули истиорага мисол:

حُكِمَ عَلَى قَاتِلِكَ بِالسَّجْنِ Қотилингни (кўкартириб сени яхшилаб
урувчини) зиндонга ҳукм қилинди.

رفع مقتولك امره الى الحاكم *шугудек калтакланган кишини (мактулдин) қозига ишни қўтарибди.*

Бу икки мисолда истиора олинган тартитби. Оғриқнинг жула дламлигида қаттиқ оғритиб уруш қатл (ўлдириш)га ўхшатилади. Кейин ташбеҳ унутилиб, қатл билан қаттиқ уруш, бир нарса деб даъво қилиниб, **القتل** қатл лафзи истиора қилинди. Сўни бу лафздан

қаттиқ уруш маъносидаги исми фонил ва мафъул вазинда **قاتل** ва

مقتول лафзлари ишгиқоқ қилинди. Бу истиораи тасриҳияи таъбия тариқидан тўғри истиорадир.

Сифати мушаббаҳали истиорага мисол:

انما اصادق الاعمى عن العورات *Аврат ва гуноҳларга қарашга кўр бўлган киши билан дўстлашаман.*

Қарамасликда кўзни юмин кўрликка ўхшатилади. Кейин **العمى** лафзи ташбеҳ борлиги унутилгач ва иттиҳод даъво қилингач, истиора қилинди. Сўнг ундан кўзни юмувчироқ маъносида **الاعمى** аъмо ишгиқоқ этилди. Бу ҳам истиораи тасриҳияи таъбиядир.

Афъала тафзилдаги истиора: Шеър

ولئن نطق بـشكر برك مفصحا **فلسان حالي بالشكاية انطق**

Ҳақиқатан, агар яхшилигини шукрини фасоҳатли тил билан гапирсам ҳам, афсуски, ҳолимнинг тили шикоятга нотикроқ бўлди.

Юқоридаги мисолда кўрганимиздек, далолат нутққа ўхшатиляпти. Кейин нутқ лафзи далолатга истиора қилинди. Сўнг, **انطق**

нотикроқ лафзи **ادل** далолат қилувчироқ маъносида ишпиқоқ этилди. Бу ҳам истиораи тасриҳияи таъбия бўлди.

Исми замон ва макондаги истиора:

هذا مقتل فلان *Бу фалончининг ўлдирган ери, - деб урган жойига ёки вақтига ишора қилса, замон ва маконда истиора қилган бўлади. Қаттиқ уриш ўлдиришга ташбеҳ қилинди. Кейин қаттиқ*

уришни ўлдиринишга истиора қилиниб, ташбеҳ бўлгани унутилиб исми фонл ва лафзидан қаб, القتل қатл лафзидан исми замон ва макон иштиқоқ қилинди. Ояи каримадан мисол:

قالوا يٰسَوْنٰلَنَا مِنْ بَعَثْنَا مِنْ مَرْقَدِنَا هٰذَا مَا وَعَدَ الرَّحْمٰنُ ...

Улар: «ҳолимизга вой! Ким бизларни ухлаётган жойимиздан уйғотди?» — деганларида, (уларга айтилур:) «Мана шу Раҳмон ваъда қилган ва пайғамбарлар сўзлаган рост нарса (қиёмат)-дир!» Есин, 52.

Шубҳа йўқки, уларнинг бу саволи қиёматда, қабрларидан чиққандан кейин бўлади. المرقд дан мурод шунда, ўлим жойи, яъни

қабр бўлади. الرقاد нинг жойи эмас, зеро у уйқу демакдир. الموت ўлим ҳолати ҳеч нарсани ҳис қилмасликда ёки нафи йўқлигида

الرقاد риқодга ташбеҳ қилинди. Кейин риқод лафзини ташбеҳ экани унутилиб, ўлим билан уйқу бир нарса деб даъво қилинганч, истиора қилинди. Кейин эса, риқод الرقاد лафзидан المرقد марқад лафзи ўлик ётадиган жой маъносида иштиқоқ қилинди. У истиораи табъияга кўра «қабр»дир.

Исми олотда келган истиора: هذا مفتاح الملك Бу мулку-давлатнинг калитидир, — деб вазирлардан бирига ишора қилинса, исми олотни истиора қилган бўлади.

Вазирликни мақсадга етказадиган ёпиқ эшикларнинг الفتح очилишига ташбеҳ қилинади. Сўнг الفتح фатҳ лафзи, ташбеҳ унутилиб, тарафайн бир деб даъво қилинганч, истиора қилинади. Кейин ундан вазирлик маъносида المفتاح мифтоҳ лафзи иштиқоқ қилинади ва у истиораи табъияга кўра вазир маъносидаги калитдир.

Табъия дейилишига сабаб, унинг масдар маъносига тобелигидир. Келтирилган мисоллар бунинг тасдиғидир.

Ҳарфларда истиора.

Оятҳои карималарда бунга мисоллар кўп

وَالْمَقْصِدُ الِ فِرْعَوْنَ لِيَكُونَ لَهُمْ عَذَابٌ وَخِزْيَانٌ

... Бас, Фиръавн хонадони уни (усиб-ултайғач), ўзларига «душман ва ташвиш» бўлиши учун тўтиб олдилар. Қасас, 8

ليكون даги «лом» — «ломи иллат» бўлиб, ўзидан кейинги нарсани олдинги тартибга солиш учун, яъни унинг сабабини очиб беришга қўйилади. Иллат ўз маънулига олдин қўйилгандек. Масалан, اشترت هذا الكتاب لأقرأ Бу китобни ўқиш учун сотиб олдим, — деганда ўқиш сотиб олишдан олдин, илгариги ўринда турганини билдирыпти. Чунки у, яъни ўқишга бўлган мақсад сотиб олишнинг иллати — боисидир.

Энди бу нарса тўғри ва аниқ англаб олинган бўлса, оятда келган «лом» истиора экани маълум бўлади. Чунки, ундан кейинги маъноларни олдинга қўйилганда ҳам иллат бўлмайди. Чунки, Фиръавннинг оиласи Мусони ўзларига душман ва ғам-ташвиш келтирувчи этиб олмаган эдилар, балки, уни оилаларининг севикили бир аъзоси қилиб ва қалбларига фараҳбахш этувчи сифатида олган эдилар. Аммо уларнинг Мусони фарзанд қилиб олишларининг натижаси душманлик ва ташвиш бўлгани, аксинча, муҳаббат ва қалбга сурур бўлмани ҳисобланди.

Адоват ва ҳазан бир-бирига тартибланган ҳолда ҳақиқатда муҳаббат ва сурурга ўхшатилади. Чунки, аслида шу икковига тартибланиши керак эди. Энди бу ўринда «лом» тажаввуз, яъни маънони бошқага ўтказиб юбориш учун истеъмол қилинди.

Буни истиора қилиш тартиби: қабул қилингандан сўнг келган адоват ва ҳазан ҳақиқий иллат бўлган муҳаббат ва сурурга ташбеҳ қилинди. Малфуф ташбеҳ каби, кетма-кет ўз тартиби билан келтириши ҳам аҳамиятли. Кейин «лом» ҳақиқий иллатга тартибликни билдиришидан бошқа, аслидаги иллатга тартибликни билдириши истиора қилинди. Бу ҳам истиораи тасриҳияи таъбия шартлари билан тўғридир.

Яна бир оятда:

لَأَصْلَبَنَّكُمْ فِي جُذُوعِ النَّخْلِ

... ва сизларни хурмо шохларига осурман... Тоҳо, 71.

Аслида **فی** жар ҳарфи зарфни англатиш, яъни вақт ёки жойга далолат қилиш учун қўйилган. **الماء في الكوز** *Сув кўза ичида*, деганда бу жар ҳарфи сувни кўзанинг ичида жойлашганини билдирапти. Кўза эса **الكوز طرف الماء** сув учун зарф, жой бўлади

Демак, оятла **فی** жар ҳарфи ўз ўрнида ишлатилмагани маълум бўлди. Чунки, ҳарфдан кейин келаётган нарсани — ҳақиқатни қабул қилганда уни зарф қилиш дуруст эмас. Аммо шоҳни дор, осадиган жой сифатида макон олдириш мумкинлиги учун уни зарф дейиш мумкин бўлади. Шунинг учун шоҳни ҳақиқий зарф қилса бўладиган нарсага ўхшатилади. Кейин **فی** жар ҳарфини истиора қилинди.

Истиора олиш тартиби: баланд-баланд шоҳлар ҳақиқий жойларга (дор сифатида) ҳар бирида жойловчининг борлигида ўхшатилади. Шунда бир нарсани бошқа нарсалар билан безатганга ўхшаган ташбеҳ ҳосил бўлади. Кейин **فی** жар ҳарфини зарфни ўраш ва безаш учун қўйилган ҳарфни ҳақиқий зарф қилинган нарса билан, яъни баланд шоҳларни баланд нарсалар билан ўрашга истиора қилинди. Истиораи тасриҳияи таъбия бўлди.

Мавзуга доир истилоҳий терминлар: куллий таъвилӣй, куллий ҳақиқӣй, истиораи тасриҳия, аслия ва таъбия, муштаққотлар.

Адабиётлар:

1. Хомид Авний, «*Ал-Минҳажул возиҳ*», *Дорул-китаб, Миср, 1953 й.*
2. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънаъ, «*Ал-Манор*», *Ал-Азҳар, Миср, 1991 й.*
3. Масъуд ибн Умар ат-Тафтазонӣй, «*Ат-Талхисул-баён*», *Қозон, 1304 ҳ.й*
4. А. Мансур, «*Қуръони қарим маъноларининг таржимаси*», 2001 й.
5. Али ал-Ҳабармӣй, Мустафо Амин, «*Ал-Балоғатул-возиҳа*», *Оромбоғ-Қорачи қадимий кутубхона, 1989 й.*

18-мавзу: ТАСРИҲИЯ ИСТИОРАНИН
БОШҚА ҚИСМЛАРИ

1. Мурашшаҳа;
2. Мужаррада;
3. Мутлақа.
4. Истиораи тасриҳияни қаринаси.

Истиораи тасриҳия уч қисмга бўлинади: Мурашшаҳа (кучи); Мужаррада (ёлғизлатилган); Мутлақа.

Мурашшаҳа — лугавий маъноси тозаламоқ, софлamoқ ва номини қувватлаш, номзодини қўллаш кабидир. Истилоҳийла:

ما قرنت بما يلائم المستعار منه اى المشبه به

Мустаъор минҳу, яъни мушаббаҳ биҳга мос ва тегишли бўлган сифатлар билан келтиришдир.

Оян каримада бунга мисол:

أُولَئِكَ الَّذِينَ اشْتَرُوا الضَّلَالَةَ بِالْهُدَىٰ فَمَا رَبَحَتِ تِجَارَتُهُمْ

Ҳидоят (тўғри йўл) ўрнига залолат (нотўғри йўл)ни сотиб олганлар ўшалардир, (лекин) бу савдолари фойда қилмади ва ҳақ йўлга юргувчи бўлмадилар. Бақара, 16.

Ботилни ҳақдан танлаб олиш, ботилни ортиқ кўриш сотиб олиш билан ташбеҳ қилинди. Сотиб олиш бу ерда истибдол **استبدال** маъносида бўлиб, мол-товарни алмаштиришдир. Яъни, рағбати баланд нарсани рағбати йўқга алмашиб олиш ва ана шу қизиққанини танлаб олишдир. Кейин мушаббаҳ биҳ исми истиора қилинди ва у **اشتراء** лафзидир. Тарғибига кўра ташбеҳ бўлгани унутилиб, мушаббаҳ ва мушаббаҳ биҳ бир нарса деб даъво қилингандан сўни, истиора қилинди. Мушаббаҳ бу ерда ортиқ кўриш ва танлаб олишдир. Мана энди, **اشتراء** масдаридан ортиқ кўриш, ихтиёр қилиш маъносидаги **اشتروا** мо зий феъли истиораи табъия қондасига кўра ишгиқоқ қилинди. Қарина бу ўринда ҳолиядир, чунки залолат ва ҳидоят ўртасида ҳақиқий савдо бўлмайди. Рибҳ ва тижорат **ربح ، تجارة** лафзлари билан ҳам қарина қилинди, чунки бу икки лафз ҳақиқий савдога мос келадиган нарсалардир.

Масъан

رَأَيْتُ اسْدَا يَخْطُبُ الْقَوْمَ لَهُ لَيْدُ *Ёллари узун, одамларга гапираётган шерни кўрдим.* -- латини ҳам, «шер» лафзи жасур кишидан истиора қилинган ва бу истиора аслий бўлиб, *يَخْطُبُ الْقَوْمَ* ҳаввага хитоб қилаётган, лафзи қаринишдир. *لَهُ لَيْدُ* Ёллари узун, лафзи истиорага қарини қилинган ва у «шер»га тегишли сифат бўлиб, бўйиндан кўкракларини тослаб тушиб турган ёлларидир.

Мунаббаҳа кучайтириш, қувватли каби маъноларни ҳам аниқлатади. Мунаббаҳ биҳини муносиб бўлиши дейилган гап уни ҳақиқий маъносидан анча узоқлаштиради. Ва тарафайн бир деган даъвои қувватлидир. Бу эса истиоранинг асосидир.

Мужаррада ёлғиз қолдирилган, ечиб олинган каби маънолардир. Истилоҳда

ما قرنت بما يلائم المستعار له اى المشبه

Мустаъор лаҳга, яъни мунаббаҳга мос ва тегишли сифатлар келиришидир.

رَأَيْتُ بَحْرًا عَلَى الْفَرْسِ يَعْطَى *От устида бераётган (айто этаётган) денгизни кўрдим.*

البحر Баҳр лафзи жувонмард, сахий кишидан истиора қилинган. *عَلَى الْفَرْسِ* от устида — лафзи қариниш мониъа, мунаббаҳга мос бўлалиган қарина *يَعْطَى* бераётган лафзидир.

Шоир Бахтарий:

يُودُونَ التَّحِيَةَ مِنْ بَعِيدٍ إِلَى قَمَرٍ مِنَ الْإِيوَانِ بَادٍ

Айвондан кўриниб турувчи ойга, инсонлар узоқлардан туриб, саломларини адо этурлар.

Маълум бўляптики, ой гўзал кишидан истиора қилинди.

يُودُونَ التَّحِيَةَ مِنْ بَعِيدٍ *Узоқдан туриб саломлашардилар, жумласи қарина бўлса.* *بَادٍ مِنَ الْإِيوَانِ* айвондан кўринувчи, жумласи тажриддир. Чунки бу инсонга хос жиҳат, у эса мунаббаҳдир.

Мужаррада дейилмоғига у бирликни даъвосидан узоқлиги, уни заифлаштириши сабабдир Чунки, мушаббаҳга хос ва мос нарсаларни келтириш, мушаббаҳнинг ҳақиқий маъносини англашга яқинлаштиради. Тарафайннинг бир бўлиш даъвосини кеткизади.

Гоҳо тажрид ва тарших бирга келиши мумкин, яъни жумлада мушаббаҳнинг ҳам, мушаббаҳ биҳнинг ҳам баъзи белгилари кетади. Шоир Заҳир ибн Абу Салмо байти:

لدى اسد شاكى السلاح مقذف له لبد اظفاره لم تقلم

Комил қуролланган эгарланган шер олдида бўлдим, унинг узун ёллари кўкрагига осилиб ётибди, тирноқлари ҳам кесилмаган.

Мукаммал қуролланган **شاكى السلاح** калималари аниқ ва комил тажриддир, чунки бу жасур, шижоъатли инсонга хос сифатларга киради. Бу инсон мушаббаҳдир. Унинг ёллари бор **له لبد** лафзлари эса тарших, чунки бу «шер»га хос сифат, «шер» эса мушаббаҳ биҳдир.

Аммо миқзаф **المقذف** лафзи билан эгарланган маъно ирода этилса, унинг гавдасидан киноя бўлади. Шунда ҳар икковига мойил ва ўзаро мос келгани учун тажрид ҳам, тарших ҳам бўлмайди. Аммо, бу билан ўзини жангга эгарлаган киши ирода қилинса ҳам шундай бўлади. Агар жанг қуроли билан кирган бўлса, унда бу сўз тажрид бўлади. Жанг қуролига ишора бўлиши бу шижоъатли кишининг ҳислатидир, зеро у қуролланади.

Аммо **اظفاره لم تقلم** тирноқлари олинмаган, жумласи тажрид ҳам, тарших ҳам эмас. Чунки у заифликни кеткизадиган киноядир. Бу истиора туфайли тарафайн ўртасида муштарак маъно бўлишга қодирдир. **لدى اسد** Шерни олдида деган лафз тақдирла

انا لدى اسد Мен шерни олдидаман, деган маънода. Агар қаринга ҳолия бўлса, мушаббаҳга мос келгани учун тажрид деб эътибор қилинади.

Шуни аниқ билиш лозимки, тарших ва тажрид қилиш учун истиорани мукаммал адо этиш, қариналарни яхшилаб билиб олиш билан келтириш мумкин бўлади. Лекин комил бўлмаса, тарших ва тажридни келтириш жониз бўлмайди.

رأيت قمرا يضحك *Кулаётган ойни кўрдим.* Бу ҳақиқий истиора, лекин унда на тажрид ва на таршиҳ бор. Чунки, тарафайнга мос келадиган, мойил бўладиган нарса йўқ. **يضحك** «куляпти» лафзи истиорани қаринаи мониторасидир. Аммо уни қаринаи ҳолия деб эътибор қилинса, у тажрид бўлиб қолади. Кулиш кишига хос ва у мушаббаҳдир.

Мутлақа озол қилинган, бўшатишган маъноларида бўлиб, истилоҳда

المطلقة هي ما لم تقترب بشيء من ملائمت احد الطرفين

Тарафайннинг ҳеч бирига ҳам мойил қарина келтирилмаган истиорадир.

عطشى الى لقائك شديد *Сенга учрашишга, етишишга чанқоғим қаттиқдир,* деганда учрашувга шавқ жуда кучлилигида чанқовга ўхшатилади. Кейин чанқов лафзи шавқдан истиора қилинди. Қаринаси **الى لقائك** *сенга етишиш* лафзидир.

Мисол: **غرس الجميل فلم يثمر** *Гўзални эккан эдим, ҳосил бермади.* Бунда ҳам гўзал ишни қилиш кўчат экишга барча фойдаларида ташбеҳ қилинди, кейин жамилдан экиш лафзи истиора қилинди. Кейин унинг маъносида **غرس** феъли иштиқоқ қилиниб, истиораи таъбия бўлди. Иккала мисолдаги истиора мутлақадир. Чунки тарафайнга мос жиҳати йўқдир.

Истиораи мурашшаҳада мушаббаҳ бихга мос зикр келиши истиорани кучайтиради. Бу истиоранинг ташбеҳни буткул унутиш ва тарафайнни бир жинс деб даъво қилишга суянган асосини қўллаб қувватлайди. Хаттоки, бу ерда истиора ҳам йўқ дейишга боради. Барча қаламкашлар буни чуқур эътибор билан инкор этишга ҳаракат қилсалар, эшитувчи эса ҳақиқатан ҳам бу иш шундай экан деб, ўйлаб қўяётганини сездиради. Шоир Абу Таммом:

و يصعد حتى يظن الجهول بان له حاجة في السماء

Юқори кўтариляпти, токи баъзи билмаганлар унинг осмонда ҳожати бор экан, деб гумон қилади.

Бу мисола **الصعود** ҳиссан юқорига кўтарилиш, олинги диний маъноларини ифодалаган лафз истиора қилинган. Кейин ҳақиқатга ҳам ҳақиқий, ҳиссий кўтарилиш деб олинди. Буни қувватлайдигани мана бу сузларни келтирди:

يظن الجهول بان له حاجة في السماء

Жоҳиллар уни осмонда ҳажати бор экан деб, ўйлаб қоладилар.

Истиорани мақсадларини ифодалиб беришга кўра мурчиноҳда биринчи ўринга, мужаррада эса ўртага ва кейинда мутлақани келтириш жондир. Чунки, мутлақда тарафайнга мос бўлган бирон нарса йўқ. Бу эса, ташбеҳни буткул унутгани ҳамда тарафайини битта жинс деб даъво қилишни янгида қувватлайди. Яъни мунаббаҳни ҳам, мунаббаҳ биҳни қувватлайдиган, унга мос келадиган сифат зикр қилинмайди. Бу хусусият мутлақани ўрта мартабага муносиб эканини билдиради. Мана энди, мужаррада энг наст даражада экани маълум бўлди. Чунки у истиора талаб қиладиган — ташбеҳ бўлганини буткул унутини, тарафайини бир деб даъво қилиш жиҳатларини бажармади.

Истиораи тасриҳиянинг қаринаси

Маълумки, қарина мутакаллим истиора қилинган лафз билан унинг бошқа маъносини прода этганини билдирадиган, бошқа маънода эканига далолат қиладиган амрдир. У икки хил: лафзий ва ғайри лафзий бўлади.

Лафзий қарина каломда келтирилган лафз — у машаббаҳга мойил бўлиб аслий маънони тушунишдан қайтаради. *Мен билан денгиз гаплашди.* «Баҳр» лафзи олим ёки саҳий кишига қўйилган мустаъордир. Бу аслий истиорадир. Унинг қаринаси **كلمني** менга гапирди лафзидир. Чунки, ҳақиқий денгиз гаплашмайди. Бу аслийга мисол.

Таъбийга мисол: **قتل عليّ خصمه بحاد لسانه** Али тилининг тиғи билан душманини ўлдирди. Аламни барча гури билан қаттиқ азият бериш ўлдирish лафзи билан истиора қилинди. Кейин **القتل** қатл лафзидан қаттиқ ижо бериш маъносига **قتل** ўлдирди феълни иш-

тиқоқ қилинди. Яъни, **آدى اداوا سديد** қаттиқ изо берилди аниқ-
еткади маъносиди бўлди. Қуриб турганинигидек, истиқоран таъ-
бияга кўра келтирилди. Ушбу мисолга қарши **بحاد لسانه** тили-
нинг уткирлиги билан лафзлардир. Чунки, тил ушшадиган
асбоб бўлганили. қаттиқлиги жиҳози эмас, нақли қариниши му-
шаббах биҳиш мотиқлиги биланиги турибди.

Байри лафзи қарини лафзи **فان** шикори тир бўлиб, қасом маъ-
носини қасом маънода жамини бўлиради ва ҳақиқий маънони
англидан қиларади. Ҳошанинг даъюлати ёки маънони истиҳолани-
ги, яъни амон маҳол оқнаи бўлиши мумкин.

Қаринаси ҳошия бўлган истиқорига мисол: **اوى قمر** *Ойи кўра-
ман*, — деганда эшитувчи кўз олдида гўзал юсин киши келади.
«Ой» лафзи гўзал кишидан истиқордир. Бу истиқоран аслия ва унинг
қаринаси ҳошанинг даъюлатидир.

Қаринаси истиқоли бўлганга мисол:

اَنَا لَمَّا طَغَى الْمَاءُ حَمَلْنَاكُمْ فِي الْجَارِيَةِ

*Дарвоқеъ, Биз сув туғёнга кетган вақтда сизларни (Нух пай-
гамбар а.с. ясаган) кемада кўтардик. Ал-Ҳоққа, II.*

Кўп сув, ўз ҳадидан ошган, четараларидан тошган жуда кўп
сув туғёнга ўхшатилади. Кейин кўп бўлиш туғёнга истиқора қилинди.

Кейин эса, истиқоран таъбияга кўра **طغى** «туғён қилди» феъли,
«қунайди токи, ҳадидан ошди» маъносиди иштиқоқ қилинди. Қари-
на амри маҳолдир, чунки туғён инсонга ҳас сифат, уни сувдан
содир бўлиши мумкин эмасдир.

Қарина воҳид (бир лафз, бир маънодан иборат) еки мутаад-
дид (бир печа маъно ва лафзлардан иборат) бўлиши мумкин. Во-
ҳидга мисол:

رايت بين الناس اعداء *Одамлар орасида шерни кўрдим*, — деганда,

اعداء лафзи жасур кишидан истиқорандир. Қарина эса

بين الناس одамлар орасида деган битта ишдир. Чунки, ҳақиқий
«шер»ни одамлар орасида кўрини учрамайди. Зеро, улафат бўлган-
ган, озор бермайдиган ҳайвон эмасдир.

تطقت الحال بكذا *Вазият шуни деди.* деганда ҳам қарина бит-
та бўлди ва бу истиораи таъбиядир. Шунингдек бу маъно истиҳо-
ла, яъни ҳолни сўзлатиш амри маҳолдир.

قد يكون القرينة معاني منثمة *Қарина маънони мултасима, яъни*
бир бирига боғланган бўлиши мумкин. Бунда сўзларнинг мажмуъа-
си қарина ҳисобланади. Лафзларнинг ҳар бири қарина бўлолмайдиган.
Шоир Бахтарий шеъри:

وصاعقة من نصله تنكلى لها *علي* أرؤس الأقران خمس سحاب

*Қиличи тияйдан чиққан кучли чақмоқ ила бешта улғу булут душман-
лар бошига ағдарилди. (Яъни, ўзи шунчалик мард ва пахлавон бўлса
ҳам, қўлидаги аскар ва аслаҳалари билан қудратга эга бўлса ҳам,
душманларини мурувват қўллари билан сийлаб юборди, — демокчи.)*

Шоир мақталмишнинг бармоқ учларини булутларга умуман
саховатда ўхшатди. Кейин қўл учига булут лафзини истиора қилди.
Бу истиорага бир неча нарсалар мажмуъасини қарина қилди: бу
ерда кучли чақмоқ борлигини ва у қиличининг ўтқир тияйдан
тушаётганини келтирди. Бу кучли чақмоқ душманларининг боши-
га қопқоқ қилинганини билдирди. Сўнг бармоқлар сонини зикр
этди ва у *الخمس* бештадир. Мана шуларнинг барчаси биргаликда
келганда қарина бўлади.

Булутлардан қўл бармоқларини ирода қилган. Чунки, қўл би-
лан булут ўртасида наф бериш ва ато этиш сифатлари бор.

Баъзилар *وصاعقة من نصله* қиличи тияйдан чиққан кучли чақ-
моқ, — жумласи истиорага далолат этишда кифоя, шунингдек,

علي أرؤس الأقران *душманларнинг бошларига.* жумласи ҳам, бени
сони билан чегаралаш ҳам истиорага далолат қилишда кифоя дей-
дилар. Агар шундай деб қаралса, қарина мутааддил бўлади. Аммо
маънолар бир-бирига боғланган бўлмайди. Шунинг учун бундай
йўл тутганларга:

— Истиорада бу ишлар фақат жам бўлиб келса, маънога дало-
лат қилади, биргаликда келиши шарт қилинган. Агар бирга қўйиб
маъно айтилмаса истиора камол топмайди, — деб жавоб берилади.

Марзуға доир истилоҳий терминлар: мурашшаға, мужаррафа.

мутақал, тасриҳий истиоранинг қаринаси: лафзий ва ғайри лафзий қарина. амри воҳид, амри мутааддид.

Алабиётлар:

1. Хомид Авний, «Ал-Минҳажул возих», Дорул-китаб, Миср, 1953 й.
2. Абдул-Ҳаким Ҳасан Навнаъ, «Ал-Манор», Ал-Азҳар, Миср, 1991 й.
3. Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний, «Ат-Талхисул-баён», Қозон, 1304 ҳ.й.
4. А. Мансур, «Қуръони карим маъноларининг таржимаси», 2001 й.
5. Али ал-Ҳабармий, Мустафо Амин, «Ал-Балоғатул-возиха», Оромбоғ-Қорачи қадимий кутубхона, 1989 й.

19-мавзу: ИСТИОРАИ МАКНИЯ

1. Таърифи;
2. Истиораи макниянинг қаринаси;
3. Ҳусни истиоранинг шартлари ҳақида.

Илми баён уламолари наздида истиораи макния деб, мушаббаҳ биҳни мушаббаҳга мустаъор қилинган лафзидир. Унинг маддули хазф қилинган бўлиб, унга лозим этилган лафз келтирилади. Абу Зуайб Ҳазлий шеъри:

وَإِذَا الْمَنِيَةُ انْشَبَتْ أَظْفَارَهَا الْفَيْتُ كُلُّ تَيْمَةٍ لَا تَنْفَعُ

Агар ажсал чангалини очиб келса, қай бир туморни олсанг ҳам, фойда бермайди.

Яъни, тақдири қазо битса, кетар вақт яқинлашса, қанча ҳийла қилсангда қутилолмайсан, ўлимдан қочиб кетолмайсан ва жуда ожиз қоласан. Аллоҳнинг қадаридан қочар жой йўқ. Халқ сўзларидан: «ўладиган бўлсанг, ўлим олдидан минг марта нафас олсанг ҳам, барибир ўласан!»

Истиора қилиш тартиби: ўлим «шер»га хоинларча ташланиб жонлини бежон қилишда, зулм билан даҳшатли муомилада ташбеҳ қилинди. Кейин **الأسد** «шер» лафзи «ўлим»га истиора қилинди. Ташбеҳ бўлгани буткул унутилди, мушаббаҳ мушаббаҳ биҳнинг бир бўлаги деб даъво қилинди. Кейин уни тақдиран хазф этилиб, хазфлигига далолат қилувчи сифатида шерга лозим аъзолардан бири келтирилди ва у **الأظفار** «азфор» чангал (тирноқлар) лафзидир.

Мени шундай қилиб истиора биланги истиорани макния келтирди.

Иккинчи мисол:

وَاللَّهِ الْعَظِيمُ لَا حَظَّكَ عِيُونُنَا
نَمْ قَالِمُتَخَوَاتُ كَلِمَتِ اَمَان

Агар иноятнинг кўзлари сени мулоҳаза қилса, яъни назоратига оلسа, сендан кўт-кўлок бўлса, кўзларингни юмиб ўхлайвер! Чунки, қўрқув ва ҳавотирларнинг ҳаммасидан) омондирсан!

Яъни, агар Аллоҳ сени ўз инояти билан ҳимояга оلسа, у назоратига олиб, сақласа ҳар қандай эмонлик, ноҳушиликлардан беминнат омон бўласан, саломатликни олсан бўласан. Ўзининг пугилик ва саломатлик қасрида ҳис этасан.

Бу мисолда истиора тартиби: Аллоҳнинг инояти кўн наф, фойда етказишда инсонга ташбех қилинди. Кейин шунинг ўзида иноят лафзига инсонни истиора қилинди. Ташбех бўлгани унутилди, тарафайн бир деб даъво қилинди. Кейин фаразан уни хазф қилиб,

уни ўрнига унинг лозим бир аъзоси, яъни **العيون** кўзлари келтирилди. Бу ҳам истиорани макния бўлди

Учинчи мисол:

وَلْتَن نَطَقَتْ بِشُكْرِ بَرَكٍ مُفَصَّحَا
فَلِسَانٌ حَالِي بِالشَّكَايَةِ انطَقَ

ҳақиқатда ҳам, ҳарчанд сенинг яхшилигинг шукрини фасоҳат билан гапирсам ҳам, аҳволимнинг тили шикоятга нотикроқ чиқди.

Истиора **فلسان حالي** менинг ҳолим лафзида бўлиб, ҳол нотик, инсонга мақсадга далолат қилинда ўхшатилди. Кейин ташбех бўлгани унутилиб, тарафайини бир деб даъво қилиб, инсон лафзили ҳолга истиора қилинди. Кейин эса, инсонни тақдиран хазф этиб, унга далолат қилувчи тилни зикри келтирилди ва бу истиорани макнияга кўра содир бўлди.

Мазкур уч мисолда мушаббах биҳ лафзи хазф қилинди ва унинг мадлули лозимий бир жиҳатини келтириш билан киноя қилинди. Кейин мана шу лозим нарса мушаббахга суяштириб қувватлантирилди. Ҳар бир шундай усул билан қилинган истиоралар истеъори макния бўлади.

Биринчи мисолда мушаббах биҳ лафзи булган **الاسد** хазф қилинди. Мушаббах эса қолди, у **المثبة** лафзидир. Кейин «иер»-

нинг мулозим тўғрисидаги номи келтирилди ҳамда уни мушаббаҳга боғланди келтирилди **اظقارد** унинг чангали (гириққари) дейилди, элмр билан низоф қилиб юборилди.

Иккинчи мисолда ҳам мушаббаҳ биҳ хазф қилинди ва у **الإنسان** лафзидир. **العنايد** бўлган мушаббаҳни лафз қолди. Кейин инсоннинг мулозими тўғрисидаги бири кузлари мушаббаҳ биҳдан киноя қилинди. Энди юқоридегидек, **عيونها** унинг кузлари, деб инояга боғлаб келтирилди.

Учинчи мисолда, мушаббаҳ биҳ хазф қилинди ва у **الإنسان** лафзидир. Мушаббаҳ қолди ва у **حال** лафзидир. Мушаббаҳ биҳнинг мулозими билан киноя қилинди ва у **لسان** лафзидир. Кейин бу мулозими мушаббаҳга исбот қилиниб, **لسان حالى** ҳолимнинг тили дейилди.

Буларда таъбеҳни исботлаш учун ўша мулозими исбот қилиш керак бўлади. Яъни, у мушаббаҳ биҳга тегишли эканини билдириш шарт бўлади. Бу ерда мушаббаҳ биҳ бошқа маънода эканига мушаббаҳ далолат қилилади.

Макния дейилишига сабаб бу истиораларда мушаббаҳ биҳга унинг мулозими орқали киноя билан далолат қилинади.

Важҳуш шабаҳда мушаббаҳ биҳ комил бўлиши шартдир. Масалан, биринчи мисолда важҳ **الإغتيال** ёмон хиёнат қилиш, даҳшат билан муомила қилишдир. «Шер»нинг мана шу даҳшати ноб (қозик) тишлари билан бўлиб, уни чангали комилроқ ифодалайди.

Иккинчисида **لسان حالى انطق** ҳолимнинг тили нотикроқ деганда ҳам, важҳ **ادل** «далолат қилувчироқ» бўлиб, у фақат тил билан таҳқиқ топади.

Макниянинг қаринаси:

هي اثبات لازم المشبه به المحذوف للمشبه المذكور

Зикр этилган мушаббаҳ маҳсуф мушаббаҳ биҳнини дозимий-сини исботлашдир.

Юқоридаги мисолларда ўтган، **الظفار** ни **المنية** га исботлаш каби Чунки، «мания» ўлим чангаллари бор «шер»га каби ҳайвонга ухшашлигига исботи қаринадир. Зеро، **الاسد** лафзининг ўзи «мания»га истиорадир.

Бундай усул билан исботлаш баён олимлари наздида истиораи тахйилийя дейилади. Аммо унинг истиора эканлиги – зикри келган дозимий (мушаббаҳ биҳни бирон дозим қисми) ёлғиз мушаббаҳ биҳга хос бўлган амр бўлиб، ундан мушаббаҳга истиора олинган ва мушаббаҳ билан бирга истеъмол қилинганидадир.

Аммо истиораи тахйилийя экани – мазкур дозимий нақд қилиниб мушаббаҳ билан ишлатилганда эшитувчи мушаббаҳни мушаббаҳ биҳнинг бир қисми деб ҳаёл қилади. Бундан икки амр маълум бўлади:

1. Макниянини қаринаси доимо истиораи тахйилийя бўлади. Бу иккови (яъни، истиораи тахйилийя билан макниянинг қаринаси) бир-бирини дозим тутиб، бир-бирисиз мавжуд бўлмайдилар. Чунки، макния бўлиш учун унга албатта қарина керак бўлади، унинг қаринаси эса фақат ҳаёлий бўлади.

2. Тахйилийя истиоранинг икки тарафи ўз ҳақиқий маъноларида ишлатиладилар. **الظفار و المنية** «азфор» ҳам، «мания» ҳам чангал، ўлим каби ўз маъноларида истеъмол қилинди. Энди бу ўринда мажоз ўлимга чангални исботлашда келиб чиқади. Чунки، ўлимнинг тирноғи йўқ. Демак бу бирон нарсани ўзи мустаҳиқ бўлмаган бошқа нарсага исботлаш экан.

Кўкаришни баҳорга исботлаш мисоли каби.

انبت الربيع الزرع Баҳор экинни кўкартирди. Чунки، ҳар иккала лафз ўз ҳақиқий маъносида баҳор، кўкартирди маъноларида ишлатилган. Мажоз эса، кўкартиришни баҳорга исботлашда зоҳир бўлади.

Истиораи макния ҳам худди тасриҳия каби аслия ва таъбияга، шунингдек، мурашшаҳа، мужаррада ва мутлақага тақсимланади.

Аслия истиораи макния ҳам исми жинсларда бўлади. Юқорида мисоли келган **واذا العناية لاحظتك عيونها** Аллоҳнинг инояти сени

назарига олса, — дестанда муставор лафз махзиф у **الإنسان** лафзи бўлиб, неми жинсдир.

Таъбия истиораи макнияга мисол неми мунпақнинг истиораси каби бўлади:

يعجنى إراقة الضارب دم الباغي *Богий қонини калтакловчининг оқизиши мени ажаблантирди.*

Бунда ёмон азият бериб қаттиқ уриш «ўлириш»га ташбеҳ қилинди. Кейин «қатл» лафзи қаттиқ урушга истиора қилинди ва ундан «қотил» **ضارب ضربا شديدا** лафзи қаттиқ урувчи маъносида иштиқоқ этилди. Кейин уни хазф қилиб, унинг лозимийси **الإراقة** қон оқизиш билан далолат қилинди. Қарина қон оқишини урувчига исботлашда туради.

Мурашшаҳаи макния:

شم على رائحة العلم *Илм ҳидида ҳидлади (Али илм ҳидини ҳидлади).* Илм мушқу амбарга ташбеҳ қилинди. Кейин мушаббаҳ биҳ хазф қилиниб, унга лозимийси билан далолат қилинди ва у **شم**

лафзидир. Қарина илмнинг ҳидини исботлашдир. **شم** сўзи истиорага таршиҳдир, чунки у мушққа хос ва мойил нарсадир.

Мужаррадаи макния:

نقريهم لهذميات نقدًا بما ما كان خاط عليهم كل زراد

Уларни ўтқир учи учлик ва кескир ҳанжарларни қўйиб меҳмон қиламиз, ҳар темир совут тикувчининг чизган хатини улар билан кесиб-кесиб ташлаймиз.

Ўтқир ҳанжарлар меҳмонлар олдига қўйиладиган таомларга таъбеҳ қилинди. Кейин мушаббаҳ биҳ хазф қилиниб, унинг лавози-мидан бири далолат этилди ва у **نقريهم** уларни меҳмон қиламиз лафзидир. **القرى** таомни келтириш, тақдим қилишдир. Бу мушаб-

баҳ биҳни лаво зимтиридан, унга мос сифат қилдириб. نقد кесиб
ташлаймиз лафзи тажрирдир. Чунки у мушббаҳи ҳос сифатдир.
Мутлақан макния:

نظمت الحال بكذا *Вазият шунинг ҳақиқати, мисоли каби. Инсон*
ҳолга истиора қилинди, сўнг у хазф қилиниб, нутқ билан унга
далолат қилинди. Қарина нутқни ҳолга исботлашда туради.

Хусни истиорани шартлари хақида

Балоғат олимлари наздида мажкур амрларни комил амалга оши-
ши ҳусни истиора учун алоҳида эътибор касб этади.

1. Аввало ташбеҳни чиройли қилиш талабларига риоя қилиш.
Чунки истиоранинг гузаллиги унинг устига кўрилаган. Шунинг учун
истиора чиройли ёки ҳунук бўлишда ташбеҳга тобеъдир. Ташбеҳни
чиройли олиш жиҳатларига қўйидагиларни назарга олиш мумкин:

а) Ташбеҳ ғаразларини комил бўлиши. Агар ташбеҳни ғарази
мукаммал бўлса, масалан **وجه اسود** қон-қора юзни кийикнинг
кўз қорачиғига гузаллигида ташбеҳ қилиш чиройли чиқади. Кейин
уни истиора қилиб **رأيت مقلة ظبي** кийик кўз қорачиғини кўрдим,
дейилса шундай чиройли истиора ҳосил бўлади. Бу билан чиройли
қора юзи ирода этилади.

Агар шу қора чиройли юзни ифодалаш учун уни аввал қора
қўмирга ўхшатиб кейин **رأيت قطعة فحم** бир парча қора қўмирни
кўрдим, деса ва бу билан чиройли уша қора юзни ирода қилса,
истиора ҳам чиройли чиқмайди. Чунки, ташбеҳни ўзи чиройли
эмас. Аммо агар бу билан чиройлилиги эмас, ўта ҳунуклиги ирода
қилинган бўлса, бу бошқа масала.

б) Важҳуш шабаҳнинг мутобаъал – кенг тарқалган, ҳаммага
маълум эмас, балки латиф, ғариб ва кўп мулоҳазали бўлиши мақ-
садга мувофиқдир. Қуёшнинг шолнинг қўлидаги ойнага ўхшатиш
каби. Бунда важҳ деб думалоқлик, ишроқ – нур бериш, мавж-
ланиш, тез ва тўхтамай ҳаракатланиши ва бошқа шу кабилар эъти-
борга олинади. Энди шол қўлидаги ойнани қуёшга истиора қилиб,

رأيت مرآة في كف اشل шол қўлида ойнани кўрдим, деб қуёшнинг ирода

қилинса чиройли истиора ҳосил қилинади. Унинг қаринаси ҳолия-дир. Дикқатга сазовор томони шундаки, агар важҳ мубтазал бўлса, жасур кишига қўйилган «шер» каббн унда гўзаллик, яъни ҳусни истиора йўқотилади.

Ҳусни ташбеҳ қилишда фақат биёр нарса истисно қилинади ва унга кўра истиора чиройли бўлади. Аммо ташбеҳ чиройли бўлмайди. Бу тарафайн ўртасида ташбеҳни бир нарса деб қучайтиради. қувватлайди. Токи, сен ҳам улар биёр нарса, жинси бир экан деб уйлтайсан. Илм билан нур ёки шубҳа ва зулмат ўртасидаги ташбеҳларни келтириш мумкин. Бу кабиларда истиора ҳам чиройли чиқади. Шунда *قلى نورى علم* қалбимда нур, яъни илм, ёки *قلى ظلمة* ай шбеҳа Қўнғлимда қоронғу, зулматдир, яъни шубҳадир, - деганда истёбор ҳам гўзал бўлди.

Аммо *قلى علم كالنور* қалбимдаги илм нур кабидир, ёки *قلى شبة كالظلمة* қалбимдаги шубҳа зулмат кабидир. — дейилса ҳусни истиора бўлмайди. Бу кабн ташбеҳ ҳунук ташбеҳ ҳисобланади.

2. Истиора сўнидан таршихни кўпроқ келтириш (яъни мушаббаҳ биҳга мойил сифатларни зи.кр қилиш). Балоғат уламулари ҳам таршихни қолган икки — мужаррада ва мутлақага қараганда кўпроқ қабул қилганлар. Чунки таршихда истиоранинг мақсадлари кенгроқ ва аниқроқ зоҳир бўлади.

3. Важҳун шабаҳ жуда махфий бўлмаслиги керак. Бундай бўлса, истиора ҳам чиройли бўлолмайди. Масалан, «шер» лафзи жасур кишига истиора қилинади. Уни оғзи сассиқ кишига нисбатан ишлатиш важҳнинг махфийлиги сабабидир. Чунки, зеҳнда *الاسد* деганда дарҳол баҳсланадиган нарса жасур, журъатли кишидир, оғзи бадбўй киши эмас.

Энди оғзи бадбўйни ирода қилиб, «шер» дейдиган бўлса, бу истиора кўр, қар ва илмоқлик, икки маъноли гап бўлиб қолади.

4. Лафзан бўлсада истиорада ташбеҳнинг ҳиди борлиги билинмаслиги керак. Бу каломда мушаббаҳга далолат қиладиган лафзни келтирмаслик билан бўлади. Масалан: *جويدمدا زارنى قمر فى مزل* ой олдимга келди. Бу мисолда мушаббаҳга далолат қиладиган лафз йўқ. Аммо мана бу шоирнинг байтларидаги истиора гўзал чиқмаган:

لا تعجبوا من بلى غلالته قد زر اززاره على القمر

Унинг қўйлагининг эскириб, илма-тешик бўлиб кетганидан ажабланманг. Ахир у ой юзига тугмаларини қадаб қўйди.

Чунки, мушаббаҳга далолат қилувчи лафзни келтиргани учун, ташбеҳнинг ҳиди анқиб кетди ва истиора ҳам гўзал бўлмади. Ушша лафз **غلالته** лафзининг ёки **زر اززاره** лафзининг замири бўлиб, истиора асосланадиган нарсаларни бекор қилади. Истиоранинг мақсади ўтган гапларга қараганда, ташбеҳни кучайтириб уни муболаға даражасига етказиш, тарафайнни бир жинсдан деб даъво қилишидир. Бу эса, важҳ эътибори билан тарфайннинг тенг эканларини тақозо этади.

Зеҳнда ташбеҳ ҳидининг пайдо бўлиши эса, бу даъволарни кучини қирқиб, мушаббаҳдан мушаббаҳ бнҳ важҳ эътибори билан кучли ва комил деган фикрни уйғотади. Бундай бўлиши эса, истиоранинг мақсадларига зиддир.

Ҳусни истиораи таҳйилий ҳам ҳусни макнияга тобеъдир. Чунки, аслида ҳам у макнияга эргашади. Шунинг учун ҳам, ҳар бир чиройли ва ҳунук қилиш борасида юзланган нарсаларда эргашмоғи керак бўлади.

Мавзуга доир истилоҳий терминлар: макния, лозимий, макнияни қаринаси, истиораи таҳйилий, ҳусни истиора.

Адабиётлар:

1. Хомид Авний, «Ал-Минҳожул возиҳ», Дорул-китаб, Миср, 1953 й.
2. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънаъ, «Ал-Манор», Ал-Азҳар, Миср, 1991 й.
3. Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний, «Ат-Талхисул-баён», Қозон, 1304 ҳ.й.
4. А. Мансур, «Қуръони карим маъноларининг таржимаси», 2001 й.
5. Али ал-Хабармий, Мустафо Амин, «Ал-Балоғатул-возиҳа», Оромбоф-Қорачи қадимий кутубхона, 1989 й.

1. Таърифи;

2. Алоқотлари ва уни қисмлари.

Маълумки, мажози муфрадни икки қисм — истиора ва мажози мурсал бўлиб, улар алоқа эътибори билан бўлинган эди. Истиоранинг алоқаси мушобаҳа — ўзаро ўхшашлик бўлиб, уни ўргандик.

Таърифи:

هو الكلمة المستعملة في غير المعنى الذى وضعت له لعلاقة غير المشابهة مع

قرينة مانعة من ارادة المعنى الموضوع له

Мажози Мурсал — лафзнинг ҳақиқий ва мажозий маънолари ўртасида алоқа мушобаҳа бўлмаган, кўчма маънода истеъмол қилинган калимадир. Бунда уни ҳақиқий маъносини тушунишдан қайтарувчи қарина ҳам бирга келтирилади.

Мисол учун: رعت الابل الغيث ёмғир туяни ўтлатди, ўт билан тўйғазди. الغيث «ғайс» лафзида мажози мурсал бор. Чунки, ўз аслий маъносидан кўчирилди ва у الماء сув бўлиб, الرعى «ўтламоқ»

қаринаси билан набот ўсимлик маъносига кўчирилди. Чунки, ёмғир ўтлатмайди. Шунингдек ўт билан сув ўртасида алоқа мушобаҳа эмас. Улар ўртасидаги алоқа — уларнинг бири бошқасига сабаблигидир. Шубҳасиз, ёмғир ўсимликларнинг ўсишига сабабдир. Мана шу сабабийлик алоқа бўлишга кофий ва вофийдир. Шундан ёмғирни набот маъносида ишлатиш дуруст бўлади.

Мажози мурсал дейилишига сабаб:

— биргина алоқа билан ҳеч бир тақйидсиз калимани шундайлигича ташлаб қўйди, мутлақ ишлатди. Унинг алоқалари бир нечта бўлиб, алоқалар ҳам ўз ўрнида келтирилади.

— истиорада мўтабар ҳисобланган тарафайн битталигини даъвосини ҳам шундайлигича келтирди. Чунки, битталигини даъво қилишга боис мушобаҳа мажози мурсалда йўқдир.

Баъзилар мажози мурсални ҳам истиора дейиш мумкин, — деганлар. Чунки, унда ҳам истиора каби бир лафзни маъноси ташлаб бошқа маънога уни қўйиш ва янги қўйилган лафз билан ўша лафз-

нинг бошқага қўйилган маъносини тушуниш билдирилган эди. Мажози мурсалда ҳам худди шундай, масалан «гайс» калимаси сув маъносига кейин набот маъносига қўтирилгандир. Бу фикрга жавобан — буларни мана шундай икки хил номланиши истилоҳий мақсадлар учун бўлиб, улардаги алоқа бошқа-бошқа эканини аниқлаштирди.

Мажози мурсалнинг алоқалари:

Мажози мурсалнинг алоқалари жуда кўп бўлиб, биз улардан машҳур ва истеъмоли кўпроқларини келтирамиз. Алоқа — мажоз лафзнинг ҳақиқий ва мажозий (қўчма) маънолари ўртасидаги боғлиқликдир.

1. Сабабия — аслий маъно мазкур лафз учун қасд қилинган маънода сабаб бўлиши. رعت الابل الغيث Ёмғир туяни ўтлатди, ўт билан тўйғазди. Демак, «гайс» лафзида сабабийлик алоқасига биноан мажози мурсал бор. Чунки, ёмғирнинг аслий маъноси қасд қилинган маънога сабаб бор. У رعت النبات «набот»дир. Қарина رعت «ўтлатди» лафзидир. Чунки ёмғир ўтламайди.

2. Мусаббабия — аслий маънонинг мажоз лафз учун қасд қилинган маънода мусаббабия бўлиши. امطرت السماء نباتا Осмон кўкати ёғдирди. Аслида осмон сув ёғдирди. Қарина امطرت «ёғдирди» лафзи, чунки ўсимлик, кўкат ёғмайди.

3. Лозимия — аслий маънонинг мажоз лафз учун қасд қилинган маънода лозим этилиши (яъни маъноларининг ечилмаслиги назарда тутилмоқда), бунда мазкур лафзнинг лозим туришидан қасд қилинган маънони борлиги тушунилади. بزغ الضوء Зиё кўтарилди. Кўёш чиқди, демоқчи. Шунда «зиё» بزغ лафзи лозимийлик алоқаси борлиги учун мажози мурсал бўлади. Чунки, зиёнинг аслий маъноси кўёшни ўзига лозим тутати. Демак, кўёшни бўлишлиги зиёни бўлишини лозим тутати. بزغ калимаси қарина бўлиб, у кўёшнинг ҳаракатини, жилоланишини сифатлайди, зиёни эмас.

4. Малзумия — қасд қилинган маънога зикр этилган лафз лозим қилиб қўйилган -малзум бўлиши, яъни унинг мавжудлиги

қасд қилинган маънони борлигини доғим қилади.
ملأت الشمس المكان қуёш макон (олам)га тўлди. Бу мисолда қуёш
лафзи маълумийлик алоқа борлиги учун мажози мурсалдир. Чун-
ки, қуёшнинг аслий маъноси қасд қилинган маъно бўлмиш الشمس

зиёга маълумдир. Қарина ملأت тўлди лафзи бўлиб, қуёшни эмас,
нурни, зиёни тўлди дейдилар. Бу эса ҳаммага маълум.

5. Куллия — зикр қилинган лафзга қўйилган маъно қасд қилин-
ган маънони ҳам ўз ичига куллан олган бўлиши, яъни ҳамма маъ-
нони ифодалаш.

يَجْعَلُونَ أَصَابِعَهُمْ فِي آذَانِهِمْ

... бармоқларини кулоқларига тиқиб олурлар ... Бақара, 19.

Яъни, мурод бармоқ учларидир. اناامل الاصابع бармоқ лафзида
куллияликка биноан алоқа борлиги учун мажози мурсал бор. Чун-
ки, бармоқ деганда бармоқнинг ҳаммаси тушунилади, унинг учи-
ни эмас. Зеро, бармоқ учи ҳам бармоқнинг ичидадир. Қарина кулоқ-
нинг ичига бармоқнинг ҳаммаси қўйишликни, одатда, амри ма-
ҳоллигидир.

6. Жузъия — зикр қилинган лафз аслий маънонинг жузъи,
қисми бўлиши.

فَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مُّؤْمِنَةٍ

... бир мўъмин қулни озод қилиш... Нисо, 92.

Рақаб — бўйин, яъни мўъмин қул озод қилиш димоқчи. Бу
лафзда жузъийликка кўра мажози мурсал борлиги билинди. Чун-
ки, у мўъмин қулнинг бир жузъи, аъзоси-бўйнидир. Қарина

التحرير бўлиб, у фақат бутун ва тўлиқ нарсага бўлиши мумкин,
бир бутун нарсанинг қисмларига ажратилмайди. Зеро, озод қилиш
ҳам қисланмайди.

بث الملك عيونہ Амир кўзларни (жосусларни ишларига тарқа-
тиб) юборди. Кўздан мурод жосус, яъни душман ҳаракатларини
қараб юрувчидир. Жузъияликка кўра عيون лафзи мажози мурсал-

дир. Чунки, жосусни кўзи, унинг бир жуъдидир. Қарина эса, кўларни ўзини юборишининг амри маҳол эканидир.

Мана шу аюқа ҳосил бўлиши учун учта ишдан бирининг бўлиши шарт қилинади: а) «Жуз»нинг йўқ бўлиб кетиши «қулл»нинг ҳам йўқ бўлиб кетишини шарт тутиши. Қулни озод этишда «бўйин» лафзини келтириши каби. Шубҳа йўқки, бўйинни йўқолиши қулнинг ҳам бутунлай йўқолишини билдиради.

Қўл, оёқ ёки қулоқни инсонга нисбатан мажози мурсал қилиш жониз эмас. Чунки, бу аъзоларнинг йўқолиши инсонни бутунлай йўқолишини лозим тутмайди.

б) Зикр қилинган «жуз»нинг қасд этилган маънолардан бошқа ўзига махсус жиҳатларининг бўлиши. Иккинчи мисолдаги «қўзлар» каби. Бунда «қўз»дан мурод «рақиб» – кузатувчи бўлиб, яхшилаб билиб олувчи, жосуслик қилувчи маънолар ирода қилинади. Шубҳа йўқки, кўзнинг ўзига махсус бўлган маънолари ичида бу маънони топиш, исботлаш мумкин. Аммо «қулоқ» деб уни «рақиб»га мажози мурсал қилиш чиройли бўлмайди. Чунки, «қулоқ»да жосус деган маъно йўқ.

в) Мазкур жузни қолганларидан шарафлироқ, баландроқ, азийроқ бўлиши.

7. Ҳолия – зикр қилинган лафзга қўйилган аслий маъно қасд қилинган маънони ҳоли бўлиши.

وَأَمَّا الَّذِينَ أَبْطِئَتْ وَجُوهُهُمْ فَفِي رَحْمَةِ اللَّهِ

Юзлари оқарган зотлар эса Аллоҳнинг раҳмати (жаннати)-дадирлар... Оли Имрон, 107.

Яъни Аллоҳнинг жаннатидадирлар. فِي رَحْمَةِ اللَّهِ Аллоҳнинг раҳматида лафзи ҳолияликка кўра мажози мурсалдир. Чунки, Аллоҳни раҳмати жаннатда бўлган ҳолда неъматлари маъносида тушунилади. Қарина раҳматни ҳақиқий маъносида зарф қилишининг амри маҳоллигидир.

8. Маҳаллия -аслий маънони мажоз лафзига қасд қилинган жой бўлиши.

فَلْيَدْعُ نَادِيَهُ

Бас, у ўзининг жамоасини: (ёрдамга) чақираверсин! Алақ, 17.

Яъни, нидо қилувчиларнинг аҳли дейилмоқчи. النَادَى Уни ни-

дочилари лафзи маҳаллийликка кўра мажозий мурсал бўляпти. Чунки, **النّادى** пингасли маъноси мурод этилган маънога жой бўлади ва у **اهل** аҳл бўлган маъносидир. Қарина, нидочини ҳақиқий маънода чақиришини амри маҳоллигидир.

واسأل القرية *Биз бўлиб қайтган шаҳар (аҳли)дан ва бирга кетган қарвондан сўрагин. Юсуф, 82.*

Яъни, шаҳар аҳли демоқчи. Демак, **القرية** лафзи мажозий мурсал, алоқаси маҳаллийлик, чунки шаҳар ўзида яшовчиларни масканидир. Қаринаси шаҳардан сўрашнинг амри маҳоллигидир.

9. Олия — аслий маънонинг мазкур лафзга олот, асбоб ва қўйилган маънога васила-восита бўлиши.

وَاجْعَلْ لِي لِسَانَ صِدْقٍ فِي الْآخِرِينَ

Тилимни ростгўй қил, (то мендан) сўнг келгувчиларга (унинг зикрини ростгўйлиги ва саносини ҳушбўйлиги билан) ибрат ҳам тўғри йўл кўрсатувчи бўлсин.

Мазкур мисолдаги **لسان صدق** ростгўй тил лафзи мажозий мурсал бўлиб, алоқаси олотивидир. Чунки, тилнинг аслий маъноси асбоб-олотдир ва чиройли, гўзал зикр қилмоққа воситадир. Мана бу восита маъноси ирода этилган маънодир. Қаринаси ҳақиқий тилнинг маъносини беришнинг амри маҳоллигидир.

10. Бўлиб ўтганнинг эътибори — зикр этилган лафзга олдин ҳосил бўлган нарсани қасд қилинган маънода аслий маънонинг бўлиши. **وَاتُوا الْيَتَامَىٰ أَمْوَالَهُم** *Етимларнинг молларини бериңелар.*

Бунда балоғатга етган етимлар назарда тутиляпти. Аммо балоғатга етгач у етим эмас, болиғ бўлади. **اليَتَامَى** лафзи ўтган ишнинг эътибори билан мажозий мурсалдир. Чунки етимнинг ҳақиқий маъноси ўтиб кетди, энди у болиғдир. Қарина етимлардан мурод балоғатга етган эканида бўлиб, у молларини уларга топшириш ишидир. Яъни улар молларига ўз билганларича эълолик қилишлари, тасарруф этишларига йўл қўйишликдир. Бу эса фақат балоғатга етгандан кейин бўлади.

11. Бўладиганининг эътибори — лафзи бўладиган нарсасга ўйлаб, гумон билан ёки чин ишониб келтирили. Гумонлигига мисол:

ان اراى اعصر حمرا ... «Мен тушимда май тайёрлаётган эмишман» ... Юсуф, 36.

«Ҳамр» деб узумни айтмоқчи. Уни «эиш» ҳамрга таъвил қилинади. **الخمر** ҳамр лафзида мажози мурсал бор. Алоқаси бўладиган нарсанинг эътибори. Чунки, «ҳамр эзипман» деганда эиш лафзи ҳамрни келажакда ҳосил бўлишига далолат қиляпти. **عنب** узум қарина бўляпти. Ароқ ундан эзиб шираси чиқарилиб олинган нарса. Эзилган нарсани қайта эзилмайди.

فَبَشِّرْهُ بِغُلَامٍ حَلِيمٍ **Ҳалим, юмшоқ кўнгил бола ҳақида унга башорат қилдик.**

Яъни гўдакни хабарини бердик.

Иккинчисига мисол: اِنَّكَ مَيِّتٌ وَّ اِنَّهُمْ مَيِّتُونَ (Эй, Муҳаммад,) **албатта, Сиз ҳам ўлувчидирсиз, улар ҳам ўлувчидирлар. Зумар, 30.** Яъни, Сиз ҳам тез фурсатларда ўласиз ва улар ҳам ўладилар.

«Ўлик» лафзи билан келтирилиши бўладиган нарсанинг эътибори билан мажози мурсалдир. Қаринаси ўз хитоб қилаётган мақомидан тажаввуз этгани, яъни ҳали ўлмаганга «ўликсан» деб хитоб қилиши. Чунки ўлганларга хитоб қилинмайди.

12. Мужовара - маконида бирон нарса бошқасига қўшни, яқин бўлиши. **خلت الراوية من الماء** *Сувни ровия (сув қуювчи) тугатди, (сув ташувчи сувини тугатди).*

Бунда «ровия» қурбат маъносида мутлақ ишлатиляпти. Яъни идишдаги сув яқинлик ҳосил қилиш учун истеъмол қилинди. Ровиянинг асл маъноси чорпо бўлиб, унда сув ташилади. Демак, ровия лафзи мажози мурсал, алоқаси мужовара бўлиб, қаринаси эса **خلت** «тугади» лафзидир. Чунки, тугайдиган нарса идишдаги сувдир, ҳайвон эмас.

13. Бадалия — бирон нарсанинг бошқасидан бадал бўлиши. Қазони адога ишлатилиши каби.

فَإِذَا قُضِيَتِ الصَّلَاةُ فَانْتَشِرُوا فِي الْأَرْضِ *бас, қачонки, намоз адо*

этилгач, ерда тарқалиб Аллоҳнинг фазли (ризқи)дан истайверингизлар!.. Жумъа, 10.

Яъни намозни ўз вақтида адо этсангиз, уни қазо эмас, адо дейилади. Бадаллик алоқаси борлиги учун қазо лафзи мажозий мурсалдир. Қарина хитоб қилинаётган ҳолат — мақоми хитоб. Чунки бу хитоб намоз ўз вақтида ўқийдиганларга бўлиб, уларнинг намозлари адо дейилади.

14. Мубаддалия — бирон нарсанинг бошқасидан бадал қилинган бўлиши. Қонни дия, хунга бадал қилинган бўлиши. Шоир хотинини маишатидан, ҳаётидан хавотирланиб, унга уйланиб, яна хотин олиш билан дағдаға солмоқчи бўлади.

اكلت دما ان لم ادعك بضره بعيدة مهوى القرط طيبة النثر

Ҳеч бирингдан қўрқмасам, қон ичсам.

Гўзал юзли, зираклари қўлоғидан узун осилиб тургани бор, (яъни бўйни узунгинаси бор.)

«Қон ичсам» деганда, «қон» лафзида мажозий мурсал бор. Алоқаси мубаддалия, «қон» хундан бадал қилингандир. Хунни эса қон этаси тўлайди. Қарина اكلت «едим» лафзи, чунки, қон ейилмайди, ичилмайди ҳам.

15. Умум — зикр қилинган лафзнинг умумликка далолат қилувчи, кўп нарсаларни ўз ичига олиши. Масалан бу оятда нос الناس лафзини жаноб Муҳаммад с.а.в.га нисбатан ишлатилгани:

ام يحسدون الناس علي ما آتاهم *Ёки одамларга берилган нарсаларга улар ҳасад қиладиларми?*

«Нос» лафзи мажозий мурсал бўлиб, алоқаси умум. қаринаси эса ҳолиядир.

16. Хусус — мазкур лафзни хосликка далолат қилиши. Қабилаларнинг номларини қабиллага нисбатан ишлатилиши. Масалан تميم Тамим, ёки تغلب Тағлиб ва ҳоказо.

17. Тааллуқи иштиқоқий — мазкур лафзнинг бошқасидан иштиқоқ қилинган бўлиши. Масдарни исми мафъулга ишлатиш каби.

هذا خلق الله *Булар Аллоҳ яратган нарсалардир!.. Луқмон, 11.*

ولا يحيطون بشيء من علمه (Одамлар) Унинг илмидан фақат (У) истаганича ўзлаштирурлар... Бақара, 255.

Мазкур **علم** ва **خلق** лафзлари бунда мажози мурсаддир, алоқаси масдар билан исми мафъул ўртасида иштиқоқий боғлиқлик борлигидир.

18. Тақйид ва итлоқ – бирон нарса қайд қилиниб кейин уни мутлақ қилиб ишлатиш. **المشفر** (лаб, лунж)ни Зайдга мутлақ ишлатиш. **مشفّر زيد يسيل دما** Зайднинг лунжи қон бўлиб оқяпти.

Аслида «мишфар» деб туянинг лабини айтилади. Кейин уни қайд қилинди ва бу билан мутлақ «лаб» ирода қилинди. Шундан сўнг мишфар Зайднинг лабига ишлатиш дуруст бўлди. Лаблардан бир лаб деб эътибор этилди. Энди мажози мурсал бўлди. Алоқаси тақйид ва итлоқдир.

Бу мисолни истиора сифатида ҳам, масалан алоқаси мушобаҳа деб эътибор қилиш мумкин. Зайднинг лаби қалин ва чўзиқликда туя лабига ўхшатилади. Кейин «мишфар»ни истиора қилинади. Агар тарафайн ўртасидаги алоқа қайси мушобаҳа дейилмаса, мажози мурсал бўлади.


Мавзуга доир истилохий терминлар: мажози мурсал, сабабия, масаббабия, лозимия, малзумия, куллия, жузъия, ҳолия, маҳаллия, олотия, бўлганнинг эътибори, бўладиганнинг эътибори, мужовара, бадалия, мубаддалия, умум, хусус, тааллуқи иштиқоқий, тақйид ва итлоқ.

Адабиётлар:

1. Хомид Авний, «Ал-Минҳажул возих», Дорул-китаб, Миср, 1953 й.
2. Абдул-Ҳаким Ҳасан Наънаъ, «Ал-Манор», Ал-Азҳар, Миср, 1991 й.
3. Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний, «Ат-Талхисул-байн», Қозон, 1304 ҳ.й.
4. А. Мансур, «Қуръони карим маъноларининг таржимаси», 2001 й
5. Али ал-Хабармий, Мустафо Амин, «Ал-Балоғатул-возиха», Оромбоғ-Қорачи қадимий кутубхона, 1989 й.

Мундарижа

Муқаддима	3
Балоғат фанининг моҳияти	5
Балоғат фани тарихи, имомлари	6
Фасоҳат	8
Фасоҳатгул калом	12
Фасоҳатгул мутакаллим	17
Балоғат, каломнинг балоғати	18
Мутакаллимнинг балоғати	21
Илм баён	23
Далолат ҳақида	26
Ташбеҳ ҳақида	29
Важҳуш шабаҳ (ўхшашлик сабаби) ҳақида	38
Ташбеҳ лафзлари ҳақида	48
Ташбеҳнинг мақсадлари — ғаразлари ҳақида	53
Ташбеҳ мартабалари баёни	63
Ҳақиқат ва мажоз ҳақида	66
Мажози муфрад — истиора	74
Тасриҳия истиоралар	81
Тасриҳия истиоранинг бошқа қисмлари	88
Истиораи макнӣ	95
Мажози мурсал	103



“Мовароуннахр”